



7/1989

# ЁШ КУЧ

ISSN 0235—1277

Бу сонда:

Ассалом Пхеньян!

Касб ҳақида ўйлар

Ишбилармон одамлар

Шеърият

Ерга сочилган мунчоқлар  
(қисса)

Ёш Шерзоднинг изтироблари

Аниқ фанлар академияси



# БИЗ ЖАҲОН ЁШЛАРИМИЗ:



VI. TALFALKUZO • 1949 •  
 VILREIFJUSRGI • ZSALA

ФЕСТИВАЛ МОЛОДЕЖИ И СТУДЕНТОВ  
 ЗА МИР И ДРУЖБУ  
 ВСЕННАЯ • МОСКВА 1957

III. WELTFESTSPIELE DER JUGEND-UND-STUDENTEN-FÜR-DEN-FRIEDEN  
 BERLIN 1951

IV. YOUNGPEOPLE'S FESTIVAL  
 HELSINKI 1962

MONDIAL AL TINI  
 FESTIVAL INTERNATIONAL DES ÉTUDIANTS  
 SOFIA 1968

ФЕСТИВАЛ МОЛОДЕЖИ И СТУДЕНТОВ  
 ЗА МИР И ДРУЖБУ  
 СОФИЯ 1968

WELTFESTSPIELE DER JUGEND UND STUDENTEN  
 FÜR FRIEDEN UND FREUNDSCHAFT  
 WIEN 1959

XI. ВСЕМИРНЫЙ ФЕСТИВАЛЬ МОЛОДЕЖИ И СТУДЕНТОВ  
 МОСКВА 1985

WORLD FESTIVAL OF YOUTH AND STUDENTS FOR PEACE AND FRIENDSHIP  
 WARSAW 1955

WORLD YOUTH FESTIVAL  
 WF DY  
 PRAHA 1947

X. ВСЕМИРНЫЙ ФЕСТИВАЛЬ МОЛОДЕЖИ И СТУДЕНТОВ  
 БЕРЛИН 1973



СУБА'73

Ёш куч

Молодая смена

# „АССАЛОМ, ПХЕНЬЯН!“

Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида бўлиб ўтган Олимпия спорт ўйинлари ҳали ҳамон тасаввуримизда яшаб келяпти. Спорт байрамининг очилиш, ёпилиш тантаналарида жилваланган ранглар ҳам эскирганича йўқ... Ҳа, ўша ҳаяжонлар, рангинг тасвирлар сўнмай яна ёшлар Япон денгизи томон ошиқмоқдалар. Бу сафар Шимолий Кореяга, унинг пойтахти Пхеньянга! Жаҳон ёшларининг XIII фестивалига! Шуниси ажабланарлики бирин-кетин бўлаётган ҳар икки йилнинг мақсади битта. Жаҳонга тинчлик! Ахир спорт — тинчлик элчиси бўлса, фестивал тинчлик жарчиси. Урушга, тенгсизликка, адолатсизликка, зулмга қарши ёшлар ҳайқириғидир. Фестивал тарихи ҳам шундай деб турибди:

## Прага фестивали

1945 йили Англия пойтахти Лондонда ёшларнинг — жаҳон конференцияси бўлади. Унга ер юзидаги 68 мамлакатдан ёшлар, студентлар келишади. Шу конференцияда ёшлар ва студентларнинг жаҳон фестивалларини ўтказишга қарор қилинади.

Орадан икки йил ўтган 1947 йили Чехословакиянинг пойтахти Прага шаҳрига ёшлар тўпланадилар. Бутун Европа шу жумладан Прага ҳам кечагина гитлер фашизмидан озод қилинган эди. Ҳали мамлакатда уруш ҳаробалари қайта тикланиб охирига етмаган. У келтирган вайронлар бутун фожиаси билан кўзга ташланиб турарди. Ёшларнинг кўпчилиги фашизмга қарши жанг қилган, уруш даҳшатлари, бомбаларнинг портлашлари қулоқлари тагидан нари кетмаган эди. Фестивалнинг мақсади унинг шиорида ҳам яққол кўзга ташланиб турарди: **«Ёшлар, мустақкам ва узоқ мuddатли тинчлик учун курашга бирлашинглар!»** Фестивалга 71 мамлакатдан 17 минг йигит-қиз қатнашди.

## Будапешт фестивали

Ёшлар ва студентларнинг II жаҳон фестивали Венгрия Халқ республикасининг пойтахти Будапештда, 14—24 август кунлари бўлиб ўтди. Сиз тарихдан биласизки, бу йиллар иккинчи жаҳон урушидан кейинги тикланиш йиллари эди. Қишлоқлар, шаҳарлар қайта қурилиб, бутун борлиқ обод бўлса-да, одамлар юрагидаги жароҳатлар тобора чуқурлашиб борарди. Уруш ўз қаърига олиб кетган одамларнинг ўрни тинч кунларда тобора сезилаётган эди. Шундай бир пайтда империалист кучлар — ҳарбий сиёсий иттифоқ — НАТО блокни туздилар. 82 мамлакатдан келган 20 минг ёш бу совуқ уруш ҳаракатларини қаттиқ қоралайдилар. Фестивалнинг шиори ҳам буни тасдиқлаб турарди: **«Ёшлар бирлашинг! Мустақкам тинчлик, демократия, халқларнинг миллий мустақиллиги ва порлоқ келажаги учун олға!»**

## Берлин фестивали

1951 йил ГДРнинг пойтахти Берлинда 5 август куни III фестивалнинг машъаласи ёқилди. Бироқ шунгача фестивални барбод этиш учун АҚШ бошлқ империалистик давлатларнинг урушқоқ ҳамтовоқлари жуда кўп уриниб кўрдилар. Аммо уларга қарши 104 мамлакатдан 26 минг нафар ёш ўз фестивалига тўпланди. 15 кун давомида **«Ёшлар, янги уруш хавфига қарши, абадий тинчлик учун курашинг!»** шиори остида фикр алмашдилар. Бу сафар ҳам тинчлик кучлари тантана қилди.

## Бухарест фестивали

Румин ёшлари IV Жаҳон фестивалига катта тайёргарлик кўрдилар. Фестивал ҳаракатлари йилдан йилга оммалашиб, унинг шиори ёшларни уруш оловини ёқувчиларга қарши курашга

тобора кенгроқ, активроқ чорлаётган эди. Шунинг учун ҳам қатнашувчи мамлакатлар сони ҳам, ёшлар сони ҳам фестивалдан фестивалга ортиб бораётган эди. Бу галги йилга 111 мамлакатдан 30 минг йигит-қиз тўпланган эди. Фестивал машъаласи 2—16 август кунлари ёниб турди. Бутун ер юзи бўйлаб унинг: **«Йўқ! Бизнинг авлод энди ўлим ва вайронагарчиликка хизмат қилмайди!»** шиори кенг қанот ёзди. Ёшлар ҳалқаро низоларни уруш йўли билан эмас, музокаралар йўли билан ҳал қилишни давлатлардан талаб қилдилар. Бу талабномага бағишланган кўп минг кишилик митинглар бўлиб ўтди.

## Варшава фестивали

Навбатдаги фестивал Польша халқ республикасининг пойтахти Варшавада бошланди. Бу вақтга келиб ҳар доимгидек СССРнинг ташаббуси билан совуқ уруш бир мунча бартараф бўлган, урушқоқ кучлар тинчлик тарафдорларининг ҳаракати олдида ожизлик қила бошлаган эди. Унга 114 мамлакатдаги 31 минг студент ёшлар иштирок этишди. 31 июлдан 15 августгача давом этди. Фестивал шиори куйидагича эди: **«Тинчлик ва дўстлик учун!»**

Ҳа, ёшлар ер юзида тинчлик бўлгандагина халқлар бир-бирлари билан биродар бўлиб яшайдилар ёки аксинча дўстлик ҳукм сургандagina тинчлик барқарор бўлиши мумкинлигини ўз қўшиқларида куйладилар. Митинг ва йиғилишларда минбарлардан туриб гапирдилар. Ҳар куни турли уюшмаларда 350—400 тагача машғулотлар бўлиб ўтди. Уларнинг мазмуни куйидагича:

**«Биз вайрон қилишни эмас, қуришни истаймиз!», «Биз кўз ёши тўкишни эмас, қўшиқ айтишни хоҳлаймиз!»**

## Москва фестивали

Фестивал ўз умрининг ўнинчи йилини яшай бошлаган эди. У ўн йилдан буён атрофига эрксевар ёшларни тўплаб тинчлик йўлида тинмай кураш олиб бораётган эди. Фестивал энди жаҳондаги жуда кўп халқлар ва элатларнинг яшаш тарзига кириб борганди. Биринчи фестивал йили туғилган гўдаклар пионер ёшига етган, пионер ёшидаги ўғил-қизлар эса тинчликнинг росмана курашчилари сафидан ўрин олган эдилар. Шундай бир пайтда VI фестивал Ер юзида биринчи Социалистик мамлакат СССРнинг пойтахти Москвада чақирилди. У 23 июлдан 11 августгача давом этди. 131 мамлакатдан 34 минг делегат қатнашди. Ёшлар **«Тинчлик ва дўстлик учун!»** шиори остида империализмнинг қора ниятларини фош этдилар.

## Вена фестивали

Вена капиталистик мамлакат Австриянинг пойтахти! Бундай деб урғу бераётганимизнинг сабаби шу вақтгача барча фестиваллар социалистик мамлакатларда бўлаётган эди. Ниҳоят еттинчи капиталистик мамлакатда ўтаётган эди. Фестивал 26 июль ва 4 августда бўлди. 112 мамлакатдан ҳаммаси бўлиб 18 минг делегат қатнашди. У олтинчи Москва фестивалининг шиорини давом эттирди: **«Тинчлик ва дўстлик учун!»**

## Хельсинки фестивали

Финляндия ҳар хил ҳарбий блокларга қўшилмаслик сиёсатини тутиб келаётган капиталистик мамлакатлардан бири. У Совет Иттифоқи билан яхши қўшничилик қилиб келади. 1962 йили 28 июлдан 6 августгача XIII Жаҳон фестивали ана шу мамлакатнинг пойтахти

Хельсинкида бўлиб ўтди. Ёшлар бу сафар ўзларига (яна олдинги фестивалларнинг **«Тинчлик ва дўстлик учун!»** шиорини байроқ қилиб олдилар. Унга 137 мамлакатдан 18 минг йигит-қиз келди. Фестивалда планетамизнинг биринчи космонавти Юрий Алексеевич Гагарин иштирок этди. У ёшларга қараб шундай деди: **«Мен сизларнинг орангизда бўлишдан, сизларнинг чеҳрангизда кулгу кўришдан ва сизларнинг тинчликка, дўстликка интилаётганингизга ишонч ҳосил қилишдан беҳад шодман.»**

## София фестивали

Ёшлар ва студентларнинг IX Жаҳон фестивали Болгария халқ республикасининг пойтахти Софияда бўлиб ўтди. Унинг машъаласи аъзанага кўра бундан олдинги фестивални ўтказган давлат пойтахти Хельсинкидан келтириб ёқилди. Унга 188 мамлакат ўз вакилларини жўнатди. 20 минг ёш қатнашди. **«Бирдамлик, тинчлик ва дўстлик учун!»** фестивал шиори бўлди. Фестивал Вьетнам халқи АҚШ империализми билан кескин кураш олиб бораётган, мустақиллик учун курашаётган, Исроил босқинчилари ёвуз ният йўлига кирган даврларга тўғри келди. Бу йиғилиш 28 июлдан 6 августгача давом этди.

## Берлин фестивали

**«Антиимпериалистик бирдамлик, тинчлик ва дўстлик учун!»** ГДР пойтахти Берлин шаҳрида чақирилган X фестивал ўзига юқоридаги чақириқни шиор қилиб олди. Унга 140 давлатдан 30 минг ёш қатнашди. 28 июлдан 5 августгача давом этган бу ёшлик форумида жаҳон халқларини империализмга қарши уюшишга, уруш оловини ёқувчиларнинг нафасини кесишга чақирилди.

## Гавана фестивали

Ёшлар ва студентларнинг XI Жаҳон фестивали биринчи бор Ер шарининг Ғарбий ярим шарига кўчиб ўтди. У Куба республикасининг пойтахти Гаванада 1978 йил 28 июль — 5 август кунлари чақирилди. Шиори ўзгармади: **«Антиимпериалистик бирдамлик, тинчлик ва дўстлик учун!»**

Фестивалга 145 мамлакатдан 18,5 минг ёш қатнашди. Улар турли сиёсий оқимларнинг вакиллари бўлишига қарамай барчаси ҳам урушга қарши, империалистик кучларга қарши бўлган ёшлар эди. Тинчлик ғояси уларни ягона мақсадли одамларга айлантирган эди.

## Москва фестивали

1985 йили пойтахтимиз Москва иккинчи бор фестиваль ватанига айланди. У 27 июль ва 3 август кунлари давом этди. Шиори **«Антиимпериалистик бирдамлик, тинчлик ва дўстлик учун!»** Фестивалга 175 давлатдан ёшлар иштирок этди. Анжуман кунлари «Дўстлик» боғи ташкил этилди. Унга ҳар бир мамлакатнинг делегатлари дарахт ниҳоллари ўтқаздилар. Фестивалнинг буюк Ғалабининг 40 йиллигига тўғри келиши Ватанимизда бошланган байрамларга уланиб кетди. Фестивал қатнашчилари Ғалабининг 40 йиллиги муносабати билан ташкил этилган турли музейларни, урушни қораловчи, тинчликни ёқловчи фильмларни томоша қилдилар, қўшиқларни тингладилар. Фестивалнинг олдингиларидан фарқи болалар учун алоҳида программа ташкил этилганлигидир.

Мана энди фестиваль тарихи саҳифасига «Пхеньян, 1989 йил 1—8 июль» деб ёзиб қўйилади. Яна Тинчликнинг ғолиб қўллари баланд кўтарилади. Яна Тинчлик сўзи бутун жаҳонни тутуди. Тинчлик бу ёшлик дегани. Ёшлик эса — келажак демакдир!

# Модний қолтон? Родин бундаси?

(Катталарга очиқ хат)

— Нукул меҳнат, меҳнат деганимиз деган. Меҳнат нима ўзи?

Сухбат қатнашчиларининг юз-кўзларига разм солаемиз. Дадиллик, ҳадик, иккиланмиш, «шўям савол бўлди-ю» дегандек бир ифода. Ниҳоят пайдар-пай, қуруқдан-қуруқ аънанавий жавобларни эшитамиз:

- Меҳнат — шон-шараф дегани.
- Меҳнат — яшаш демакдир.
- Меҳнат — ҳаётнинг ўзи.

Жавоблардан қониқиш, илиқ-иссиқлик туюш ҳисси у ёқда турсин вужудимизни изғирин бир елдирим қақшатиб ўтгандек бўлди. Ҳа, сесканиб тушдик. Ахир ўз овозимизни ўзимиз эшитиб турардик-да! Бундоқ танамизга ўйлаб кўрсак бизнинг болалигимиз ҳам худди шу сўзлар билан йўрғакланган, танглаймиз ҳам меҳнат ундоғу, меҳнат бундоқ деган сўзлар билан кўтарилган экан. Энг даҳшатлиси, биз қайта қуришимиз болалари деб умид кўзларимизни тикиб турган ўсмирлар ўттиз йилнинг нари-берисидеги қизил сўзларни тўтиқушдек такрорлашаётгани эди.

«Болаларимизни ёмонлаганимиз — ўзимизни ёмонлаганимиз». Буларда нима айб! Шу пайтгача кўзимиз юмуқ экан, ҳеч бўлмаса буларнинг кўзини очайлик. Инсон ўзи учун бир бор бериладиган ҳаётда тоқай туртиниб яшайди. Қуруқ, ялтироқ гаплар билан қорин тўйиб, уст бут бўлиб қолмайди-ку. Шу мақсадда «кўз очишга киришдик:

— Меҳнат шон-шараф бўлса мамлакатимиздаги 40 миллион киши ночор ва қашшоқлар рўйхатида турармиди? Шунча табиий бойликларимиз бўла туриб, хорижий давлатлардан 40 миллиард сўм қарз бўлиб яшаймизми? Меҳнат — яшаш бўлса нимага у кам, бу кам деган нолишлар кўпайиб боряпти? Дастурхонимиз, кийим-бошимиз «яшаймиз» деган иқдорга тўғри келадими? Меҳнат — ҳаётнинг ўзи бўлса нимага, «меҳнат» деганда одамларнинг афти буришади. «Эй» деб қўлини ювиб қўлтиққа ургандек бўлади?!

Биз гўё бу инкорлар билан ўтирганларнинг фикр ва ўйларига ғов ташлагандек бўлардик. Шунгами туйғулар бамисоли димланаётгандек ўртага ноқулай жимлик чўқди. Аммо бу «димланиш» узоққа бор-маслигини, ҳадемай биз ташлаган ғовдан тошиб ўтишини кўнглимиз сезиб турарди. Шундай ҳам бўлди:

— Утган йили ёзда йигирма кун меҳнат практикасида бўлдим. Ҳаммаси бўлиб 1 сўм 60 тийин пул ишладим. Ҳисобласам бир кунлик иш ҳақим 8 тийинданга тушибди.

— Яхшиямки биз бу йил мактабни тамомлаб ке-

тамиз. Бу ишхонанинг юзини бўлак кўрмаймиз. Лекин укаларимизни ўйласак юрагимиз ачишади...

59-мактаб «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси билан кўшни. Уқувчилар ҳар йили ўқув меҳнат практикасини шу ерда ўтайдилар. Китобларни, дарсликларни муқовалаш ва бошқа энгилроқ ишларни бажаришади. Лекин нима бўлгандаям «меҳнат», «иш ҳақи» деган тушунчаларга дастлаб шу ерда тўқнаш келишади.

Келинг, шу ўринда мавзунини кенгроқ — болалар меҳнатида фойдаланадиган оталиқ корхоналари, колхоз ва совхозлар миқёсига кўчирайлик. Нимага улар ўсмирларни мактабдаги чоғиданоқ ўзларига қайриб ололмаётдилар? Уз ишчи сафларини интилиб келаётган ёшлар ҳисобига эмас, ноилжлар, «кун ўтса бўлди»лар ҳисобига тўлатиб келяптилар.

Кундалик иш ҳақи 8 тийинга тушаётган ўсмир фикрламай иложга йўқ. Битта шишани қабул пунктига элтиб топширса 20 тийинлик бўлади. Хусусий кооперативчининг ошхонасида идиш-товоқ ювса камида кунга 5 сўмлик бўлади. Нонвойга, чойхоначига ёллансачи? Пакет сотсачи? Бу юмушларнинг кундалик меҳнат ҳақи 8—10 сўмгача боради. Фарқни қаранг, осмон билан ерча. Шундай бўлгач, ҳаётга энди кириб келаётган ўсмирда катта ижтимоий меҳнатга муҳаббат уйғонадими? Бундан ташқари, иш жойларидаги кишиларнинг иш ҳақидан кўнглимиз тўлмаётганлиги, шароитнинг йўқлиги билан боғлиқ зорланишлариям ҳисобга олсак ўсмир юрагидаги унча-мунча товланишлар ҳам сўнади.

— Биз ҳар йили меҳнат-роҳат лагери ташкил этиб Янгийўлдаги Усмон Юсупов номли боғдорчилик ва узумчилик комбинатига борамиз. Табиат қўйнида ишлаш, ухлаш биз шаҳарликлар учун эртакам ўхшайди. Шаҳар жудаям торлигини ҳис қилиб, кенгликларга чиққандек бўлиб қоламиз. Шунинг учун ҳам тўғриси айтиш керак, бизни пул унчалик қизиқтирмайди. Ховосакка ишлаймиз. Юзларингидеги қизиллик, соғлиқларингизни ўзи катта пул дейишади ота-оналаримиз. Лекин у ердаги амакилар шундай хафа қилишадики бизни. Ишдан қайтаётганимизда ётоқда қолган ўртоқларимизга, ошпазларга деб олган битта, иккита меваниям титкилаб олиб қўйишади. Биз уларга кўмакчи эмас, худди сиғиндига ўхшаймиз.

— Ўзимиз мева терамизу, дастурхонимизда мева бўлмайди. Ҳа, гапирсак ишонмайсизлар. «Ташмачилар» деб ҳақорат ҳам қилишади.

Уринли ва аянчли таъналар. Уйлаб қолсан киши. Ёз давомида қанчадан-қанча ўсмирлар, «оталиқ» деб

аталмиш сут-товар фермаларида ишлашади. Оғизларига бир луқма қаймоқ тегармикан? Чорва учун яйловларда ғарам-ғарам пичан ғамлашади. Иссиқ овқатларида бир тишлам гўшт бўлармикан?

Утган йили ёз палласида Фарғона областининг Ўзбекистон районидаги Фурқат номли мактаб пахтачилик бригадасида бўлдик. Туш пайти нима истеъмол қилишаркин деб атайлаб қўзатдик. Қозонга пахта мойи, пиёз, томат солиб қизартирилди. Кейин макарондан мўлроқ солиниб, сувга бостирилди. Бу овқатнинг номи болалар тилида — макарон палов. Унга на картошка, на гўшт тушди. Бу арзон овқатнинг баҳоси ҳар бир болага 17 тийинданга тўғри келди. Чойи билан 20 тийин. Ошпаз қиз ҳаётнинг камга тушганлигидан мамнундек, энгил хўрсиниб қўйди. Билсак болаларнинг бир кунлик иш ҳақи 1 сўмданга тўғри келар экан. Шундан 20 тийини овқатга кетса 80 тийини чўнтакка қолар экан. Ахир ишляпти деган номи бўлгач, ҳеч бўлмаса дафтар, китобини боланинг ўзи олиши керакми? Сал бўлсаям ота-онанинг олдида юзини ёруғ қилиб олиш ғурури қайси ўсмирда йўқ, дейсиз. Шундай бўлгандаям бир кунга саксон тийин ҳақ нима дегани? Дафтар-китоб бўладими, кийим-бошми? Боланинг соғлиғи-чи? Ўсмирнинг танаси йигирма тийинлик овқат билан тик турадими? Ҳа — ўзини-ўзи ейиш ҳисобига, ошқозоннинг яллиғланиши-ю, илиқнинг қуриши ҳисобига. Бундай ҳолни ёзги меҳнат-роҳат уюшмаларининг кўпчилигида кузатиш мумкин. Болалар меҳнатида манфаатдор хўжалик раҳбарлари нега бу асосий масалага бефарқлар. Ахир эртага кунлари меҳнат деса без-без қилиб турадиган шу ёшларга қолади-ку. Бундай аянчли ҳақиқатлар беихтиёр Чингиз Айтматовнинг «Соҳил бўйлаб чопаетган олапар» қиссасини эсга солади. Асарда бобо, икки ўғил ва набира денгизда адашиб қолишади. Тўрт кишининг ҳаёти бир ҳўплам ичимлик сувга боғланиб қолади. Оиланинг уччала катта авлоди сувни болага қолдириб бирин-бирин тунда ўзларини денгизга чўктиришади. Ҳаёт давомчиси бўлган бола тирик қолади. Тўлқинлар уни қайиқ билан қирғоққа суриб чиқаради. Асарнинг ғояси катталарга қаратилган — авлодни асрай десанг зарур бўлганда ўзингдан кеч!

Бизчи, нима қиялпимиз? Бу саволни шу кеча-ю, кундузда ўзимизга берайликда, болалар меҳнати билан бир қизиқайлик. Улар нима дейишаркин?

— Олдинига яхши кутиб олишади. Пул ҳақида оғиз очмасак ҳам, унча тўлаймиз, бунча тўлаймиз деб бизни янаям қизиқтиришади. Кейин нима бў-


Давра суҳбатида қатнашган ўқувчилар:



Баҳром СОИПОВ, 41-мактаб.



Маҳмуда Мирзаева — 84-мактаб.



Дилором Ҳолмуҳамедова — 154-мактаб.



Жасур Мирзаев — 254-мактаб.



Давра суҳбатида қатнашган ўқитувчилар: Мели Шарипова — 59-мактаб, Ақида Ҳакимова — 84-мактаб, Асрор Валиев — 254-мактаб, Улфат Шоабдуллаева — 41-мактаб, Ақида Шамсиева — 157-мактаб.

лади? Йигирма кунга ками 2 сўм, кўпи 4 сўм орасида пул оламиз. Йўқолган, банди узилган челакарни меҳнат ҳақимиздан ушлаб қолишади.

— Смородинани териш жудаям қийин экан. Ҳар килосига 22 тийиндан тўлаймиз дейишди. 71 кило тердик. Бари бир тўлашмади. Еганинлар билан расчет дейишди.

— Яхши ишлаганларни мукофотлагимиз келади. Нима қилиш керак? Узимиз билан олиб келинган минерал сувлар шишасини тўплаб сотамиз. Пулига арзон китоблар олиб яхши ишлаганларни, спорт мусобақаларида ютиб чиққанларни мукофотлаймиз.

— Биз тўрт соат ишлашимиз керак. Лекин план тўлсин деб бригадирлар 6 соатлаб ишлатишади.

Аслида ўсмирнинг тўрт соатли меҳнати рағбатлантирилган ҳолда саккиз соатли меҳнат кўламида ҳақ тўланиши керак. Уша рағбат болада меҳнатга қизиқиш уйғотади. Боладаги у ёки бу заиф томонлар фақат рағбатлантириш орқалигина юзага чиқишини наҳотки унутиб қўйдик. Наҳотки ўзимиз бола бўлмаганмиз. Бўлганмиз, ўзимиз ҳам ўша рағбатдан бебаҳра ўсганмиз. Шунинг учун ҳам юракларимиз тошга айланган, кўзларимиз бамисоли ялтироқ кўзгу, акслантиради-ю, ҳис қилмайди. Болалар шиша сотиб ўзларини-ўзлари рағбатлантирсалар, бундан шодлансалар ажабланмаймиз. Бу биз учун бориб турган калтак эканлигидан виждонимиз қийналмайди.

Майли, давлат хазинасининг қоқ бўлганлиги, корхоналар, колхоз ва совхозларнинг хўжалик ҳисобига ўтиб, ҳар тийинни тиши билан тишлаб турган бугунги кунда ҳар хил рағбатларни ҳам бир чеккага суриб қўяйлик. Аммо боланинг ҳақиға хиёнат қилмайлик. Меҳнат билан ўсмир оралиғига нифоқ ташламайлик. Меҳнат инсонни тўйдирувчи, кийинтирувчи, яшашга умид уйғотувчи қодир куч! Бу кучнинг тиги қанчалик ўтмаслашса жамият шунчалик қашшоқлашиб бораверади. Балки бугунги фожеаларимизнинг боиси меҳнатни ўта сохталаштириб юборганлигимиздандир.

Биз кўпроқ ўсмир, ўсмирнинг меҳнати ва меҳнатининг баҳоланиши атрофида фикрляямиз. Ҳамма нарсанинг ўз оғирлик ва қиймат ўлчови бўлганидек, меҳнатнинг ҳам охир-оқибат ўлчовларидан бири — пулдир. Биз меҳнатнинг ўсмирга ҳаёда этадиган соғломлик қиймати, тарбиявий, маънавий қийматлари ҳақида тўхталмаяпмиз. Меҳнатнинг бу жиҳатларига «Еш куч»нинг бошқа сонларида қайтармиз. Уйлаб кўрсангиз, шу пул муаммосининг ўзи бамисоли қўриққа ўхшайди. Ёзги меҳнат уюшмалари, бирлашмаларини ташкил этишдан мақсад ёшларни меҳнатга ўргатиш бўлиши керак эди. Бизда бўлса «ўргатиш»дан кўра арзон куч сифатида ишлатиш устун келиб турганга ўхшайди. Хўш, ўсмирлар меҳнати ҳақида ўзимиз нима биламиз. Тўрт соат ишлашлари-ю, кундалик режимга амал қилишлариними? Ўсмир бир кунда қанчалик иш бажаради-ю, қанчалик қувватдан қолади? Унинг ўрнини тўлатиш учун қанча колорияли овқат ейиши керагу ва қанча вақтчоғлик қилиши керак? Умуман жисмоний меҳнат чоғида ўсмир танасида қандай ижобий ва салбий жараёнлар кечади? Буларни на ота-оналар, на ўқитувчилар, на ўсмир меҳнатидан манфаатдор хўжалик раҳбарлари-ю, на ўсмирнинг ўзи билади. Ҳа, ўсмир меҳнати — унинг меҳнатиға ҳақ тўлаш, жисмоний чиниқиш ва қатор маънавий томонлари ҳали ҳар томонлама ишлаб чиқилгани йўқ. Аслида ўсмир ёз ойларида меҳнат қилар экан, у меҳнатни севиб қолиш билан биргаликда, ҳамма томонлама чиниқиши ҳам керак. Токи чиниқиши, яъни танасидаги тўплаган қуввати бутун ўқув йили давомига етсин. Ёз ойлари у учун чинакам соғломлик фаслиға айлансин! Бунинг учун ёзги меҳнат ишларига каникулға бир ой қолганда эмас, бутун ўқув йили давомида тайёргарлик кўриш керак бўлади, тўғри эмасми? Хўш, юқоридаги мулоҳазаларға, фикрларға сизлар нима дейсизлар?



А. Кудряшов фотолари.

Эркин МАЛИКОВ.



Дилдора Назарова — 41-мактаб.



Гулсара Шохнева — 157-мактаб.



Муқаддас Мирбобоева — 59-мактаб.



Фазилат Зайнутдинова — 59-мактаб.

## КАСБ

## ЭРАҚИДА

## ЎЙЛАР

Ун етти ёш... Қадрдон мактабинг, қадрдон синфдошларинг билан хайрлашиш онлари... Кўнгилларда бепоён орзулар... «Ким бўлсам экан? Қай бир касб яхши? Қайси бир ишнинг, ҳунарнинг этагини тутган дуруст?»

Усмирлар ўйлари... Гоҳида бу ўйлар, бу хаёллар, бу орзулар барг юзидаги тонги шабнамдек омонат. Бир оғиз сўз, бир оғиз маслаҳатдан ўсмир фикри дарҳол ўзгаради-қолади. Гоҳида эса ўжарлик билан «палон жойда ўқийман, палон касбни эгалламасам дунё кўзимга қоронғу» деб икки оёғини бир жойга тираб туриб олади.

Усмир олами шунақа. Дунёда эса касб кўп, ҳунар кўп. Билим олмоқчи бўлганга илм даргоҳлари се-роб.

Бизга келаётган мактубларнинг кўпиди ҳам айни шулар ҳақида баҳс юритилади. Ешлар орзулари ҳақида тўлқинланиб ёзилади, маслаҳат сўрашади, фикрларини ўртоқлашади. Мана, улар...

### Ун етти ёшлилар мактублари

«Еш куч!» Маслаҳат бер. Мен келажақда Гулчеҳра Саъдуллаева, Гулчеҳра Жамилова, Гавҳар Зокирова каби актриса бўлишни истайман. Лекин бунга ота-онам, акаларим қарши. Бухоро шаҳридаги С. Айний театри ўқувчиларни қабул қилади, мен ўша ерга бориш учун тайёрландим, аммо уйдагилар қўймади. Менинг бирдан бир орзум артист бўлиш. Илтимос, менга маслаҳат беринглар, нима қилай?..

Олия ВАҲОБОВА,  
Бухоро районидagi  
С. Айний номи мактабинг  
10-синф ўқувчиси.

Ҳозир ҳар бир ўғил-қизда ёшлигидан бирор касбга иштиёқ, қизиқиш бўлади. Баъзилар ўзи қизиққан касбни эгаллашга ҳаракат қилишмайди. Ахир касб ҳар бир одамга ҳаёти учун йўл очиб беради-ку! Шундай бўлган, касб танлашга ҳам жиддий қараш керак.

Мен Ватаним учун, ҳаётим учун кураш мақсадида журналист бўлмоқчиман. Албатта бу орзумни рўёбга чиқаришга ишонман. Уни аниқ амалга ошириш учун яна нима қилишим керак?

Насриддин РАҲИМОВ,  
Советобод райони, ўқувчи.

Мен Бухоро педагогика билим юртига кириб ўқимокчиман. Орзум — педагог бўлиш. Лекин мени бир фикр анчадан буён ўйлантиради. Айрим ўқувчилар мактабни тугатиб олий ўқув юртига борадилар, лекин киролмай қайтиб келадилар. Сабабини сўрасак, ўша ўқиш жойида таниш-билишчилик ва пул олиш ишлари бўлаётганини айтадилар. Улардан бу гапларни эшитиб ўқишдан кўнглимиз совийди.

Ҳозир қайта қуриш авжида. Шундай экан, олий ўқув юртлиридаги таниш-билишчилик, пора олишлар тугашига ва биз ёшлар ўз орзумимизга эришишимизга ишонамиз!

Дилфуза ЭСОНОВА,  
Ўқувчи. Л. Толстой номи  
38-мактабинг битирувчиси.

Хўрматли «Еш куч» редакцияси!  
Биласларми, мен милиция ходими бўлишни истайман. Ҳарбий хизматдан кейин Тошкент милиция мактабига бормоқчи эдим, аммо ҳужжатларимни тўғрилай олмадим. Кейин қурилиш техникумига ўқишга кирдим. Бир ярим ой ўқигач, ташлаб кетдим. Негадир қизиқмадим. Яна бир неча марта милициягонага бордим. Лекин нимагадир ишим юришмади. Мен русча гаплаша оламан, спорт билан шуғулланман. Агар милиция мактабига ўқишга кириб қолсам, чин дилдан ўқийман, совет милициясига муносиб кадр бўламан.

Маслаҳат беринг, қандай қилиб ҳужжатларимни тўғрилай.

Сафар ШЕРНАЗАРОВ,  
Шеробод райони «Гулистон» совхоз.

Касблар турли тумандир. Ҳар бир инсон ҳаётда ўз ўрнини топиши учун севган касбининг устаси бўлмоғи керак. Мен Фориз районидagi 77-мактабинг 10-синфини битирдим. Ёшлигимдан ўқитувчилик касбига қизиқман. Ҳар бир ёш бир касбни танладими, уни севмоғи, шу касбда иҳлос билан ишламоғи керак. Шундагина у ўзи танлаган касбининг устаси бўлади. Шунинг учун касб танлашда янглишмаслик керак. Кўнгилга қулоқ солиш лозим. Касблар бу — келажак ҳаётимиздир!

Ўткир КАРИМОВ.

Салом «Еш куч»!

Мени сенга ёзишимдан мақсад, мана бу йил 10-синфини битирдим. Ҳар бир ўқувчининг ўз орзуси бўлади. Мен ҳам «Орзуга айб йўқ» деганларидек келажакда стюардесса бўлмоқчиман. Буни синфдошларимга айтганда улар роса қулишди. Нега қулишди?! Ахир қишлоқ қизлари бундай ўқишларда ўқиши мумкин эмасми? Мен бу касбга жуда-жуда қизиқман.

Малика ЖУРАЕВА.

Қува районидagi 44-ўрта мактаб битирувчиси.

Мен мактабни битиргач, икки касбнинг бировини эгаллашни орзу қилман. Журналист ҳамда адабиёт ўқитувчиси бўлиш орзуларим бор. Орзуми амалга ошин деб 8-синфдан бошлаб шеър ва тўртликлар ёза бошладим. Радио ва телевизордан берилаётган шеърларни хурсанд бўлиб тинглайман. Қани, менинг орзуларим амалга ошса...

Гулжаҳон МАХТАМОВА.

Қоракўл.

Фурқат номи 48-мактабинг 10-синф ўқувчиси.

Мен «Еш куч» журналининг барча сонларини қизиқиб ўқийман, ундаги мақолалар менга жуда ёқди.

Партия ва ҳукуматимиз ёшларимизни етук кишилар бўлиб етиштириш учун кўп ғамхўрликлар қилишмоқда. Уз касбига садоқат билан қарайдиганлар, меҳр билан ишлайдиганлар ҳаминша эл-юрт олдида обрў толади...

Мен «Касб ва касб танлаш» ҳақида ёзмоқдам. Тўғри, касбнинг яхши-ёмони бўлмайди. Лекин ўз касбининг севмасанг, ёки бир ишда мажбуран ишласанг ёмон экан, сира қўлинг ишга бормаскан...

Мактабдалигимда ҳарбий офицер бўлишни ёқтирар эдим. Жисмоний тарбия дарсларида кўплаб югуриш, турникка тортилиш ва бошқа машқлар билан шуғулланардим, ҳарбий таълим дарсида эса ҳаминша ўқитувчим билан русча гаплашардим, билмаган ва тушунмаганларимни ўрганиб олардим. Ўқитувчиларим ҳам мейдан ўз ёрдамларини аяшмасди. Орзумимга ҳамма хайрихоҳ эди.

Мактабни битириб район ҳарбий комиссариати томонидан Орджоникидзе Олий умумқўшун ҳарбий билим юртига ўқишга юборилдим. Афсуски конкурсдан ўтолмай уйга қайтдим. Бир ҳафта ўзимга келолмай юрдим. Ҳеч бир гап-сўзлар қулоғимга кирмас эди. Бир вақт қарасам ошпазлар мактабига ўқишга кириб қолибман. Мен бундай бўлишни сира ўйламагандим. Бир неча марта ўқишдан чиқишга ҳаракат қилдим, лекин ота-онам энди «повар бўласан» деб туриб олишди.

Ҳозир эрталаб ўқишга қуриб, уйга кечкурун чарчаб қайтаман. Ҳамма вақт ўзимни ҳолсиздай сезаман. Жисмоний тарбия билан шуғулланмаган киши шундай бўлса керак-да. Ахир мен келгусида ҳарбий билим юртига боришим керак-ку! Нега мен кундан-кун заифлашиб бораётман. Қани аввалги куч-қувватим!

Ўқишни битирдим спорт билан шуғулланиш учун Бухородаги «Ёшлик» спорт аренасининг «футбол» тургарига қатнаш бошладим. Фақат 10 кун қатнадим холос. Бу иш отамга ёқмади. «Сен повар бўлишинг керак, сенга нимага керак шу футбол» деб борғизмай қўйди. Шундан буён яна ўзимни мадорсиз сезаятман.

Наҳотки мен ўзим ёқтирган касбга эришолмасам? Наҳотки мен қўл-оёғи боғланган одамлардай бировлар қўлида бўлсам... Хўрматли редакция! Сизлар менинг бу фикрларимга қандай қарайсизлар? Билки менинг ёзганларим нотўғридир. Лекин ҳар ким ҳам ўз мақсадига эришиши учун курашиш керак-ку? Наҳотки, мен ота-онамининг тазйиқи туфайли ўз мақсадимга эришолмасам? Менга қандай маслаҳат берасизлар? Хўрмат билан —

Камол ТУЙҒУНОВ,

Ромитон райони Жданов номи колхоз.

Мактублар... мактублар... Ун етти ёшлилар ихорудили... Уларнинг ақарияти касб-ҳунар, орзусига эришишининг тўғри йўлидан бораётгани одамни қувонтиради. Кўплар эса илк қадамлариданоқ курашиш зарурлигини англаб етишган.

Хуллас, мактубларни ўқиркансан бир нима деб уларга ақл ўргатишдан ўзининг тиясан. Ҳаммаси мулоҳаза, мушоҳада билан табиий ёзилгандек туюлади у дил сўзлари... Нима бўлганда ҳам, энг муҳими, ҳар бир йигит-қизнинг ўз мақсади бор. Уларга ўзлари қизиққан касбни танлашларида, орзу-умидларига етишишларида омад тилаймиз. Ахир «Интилганга толе ёр!» деб бекорга айтмаган доно халқимиз.

### Касб ҳақида қадимги баҳс

...Минг йиллар бурун ҳам кишилар касб-ҳунар эгаларига чуқур ҳурмат сақлаб келишган. Қадимги афсоналардан бирида бу ҳақида қуйидагича ҳикоя қилинади.

Айтишларича, Қуддус қасри қуриб битказилгач, Сулаймон шоҳ бу улкан қасрни қуришда иштирок этган барча усталарни зиёфатга чорлабди. Йигилган меҳмонлар зиёфат учун миннатдорчилик билдириб, эндигина ўринларидан туришганда, бирдан шоҳ сўраб қолибди:

— Қани айтишлар-чи, бу улкан қасрнинг қурув-

чиси ким? Бу ажойиб қасрнинг бунёд бўлишига ким кўпроқ ҳисса қўшди?

Ғишт терувчи ўрнидан туриб шундай дебди:

— Сир эмаски, қасрни бизнинг қўлларимиз яратди, бу ерда бошқа фикр бўлиши мумкин эмас. Биз ғишт терувчилар ғишт устига ғишт қалаб уни бунёд қилдик. Қаранглар, қандай мустақкам деворлар, пештоқлар, гумбаазлар. Булар Сулаймон шоҳ шухратидек асрлар оша туради.

— Тўғри, қаср асосан ғишдан қурилган, бу ҳақида баҳс ҳам бўлиши мумкин эмас, — дея суҳбатга аралашибди дурадгор, — аммо азиз меҳмонлар, ўзларинг ўйлаб кўринглар, биз ўз ҳамкасбларим билан терлаб ишламаганимизда бу қаср шунчалик чиройли бўлармиди? Агар биз деворларга қизил ёғочлар ва ливан кедрлари (нина баргли дарахт) билан ишлов бермаганимизда сизларга бу яланғоч деворларга қараш ҳам ёқимли бўлмас эди. Бизнинг паркет эса, энг аъло навли самшитдан қилинган — қараган кўзни қувонтиради. Бу афсонавий қасрнинг ҳақиқий бунёдкорлари биз — дурадгорлар десак ҳам бўлаверади.

— Бинонинг пойдеворида қаранглар, — дея унинг сўзини бўлди ер қазувчи, — мен шунини билишни истайманки, агар биз бинонинг пойдевори учун чуқур қазимаганимизда мана бу мақтанчоқлар (у ғишт терувчи ва дурадгор томонга бош силтаб қўйди), бу қасрни тиклай олишармиди? Биринчи шамолдаёқ, деворига қўшилиб безаклари ҳам қоғоздан қурилган уйдек ҳар томонга сочилиб кетарди.

Аммо Сулаймон шоҳ бекорга доно ҳисобланмасди. У ғишт терувчини қаҳирли сўради:

— Сенинг асбобларингни ким ясаган?

— Албатта темирчи-да, — жавоб қилди ҳайрон бўлганча ғишт терувчи.

— Сеникинчи-чи? — шоҳ дурадгорга қаради.

— Темирчидан бошқа ким ҳам бўларди, — дея ўйлаб ҳам ўтирмай жавоб қилди дурадгор.

— Қани, сенинг курак ва чўкичингни-чи? — Сулаймон ер қазувчи билан қизиксинди.

— Биласан-ку, подшоҳим, буларни фақат темирчигина ясай олади, — деди ер қазувчи ҳам.

Шунда Сулаймон шоҳ ўрнидан турди-да, бурчақда камтарона турган киши олдига борди. У киши темирчи эди. Шоҳ уни зал ўртасига бошлаб чиқди.

— Кўриб қўйинглар, қасрни бош қурувчиси мана шу одам бўлади, — дея хитоб қилди шоҳларнинг донишманди. Шу сўзларни айтиб у темирчинини ўз ёнига — пар ёстиққа ўтказди ва унга шароб тўла қадаҳни тутди.

Бу афсона тўқилганига ҳам уч минг йилдан ошиб кетди. Биз унда қанчалик ҳақиқат борлигини билмаймиз, аммо нима бўлганда ҳам биз бу афсона орқали қадимдан ўз касбларни инсонлар хизматида бўйсундирган усталарга чуқур ҳурмат-эҳтиром борлигини ҳис этамиз.

### Бўсағадаги илк қадамлар...

Ҳа, ўсмирлик олтин фасл, орзулар фасли. Кўп нарсалар шу фаслдан бошланади. Агар ҳаётни улкан денгизга қиёс қилсак, мактабни битирган ўсмирни унда ўз қайиғида сафарга чоғланган денгизчига ўхшатинг келади. Денгизда адашмаслик учун эса денгизчи эшак эшишга моҳир, денгиз илмидан, инжиқликларидан хабардор бўлиши керак.

Ҳаёт остонасида турган ҳар бир ёш ҳам сафарга чоғланган денгизчидек ўзи танлаётган касбга ҳар томонлама тайёр бўлиши лозим. Аввало ўзи танлаётган касбни бир умрга сева олишига ишонса ва бунга ўзида лаёқат бўлсагина бу йўлда илк қадамни босиши керак. Шу ўринда Сенеканинг «Инсон қайси манзилга кетаётганини билмаса, унинг елканига ҳеч бир шамол ҳам тўғри келмайди», деган сермаъно сўзларини эсга олиш жоиздир.

Катта йўл бошида турган ўқувчиларимизнинг юқоридagi мактабларидан ҳам кўриниб турибдики, улар касб танлашга жиддий ёндашмапти. Қадимий афсонани ўқиганимизда ҳам ўз касбини эъзозлаб баҳсга киришган усталарга меҳримиз ошади. Ҳа, дунёда касб кўп, ҳунар кўп. Касб-ҳунарнинг яхши-ёмони, катта-кичиги йўқ. Муҳими ҳар ким ўз ишига, касбига меҳр қўйишида.

Кимки мақсад билан яшаса эртами-кечми унга етишади. Шу ўринда машур немис шоири Гётенинг қуйидаги мисраларини тилга олгинг келади.

Кимки курашса гар эрк ва ҳаёт деб,

Ушанга лойиқдир эрк ҳам, ҳаёт ҳам.

Адхам ДАМИНОВ.

# ЎЗГАРИШ БЎЛАРМИКИН?

Самарқанддаги ҳунар-техника билим юртлирининг бир неча ётоқхоналарини кўздан кечирганимда беихтиёр ТошДУ журналистика факультетининг 1 курс студенти пайтимда яшаган ётоқхонамизни эсладим. Бизнинг ҳаётимиз комендантлар «қўли»да эди. Белгиланган вақтда ошхонадан газ плиталарининг бурагичларини олиб қўярди. Шунинг учун бизлар шошиб-пишиб навбатма-навбат зўрга тушатишимиз чала-чулла пишириб олардик. Душга овқатланган кунимиз доимо эшик олдида Карим ака деган қоровул бўларди. У қизлар бўлимига бостириб кириб, бирор нарсага ўзича танбеҳ беришга одатланиб қолганди. Ётоқхонага белгиланган вақтдан кечроқ келган студентлардан чойчақа ундирмасдан ичкарига қўймасди.



Бу ердаги ётоқхоналарда ҳам тарбиячилар ярим тунгача навбатчилик қилиб, эвазига арзимасгина маош олишаркан. Шунинг учун улар ётоқхоналарда қизиқарли кечалар ўтказиш ҳақида бош қотиришмайди. Аҳён-аҳён бўладиган участка инспекторларининг ҳуқуқ ҳақидаги суҳбатларига болаларни зўрлаб олиб киришади. Тарбиячилар учун махсус қўлланма йўқ, семинарлар ўтказилмайди.

Ҳунар-техника билим юртининг ётоқхонасида эса оддий ювиниш хонаси ҳам йўқ эди. Бу ва шунга ўхшаш бошқа муаммоларни бартараф этиш учун комендант Соня хола ҳам болаларга қўшилиб жуда кўп югуради. Аммо... Бу ерда яшовчи Бахтиёр Кўпаров, Неъматжон Нарзиқулов, Шерали Маманазаровлар ҳам бошқа ўқувчилардек не-не орзу билан бу ерга ўқишга келишган. Уларнинг нияти тезроқ ўқишни тугатиб, тепловозларни бошқариш. Балки шунинг учун ҳам ўз мақсадлари йўлида курашиб, бу қийинчиликларни енгаётгандир. Чунки дискотекалар уюштириш, қизиқарли кечалар ўтказиш ҳақидаги маъмурият томонидан берилмаётган ваъдалар ҳамон ваъдалигича қолмоқда. Клубда битта кино уч ойлаб қайта-қайта кўрсатилмаверади, спорт майдончалари бўм-бўш... Тарбиячилар кечқурун келиб, йўқлама ўтказиб, телевизор кўриб секингина уйларига жўнаб қолишади. Ўқувчилар собиқ директор ўринбосари даврида ажойиб ансамбль тузгандилар. Янгиси келди-ю, ҳамма музика асбобларини омонга қўлфлаб қўйди. Сўрасалар бузуқ деб жавоб беради. 34-хунар-техника билим юрти ётоқхонасига болалар фақатгина тунагани келадилар, холос. Умуман, бу каби ҳоллар кўпгина билим юртлари ётоқхоналари учун одатга айланган.

6-хунар-техника билим юртининг ётоқхонасида бўлганимда Эльдор Драбаҳо шундай деб қолди: — Бизга стипендиямизнинг ярминигина беришади. Қабул олдидан берилган эълонда ҳарбий хиз-

мати тугатганларга 69 сўм, 8-синфни битирганлар учун 30 сўм берилади, ўқувчилар давлат таъминотида бўлади, деб ёзишганди. Амалда эса ҳарбий хизматни тугатганлар ҳам 30 сўм олади, ҳеч қандай давлат таъминоти йўқ. Сабабини сўрасақ, ҳўжалик ҳисобидамыз, дейишади, ҳар хил баҳоналарни қалаштириб ташлашади, хуллас тўлашмайди.

Ўқувчилар сабабини билмаган бу жумбоқни халқ таълими министрлигидаги мутасаддилар балки ечиб беришар...

Ётоқхоналарда аҳвол чатоқ. Бинолар олти-етти ойдан буён ремонтталаб. Чунки буюртмачилар ба-жарилган ишга жуда кам ҳақ тўлашади, қурилиш бошқармаси раҳбарлари эса ишнинг қай даражада бораётгани билан қизиқишмайди. Ҳунар-техника билим юртидагилар бўлса «Моддий база» йўқ деб тўтиқушдай такролашдан нарига ўтишмайди.

34-хунар-техника билим юрти талабалари электр плиталари ёнида навбат кутиб овқат тайёрлайдилар. Ётоқхонада на ошхона бор, на буфет. Билим юрти кафе, кинотеатр ва бошқа маданий ва маънавий хизмат кўрсатиш нуқталаридан анча узоқда жойлашган. Ўқувчиларнинг қатнашга иложи йўқ.

Химия заводлари учун мутахассислар тайёрлаб берувчи 23-хунар-техника билим юрти раҳбарлари анча йиллардан буён янги ётоқхона қуриш учун тегишли ташкилотларга бўзчининг моксидек қатнашмоқда. Аммо ҳозирча бу югуришларнинг на охири кўринади, на натижаси. 1953 йилда қурилган бинода яшаш учун оддийгина шароитлар ҳам йўқ. Ўқувчилар учун бинолар етишмаётган бир дамда билим юрти территориясида унча зарур бўлмаган спорт моллари магазини ишлаб турибди, агар тегишли мутасаддилар рухсат берса, ўқувчилар ўз кучлари билан бу магазинни бемалол клубга айлантиришлари мумкин.

Роза Дониёрова ва унинг дугонаси химия заводида иш сўраб борганда: — «Ҳўжалик ҳисобига ўтганмиз, штатлар қисқарган» деган баҳоналар билан маъмурият ишга олмади, натижада ҳунар-техника билим юртининг олди талабалари ишсиз қолди. Бу билим юрти ётоқхонасининг олдида ўрнатилган тик ва тор энадан тепага чиқиб тушувчилар, альпинистлар билан бемалол беллашишлари мумкин. Яхшиямки қизлар 1-қаватда истиқомат қилишади.

Шаҳардаги билим юртлари орасида намунали ҳисобланган 33-хунар-техника билим юрти ётоқхонасида бўлди. Эркаклар уст кийимини тикишни ўрганувчи бу ердаги қизлар келажига ишонч ва хотиржамлик билан назар ташлайдилар. Ётоқхоналариди қулай ва шинам ювиниш хоналари бор, ҳар хил қизиқарли кечалар мунтазам ўтказиб турилади.

Қизлар Шерали Жўраев ва София Ротару қўшиқларини севиб тинглашади, фильмлар томоша қилишади, қўшиқ айтиб рақсга тушишади. Кенг ва ёруғ кутубхона ўқувчилар хизматида. Ётоқхоналар озода, ҳар бир хонада гуллар парварииш қилинмоқда. Интернационал дўстлик клуби фаолият кўрсатиб турибди. Икки залдан иборат барда доимо қатик, кофе, иссиқ сомсалар ўқувчилар учун тайёр. Алҳади хоналарга видеомагнитофонлар ўрнатилган. Туғилган кунларни ва байрамларни талабалар шу ерда ўтказишади.

— Бундай қўлайликларни яратиш учун маблағни билим юрти ўқувчилари ўзлари ишлаб топишган. Улар 8-март тикувчилик бирлашмаси чеварлари тикан буюмлардан ортиб қолган чиқинди материаллардан кўйлақчалар, шимчалар ва юмшоқ ўйинчоқлар тайёрлашади. Директор Ҳамроқул Уролов ўқувчиларга сартарошликни ўргатишни ният қилибди, демак, яна даромад.

Фақатгина биринчи учрашган пайтимда, қизлардаги тортинчоқлик, суҳбатга қўшилиб кетмаслик менда қандайдир бир нохуш ҳис қолдирди. Бу қизларнинг аксарияти қишлоқда катта бўлишган. Бизда эса, қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги фарқ аллақачонлар йўқ қилинган деб жанг солиниб келди... Шаҳар билим юртларининг кўпчилиги ўқувчилари балоғатга етмаганлар билан ишлаш инспекторларининг рўйхатидан жой олган. Усмирлар доимо ҳам тўқликка шўхлик қилиб ёки зерикканларидан қонунбузарлик қилармикин? Ҳаммамизга маълумки, 8-синфни тугатган «қулоқсиз болалар» билим юртларига план тўлиши учун зўрлаб юборилади. (Редакциямиз почтасида бундай хатлар талайгина).

Юқоридагидек «оқим» Коля исмли 14 ёшли



ўсмирнинг тақдирини билим юртига буриб юборди. Билим юртида у электрпайвандчилик касбини ўрганди. Аммо балоғатга етмаган боланинг соғлиғига бу касбнинг зарари бор, шунинг учун уни ишга олишмади. Ўқишга қабул қилинаётганда уни ёши ҳеч қандай қизиқтирмади. Натижада ёлғиз онаси қарамоғидаги бола аламини ичкиликдан олди. Уни милицияга маст ҳолда олиб кетди. Ичиш сабаби мажбурий бекорчиликдан эканлигини билган балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссияси Коляни қурилиш кооперативига 18 га тўлгунча, яъни вақ-



тинчалик ишга жойлашишига ёрдамлашди. Бу ерда-ку масала ижобий ҳал бўлди. Аммо қолганлари-чи?..

Юқоридаги ўсмирлар тарбиясидек долзарб муаммога нафақат комсомол, балки партия ва совет органлари, кенг жамоатчилик ўзларининг ҳиссаларини қўшмоғи керак, — дейди Темирийўл район комсомол комитети секретари Ирина Сервур.

Яқинда 34-хунар-техника билим юрти директоридан, «Ўз болангизни бир кунгина бўлсада, шу ётоқхонада яшашига рози бўлармидингиз?» деб сўрадим. «Мен нима қилишим мумкин, сиз мендан нима истайсиз?» — деди қўлини силкиб.

Уйлайманки, бу жавобдан кейин изохга ҳожат бўлмаса керак.

Л. ШАХНАЗАРОВА



юртига кетиб, кеч соат 9 да ётоқхонамизга қайтамиз. Албатта билим юрти билан ётоқхонанинг ораси узоқлиги учун не-не хаёллар билан етиб келамиз. Чунки йўлда кеч кирганлиги учун бетартиб шаҳарлик болалар кайф ҳолда юрганини учратамиз. Булар ортимиздан ёмон сўзлар айтишади, кўпинча қувишади. Шундай қилиб ётоқхонага кириб келамиз. Лекин ётоқхонага келсак ҳам ташвишимиз аримайди. Негаки кечки овқат учун пастда сув олишга навбатда турамыз. 200—300 ўқувчи учун битта водопровод кран бор, у ҳам яхши ишламайди. Эрталаб худди поезд вагонларидагидек навбатда туриб бетқўл ювамиз. Бир донга телевизор эса иккинчи қаватда. Бошқасида йўқ. Кир ювиш учун ҳам шароит йўқ.

Энди ўқишдан гап очсак. Эшитишимизга қараганда ўқиш жойимиз 1982 йилда ўзбек музыка педагогика билим юрти деб очилган. Лекин бу билим юртини ўзбек билим юрти дея олмаймиз. Чунки бу ердаги педагоглар руслардан иборат. Назария ва яқна тартибдаги дарслар рус тилида олиб борилади. Куй-қўшиқлар ҳам русчадан иборат... «Биронта ўзбекча қўшиқ ўратинг» десак «не знаю», деб туриб олишади. Виз ҳам ахир умид билан таълим олгани келганмиз, ахир. Виз қишлоққа бориб яхши ўзбек лапарлари, куй-қўшиқларини ўратганини истаймиз. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, ўқишга келганимиздан буён бирон марта ўзбек композиторларининг ҳаёти-ижоди билан танишганимизча йўқ. Қишлоқдаги пахтаю, турли қишлоқ хўжалик юмушлари туфайли рус тилини яхши билмаймиз. Шунинг учун чет эл ва рус композиторларининг ҳаёти-ижодини рус тилида ўтиганида ҳам, айниқса назарий билимлар тушунириладиёганда афишага термулгандай ўтираверамиз. Нега биз Ўзбекистонда яшаб ўзбекча музыка соҳасида таълим ололмаймиз? Уқув программаси қийин бўлганига яраша лоақал ўзбек тилида бўлишини исташимиз ноўринми? Виз келажак авлодга ўзбек тилини сақлаб қолган ҳолда таълим-тарбия беришни истар эдик. Агарда биз ва биздан кейинги ёшлар шу тартибда таълим олишса биздагидай уларга ҳам ҳаётнинг қизиғи қолмайди. Шунингдек соғлом юрай деб витаминли овқат олай десангиз, студентлар учун қиммат. Бундан ташқари кийим-кечаклар ҳам тикилишига қараганда пули қиммат ва ўзбекларга мос эмас. Бу муаммоларнинг барчаси қишлоқдан келиб ўқиётган студентларга жуда оғир. Қишлоқ ёшлари ҳам яхши кийиниб, яхши овқатлангиси келади. Лекин қани имкон? Уқимайин деса, қизиқади.

Сизлардан тўғри йўл ва маслаҳат сўраб Андижон музыка пед. билим юртининг бир гурӯпа студентлари номидан Робия РҶ-ЗИЕВА.

### Тилга эътибор — элга эътибор?

Мен матбуотда чиқаётган мақолаларни ўқиб жуда қувондим. Бизда ҳам ҳақиқий ўз она тилимиз бор-ку? Лекин жиноят, ҳуқуқ тўғрисидаги китобларни фақат таржимада ўқиймиз? Мен турли мажлисларда она тилимда гапирганимда бошлиқларим мазах қилишиб устимдан кулишади. Виз 30 йилдан буён бирга ишлаймиз, лекин шу пайтгача улар ўзбек тилини ўрганишга ҳафса қилишмайди. Аксинча баъзан биз русча сўзларни нотўғри талаффуз қилиб қўйсак, устимиздан кулишади. Бу ўртоқ миллатчи экан деб ўйламанлар. Мен ўзим рус, немис тилларини яхши биламан. Ҳозир араб тилини ўрганиман. Демокриманки, ҳар бир миллатнинг тили ўз республикасида давлат тили бўлмоғи керак. Ҳар бир шахс ерлик халқ тилини яхши билгандагина ўз миллий урф-одатларини, кадр-қимматини, ҳурматини яхши билади. Шундагина унда бошқа халқлар тилига, урф-одатига, маданиятига муҳаббат уйғонади.

В. И. Ленин «Миллатчиликка қарши қураш тўғрисида»ги асаридан шундай «Кимки миллат ва тилларнинг тенг ҳуқуқлигини эътироф этмаса ва ҳимоя қилмаса, ҳар қан-

### Талабнома

Кўпдан буён сизга ёзмоқчи бўлиб юрган хатимни минг истиҳола билан юборяман.

87-йил баҳорда мен тенгдошларим қатори армия сафига қақирилдим. Хизматнинг бошида мен қуролдош дўстларим билан Афғонистонда интернационал бурчимни бажардим. Кейин Совет Иттифоқига қайтиб келиб ҳозир Узоқ Шарқда хизматимни давом эттиряман. Бу хатни ёзишдан мақсадим менинг мактаб ўқувчиларига бир қанча талабларим бор. Гапнинг очигини ёзмоқчиман. Икки йил армия сафида хизмат қилиб, ҳамма жойда бир фикрга дуч келдим. Бирор солдат бир ишга бўйлиқ қилса ёки рус тилида фикрини тушунтириб гапир олмаса, офицерлар дарров ундан «миллатинг қанақа, ўзбекми?» деб сўрашади.

Мен бу гаплар билан ҳамма ўзбек йигитлари шундай демоқчи эмасман. Албатта, ўзбек солдатлари орасида ҳам бошқаларга ўрнатилган бўлиб ўз хизматини «аъло» даражада ўтаётганлар оз эмас. Лекин кўпчилик ўзбеклар хизматнинг дастлабки йиллари тил хусусида қийналишади. Армия сафида барча миллат вакиллари бор. Рус, украин, молдаван, латиш — уларнинг барча-барчаси туғишган ака-укадек бирга хизмат қилишади. Улар фақат рус тилини билишдангина эмас, балки барча фанлардан ўзбек болаларига нисбатан устун келишади. Улар қаргандан хоҳлаган жойни кўрсатишади, исталган физик ва химиявий реакцияларни ёзиб бера олишади. Ҳар қандай математик мисол-масалаларни еча олишади. Виз-чи? Нега бизнинг билимимиз паст, деб ўйлаб қоламан. Хизматдош дўстларимга биз ўзбек болалари мактабда қандай ўқиганлигимиз, 2—3 ойлаб пахта терими, чопиғи ва яна минг турли майда-чуйда ишлар учун мактаблар ёпиб ташлаганини айтиб берсам ишонимайди. Бунинг натижасида ўқув программасига етиб олиш учун бир дарсада 2—3 талаб темалар ўтилиши ҳам ҳеч кимни ишонтирмади. Рус тили ўқитувчиларимиз умуман рус тилида гаплашишни билмаган болаларга ҳеч вақо билмаса ҳам яхши баҳолар қўйиб беришади. Ўқитувчиларда умуман айб йўқ. Айбнинг асосий қисми ўзимизда — мактаб ўқувчиларида ва... уларга яратиб берилмаётган шароитларда. Ўзбек солдатлари яна нечанчи йилларгача шундай ўзининг паст билими билан хор бўлади? Худди шу боис унчалик билим талаб қилмайдиган қурилиш қисмлари ўзбек солдатлари билан тўлғизилмоқда. Нега энди ўзбек солдатлари алоқа бўлимларида, мураткаб техника пульталарида ишлашмайди? Ҳозир ҳамма жой автоматлашган, техникалашган.

Ҳар бир солдатдан чуқур билим, ўткир зийраклик талаб қиладиган замонда яшар эканмиз, биз ҳам барча совет миллатлари қатори чуқур билим эгаллашга ҳақлимиз!

Интернационал-жангчи  
Садриддин ОЧИЛОВ,  
Приморск ўлкаси.

### Айбимиз — қишлоқда туғилганимизми?..

Салом, редакция ходимлари!  
Хат ёзишимдан мурод, биз яшаётган ҳаётимизни тушуна олмай қолдик. Чунки радио ва телевидениеда эшитилган ва кўраётганимиз — ёшлар қувноқлигининг бизда асари ҳам йўқ. Чунки биз маданий ҳордиқ чиқариш, ўз вақтида овқатланиш, дам олишни унутиб қўйгандекмиз.

Мана бизнинг бир кунимиз билан танишинг.

Биз Андижон музыка педагогика билим юртида таҳсил олаётган ўқувчиларимиз. Эрталаб соат 6 да турамыз. Соат 7<sup>30</sup> да билим

### Тилимизнинг келажаги

Ҳурматли редакция! Мактуб йўллашимга сабаб Ўзбекистонда ўзбек тилининг иккинчи даражали бўлиб қолишидир. Бу дегани ўзбек миллий тилимиз бузилиб бормоқда. Катта шаҳарларда яшайдиганларнинг аксарияти ўзбек бўлишига қарамадан, рус тилида гаплашишади. Мен бунга қарши эмасман, лекин улар ўзбек тилида гаплашишганда, ўзбек тилини умуман бузиб гапиршади. Уларнинг фикрича сўзларнинг бундай айтилиши чиройли ва ҳозирги замонга мос эмиш.

Агар қишлоқдан келиб, (хатто шаҳардан бўлса ҳам) шаҳар магазинларидан бироргасига кириб рус сотувчисидан ўзбек тилида бирор нарса сўрайдиган бўлсангиз улар тушунишмайди. Сиз рус сотувчисига ўзбек тилида гапирганингиз учун уялиб кетасиз. Улар Ўзбекистонда яшагач, ўзбек тилини билиши керак-ку! Бундай ҳол фақат магазинларда эмас балки бошқа жойларда ҳам учрайди.

Энди ўқиш даргоҳларига келсак. Виз ўрта махсус билим юртига кириш имтиҳонларини ўзбек тилида топширган эдик, лекин дарслар рус тилида ўтилмоқда. Группамизда ҳамма ўқувчи ўзбек, район ва қишлоқлардан келишган. Тўғри, мактабда ҳам рус тили ўтилади. Лекин мактаб программаси ҳажмида ўтилади, бухгалтерияга оид бўлган илмий сўзлар ўтилмайди. Шунинг учун бу ерда рус тилидаги илмий сўзларни тушуниш жуда қийин. Дарсни эса рус ўқитувчилари ўтишади, улар рус тилидаги тушунилмаган сўзларимизни тушунтириб бера олмайди, чунки ўзбек тилини яхши билишмайди. Шунинг учун тушунилмаган сўзларни ёдлашга мажбурмиз. Виз ўзимиз айтаётган сўзимизни тушунамизми, тушунмаймизми ёддан айтиб бериб баҳо оламиз.

Рус тилини тушунамай, шеърдек сўзларни ёдлаб юриб ўрта махсус билим юртини битирган ўқувчи, ишлаб чиқариш корхоналарига ишга борганда, қандай қилиб ўз ишини устаси бўлиши мумкин. Айниқса, бошқа корхоналар билан қай тарих илмий ҳамкорлик қилади? Ахир у илмий сўзлар маъносини тушунамайди-ку. Наҳотки, шу оддий нарса ҳақида юқори ташкилотдаги масъул ходимлар йўлаб кўришмаган. Бу ахир фирм саводсизлик-ку. Мен юқоридагилар билан бизга рус тили керак эмас, фақат ўзбек тили керак демоқчи эмасман. Рус тилини ўранишимиз керак, бу тилда буюк доҳий В. И. Ленин гапирган, фақатгина шунинг учун эмас, балки рус тили СССРда интернационал тилдир. Бошқа халқлар билан фақатгина умумий тилда, рус тилида гаплашишимиз керак. Рус тили шу томонлари билан биз учун қулайдир. Шуларни эътиборга олиб олий ва ўрта махсус билим юртларида ўзбек фарзандлари учун фақат ўзбек тилида дарс ўтилиб, русча илмий сўзларни ўзбек тилида ўтилишининг тарафдориман. Шунда ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам қийналмасди. Редакциядаги ака-укалар, опа-сингиллар, агарда шу келтирилган келтирилган бўлсак, биз ўз миллий тилимизни йўқотиб қўямиз. Ахир бу тилда ота-боболаримиз гаплашишган, биз ҳам ўз тилимизни сақлаб қолишимиз керак. Наҳотки сизлар шу ҳақда бирор маротаба ҳам ўйлаб кўрмагансизлар. Ўзбек тилининг келажаги ҳақида ўйлаш пайти келди. Сизлар менинг хатимни журналнингизда босиб чиқармасанлар, лекин барибир ёздим, чунки айтилиши керак бўлган гаплар ичимда қолиб кетмасин. Бу гаплар фақат менинг ичимда эмас, балки анчадан буён мен қатори кўплаб ўқувчилар ичидан қолиб кетмоқда.

Жаҳонгир ҲАЖАЕВ,  
Меҳмонхона хўжалик билим юрти,  
II курс талабаси.



дай миллий зулмага ёки тенг ҳуқуқсизликка қарши курашмаса, ундай киши марксист эмас, ундай киши ҳатто демократ ҳам эмас», деб бежиз айтмаган.

Иномжон ТУРҒУНОВ,  
Андижон темир йўл транспорти ички  
ишлар бўлими инспектори,  
милиция капитани.

## Очиғини айтганда...

Хурматли редакция! Бизнинг 9 «Б» синф ўқувчилари мактабда ўзларининг фикрларини дадил айта оладиган синфлар қаторига киради. Қайта қуриш шарофати билан ҳозир мамлакатимизда миллий муносабатлар тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилмоқда. Синфимиз ўқувчилари ҳам бу хусусда ўз фикрларини билдирмоқчилар.

Биз 1989 йил 24 февраль «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасидаги Мирза Кенжабоевнинг «Тил эрки — эл эрки» мақоласини ўқидик. Шоир мақолада долзарб масалани кўтариб чиққан. У «Пионер Востока» газетасида босилиб чиққан мақолани мисол қилиб келтирганда одам жуда нафратланиб кетди. Ўзбекистонда турли миллат вакиллари яшайди. Уша халқлар ўзбек кишиларидан кўра бахтлироқ эмасмикан? Уларга давлат яхши яшашлари учун қулай хоналар ажратиб берган. Ўзбек деҳқонларига-чи?! Уларда нима бор? Уч-тўртта қўй, битта сизир... Булар ҳам борида бор...

«Пионер Востока» газетасига хат ёзган кишида наҳотки виждон бўлмаса. Узи ўзбеклар дийрида яшаб, ўзбек деҳқонининг меҳнати туфайли вужудга келган нон-тузни тоғиб туриб, уни ҳурмат қилмаса! Наҳотки, «Пионер Востока» газетасининг ходимлари ўзбек тилини йўқ қилиш ҳақидаги мақола оққа кўчираётганда Ўзбекистонда яшайётганларини унутиб қўйишган бўлса? Бундай ҳурматсизлик халқ иззат-нафсига тегмайди деб ким кафиллик беради? Биз Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетидан талабимиз шунки, улар «Пионер Востока» газетаси ходимларининг танобини тортиб қўйишсин. Шу газета ходимлари матбуот орқали ўзбек халқидан узр сўрасинлар.

Биз тил хусусида давлат олдида қўйидаги талаблар қўямиз:

1. Миллий масала ҳисобланган миллий тил эркинлиги ҳуқуқини тўла адолат билан қарор топишини истаймиз. Тилимизга давлат тили мақомининг берилишини эса биз қишлоқ ёшлари бир овоздан қўллаб-қувватлаймиз.

Шунда биз қишлоқ ёшлари ҳам марказий шахарларда елкамизни қисиб, қимтиниб юрмай ўз тилимиз билан фахрланиб, эркин юришимиз мумкин бўлади. Иқтисодий жиҳатдан кадрлар топилган халқимизни энди маънавий оёқости қилишларини истамаймиз. Шоир А. Орипов айтганидек:

Она тилим сен борсан мансиз,  
Булбул тилин куйга соламан  
Сен йўқолган кунинг шубҳасиз  
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.

Биз ўз миллий анъана ва урф-одатларга эга бўлган халқимиз. Шунинг учун тўти бўлиб қолишни истамаймиз. М. Кенжабоевнинг фикрлари билан бизнинг қарашларимиз ҳамоҳангдир.

«Андишанинг отини қўрқоқ» дейди халқимиз.

2. «Кўнгулча қўноқ уялади, қўнғандан кейин уй эгаси» дейди ўзбеклар.

Хурматли редакция! Бизнинг қалб норозилигимизни «Пионер Востока» редакциясига етказиб қўйинглар! Уларни республика ёшларидан матбуот орқали узр сўрашларини талаб қиламиз, деб мактаб комсомоллари номидан

Муяссар ҚАХҲОРОВА,  
Олима ПАРШИБОВА,  
Нафиса ДАВРОНОВА,  
Фаргона область Ўзбекистон районидagi  
«Комсомол» совхози, 9-синф ўқувчилари.

## Ўзбекмизми ёки узбек

Почтахонанинг ичи гавжум, кўплар менга ўхшаб исиниб олишга кирган бўлса керак, иситгичларнинг ёнидан жилмай турибди. Мен ҳам бир четда туриб совуқ қотган қўлларимни исита бошладим. Шу пайт бир йигит почта ходимлари билан тортишиб кетди. У русчани узуқ-юлуқ гапирар, қўлидаги паспортни ўзиники эканига почтачини ишонтиришга уринарди. Почтачи — рус аёли ҳам бўш келмас, квитанцияда Олимов Мухаммад, паспортингда эса Алимов Мухаммет деб ёзилган. Мен қандай қилиб сенга ишоним керак, дерди у. Йигит яна русчани ҳижжалаб «бизда паспорт столида ўтирган аёл рус эди, Олимов Мухаммадни Алимов Мухаммет деб ёзган ҳам ўша, уйдагилар пул юбораётиб ўзбекчасига Олимов деб ёзишган» деб бўғиларди. Бўлмади. Йигит — Мухаммад Олимов ўзининг Мухаммет Алимов эканига почтачини ишонтиролмай, бошини эгиб, гудранганча чиқиб кетди. Мен ҳам исиниб олган кўчага чиқдим. Автобусга минар эканман, йигитча ҳақида ўйлай бошладим. Бояқиш, балки пули қолмай уйдан ёрдан сўрагандир. Ахир мусофир бу юртда биринчи қаватда яшайдиган одам иккинчи қаватда яшайдиган қўшнисини танимаса. Хўш, почта ходими нега унга ишонини керак, ахир у хат эмас, пул! Дарвоқе, ўзимнинг ҳам паспортимда чалкашлик бор-ку?! Бирон иш чиқиб уйдагилар Мўминов деб ёзиб юборишса, паспортимда эса Маминов. Бунинг устига отдош эканмиз, менинг ҳам исминини раҳматли бобом Мухаммаддон деб қўйган эди, паспортимда эса Мухамметжан ёзилиб қолган.

Хурматли ўқувчи! Балки сизнинг ҳам ҳужжатингизда чалкашлик бордир, яъни «Содиқ ўрнига Садик, Қувондиқов ўрнига Қуандиқов, Холтоев ўрнига Халтаев» деб ёзилганлигига кафолат бера оламан. Чунки, республикамизда жавобгарлик хат ишида ўтирганлар ўзбек имлосини билмайдилар, бу нарсани уларни қизиқтирмайди ҳам.

Биз тургунлик йиллари рус тилини биринчи, ўз тилимизни иккинчи қилиб қўйдик. Оқибатда жавобгарли хат ишида ишлайётган русларнинг кўплари ўзбек тилидан беҳабар, бу уларни қизиқтирмайди ҳам. Негаки талаб йўқ. Талабни эса сизу биз ҳал қилишимиз керак. Иттифоқимизда қайта қуриш авж олган бир пайтда — қайта қуришни ҳамма ўзидан бошлаши керак — биз аввало ўзимизни таниб олишимиз керак. Масалан, биронта сизни танимайдиган кишига «мен фалончидан», деб кўрингчи, то шапалоқдек ҳужжат кўрсатмагунингизча ишониб бўлмай. Борди-ю Содиқ ўрнига Садик деб ёзилган бўлса-чи?! Хуллас тилимиз-ку жар ёқалаб кетиб борапти. Тилимизда миллатимиз ҳужжатда баъзан ўзбек эмас, «Ўзбек» бўлиб бораётгани ҳам аён. Агар аҳвол шу тарзда кетаверса яқин келажакда ўзбеклигимизни исботлашга қора қошимиз-у қадоқ қўлларимиздан бошқа ҳеч вақомиз қолмайди!

Мухаметжан МАМИНОВ,  
(Мухаммаддон МУМИНОВ)

Тошкент тўқимачлик комбинатининг ишчиси.



КАТВОРТОЛДАН МАКТУБЛАР

ган мулоҳазалар тилга кўчяпти, жамоатчилик эътиборига ҳавола этиляпти, қолаверса, матбуот юзини кўряпти. Бироқ, шу ўринда, узоқ тургунлик йиллари кишиларимиз тафаккурда, маънавий оламида асоратлар қолдирганини ҳам тан олаётганимиз керак. Бу асорат, аввало, ошкораликни — фикр эркинлигини, сўз эркинлигини тўғри тушунмасликда кузатишмоқда. Камчиликларни фош этиш, танқидий мулоҳаза айтиш яхши, бироқ бу қуруқ танқидвозликка, ниманидир ёки кимнидир инкор этиб қўйишга айланмаслиги лозим. Яъни, ошкораликни оғизга нима келса шуни айтавериш деб тушуниш керак эмас, зеро, ошқора таклиф айтиш, мулоҳаза билдириш масъулиятини чуқур англаган ҳолда муайян муаммони тузатишга, муҳитни соғломлаштиришга, жилла курси холис фикр алмашишуви йўлга қўйишга қаратилмоғи зарур.

Юқорида ўзбек тилининг келажак ҳақида куюниб ёзган Ж. Ўлжаев «Хатимни журналингизда босиб чиқармассизлар» деган шубҳа билдиради. Редакциямиздаги хат боғламлари орасида «эълон қила олишармикан» деган хаёлда жўнатилган хатлар ҳам учрайди. Бу билан айрим журналхонларимиз гўё «Еш куч» редакцияси ходимларининг журъатини синаб кўрмоқчи бўладилар. Марҳамат, энг кескин ва кескир фикрлар баён этилган мулоҳазаларингизни ёзинглар, жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш зарур бўлган муаммолардан четда қолиш ниятимиз йўқ асло, фақат сўз масъулиятини ҳис қилиб, таклиф-мулоҳазаларнинг амалий ижроси имкониятларини ҳам унутмасак бас.

Баъзан, «Хўп, журналда ёки газетада танқид чиққани билан аҳвол ўзгариб қолмади-ку» деган таъналар қулоққа залинади. Бундай таъна «ижодкор»лари чамини бундай бўлсалар, масалага теранроқ ёндошсалар янаям яхшироқ эди. Ахир, ҳеч қандай муаммо қуруқ танқидий мулоҳаза билан бартираф этилиб қолмайди. Катта-кичи муаммолар кўпчилиكنинг биргаликда фаол амалий ишидан сўнг ҳал бўлиши мумкин фақат! Мактабларимизда ўзбек тили дуруст ўқитилмас экан жойларда талабчанлик оширилиши керак. Рус тили ўлда-жўлда ўргатилиши оқибатида йигитларимиз ҳарбийда қийналаётган экан шу чоққача қайси собиқ солдат она юртимизга қайтгач бонг урди шу ҳақда? Биронта солдат ўзи ўқиган мактабга бориб ўқитувчиларига, ёш мактабдошларига, ҳамқишлоқларига бошидан ўтган мушкулларини ҳикоя қилиб берди-ми?.. Еки бўлмаса Андижон музыка педагогика билим юртида ўзбек миллий мусиқасидан, қўшиқчилигидан сабоқлар берилмас экан, шу чоққача ўша ерда ўқиганлар қаёққа қаради? Нега талаб қилишмади улар миллий санъат дарсларини?..

Умрининг 30 йилини жамоат тартиби посбонлигига бағишлаган милиция капитани мажлисда она тилида сўзлагани учун кулигига қолишини армон билан ёзибди. Миллати сўралганда «ўзбекман» деб жавоб берадиганлар бордир ўша кулувчилар орасида?! Улар ўзга миллатга мансуб бўлган тақдирда ҳам она тилида гапиргани учун қишини мазах қилиш ўтакетган маданиятсизлик, худбинлик эканини ҳам билиб қўйишсин...

Хуллас, журнал — журналхонники, «Еш куч» саҳифаларидаги танқидий мулоҳазалар, аввало, ошқоралик самараси, қолаверса улар биринчи навбатда жамоатчиликда фикр уйғотиш, жойлардаги нуқсонни иллатларга муросасизликка даъват сифатида қаралмоғи жоиз. Зеро, кўпчиликнинг фикри бир жойдан чиқиб, жиқлик бўлса битмайдиган иш йўқ!

# Биз оқолисиз яшай оқимаймиз

Ўзбекистон ССР Оролни асраш жамоатчилик Комитетининг раиси  
Пирмат Шермухамедов билан суҳбат.

**Б. Каримов:** — Бугун — XX аср охирига келиб инсон табиат билан ўзининг уйғунлигини ҳис қилмай қўйди. Таажжуб, омов билан ер ҳайдаб юрганида у табиатни кўпроқ муҳофаза қилгану, кейинчалик завод-фабрикалардан ўрлаган тутун миллион йиллик осмон рангини хиралаштириб бўлганда табиатни асрашда яқдил фикрга келолмай турибди. Бугун экологик тарбияга эътиборни қаратиш тинчликни асрашдай катта муаммо бўлиб турибди. Аҳолини, хусусан ёшларни экологик тарбиялаш, саводхонликларини ошириш учун нима қилиш керак!

**П. Шермухамедов:** — Нақл қиладиларки, бир аёл олти ойлик чақалоғини ҳузурга олиб келиб, тарбия бобида ундан маслаҳат сўраганида донишманд унинг олти ойга кечикканини афсус билан маълум қилибди. Уйлайманки, бугунги ёшларни экологик тарбиялаш учун ҳам биз кечикиб бўлдик.

Экологик тарбияни боғча ёшидан бошлаш керак. Японияда болалар мактабга боргунча бир йил фақат ва фақат табиат билан таништирилади. Улар қушлар, паррандаларнинг турлари билан таништирилади. «Табиат ичида яшамаган одамдан ҳеч қачон табиатга меҳр кўтиб бўлмайди» деб ҳисоблашади японлар. Менга қолса биринчи синфдаёқ биринчи дарсни экологик тарбиядан бошлаган, мактаб программасига экология дарсларини қатъий киргизган бўлар эдим.

Тасаввур қилинг, олти ёшли болакайлар, қизалоқлар кўллар, денгизу-дарёлар, қушлар, наботот оламини томоша қилиб шу асно табиатга меҳр ўрнадилар. Кейинчалик болалар улғайиб, баъзилари амал курсисига минганида ҳам олти ёшларида кўрганлари ҳеч ёддан чиқмайди. Ҳозир табиатга нописанд муносабатда бўлаётган амалдорлардан биронтаси на ҳайвонот, на наботот оламини яхши билади...

**Б. К:** — Яқинда Россиядаги шаҳарлардан бирида ёшлар ҳавони ҳаддан ташқари ифлослантираётган корхонани ёпишни талаб қилиб намоёнга чиқишди. Бу ҳақда Марказий матбуотда мақола эълон қилинди.

Шаҳар комсомол комитети раҳбарлик қилган ушбу намоённинг натижаси самарали бўлди. Ёшларнинг ҳақли талаблари қондирилиб корхона ёпиб қўйилди. Бу борада республикамиз ёшлари анча пасив. Мен бу билан уларни намоёнга чорлаганим йўқ, балки табиат муҳофазаси борасида ҳамма бирдай изчиллик билан кураш олиб бориши керак, демоқчиман. Бунга асос ҳам бор. Зеро, маълумотларга кўра республикамизнинг 20 та шаҳрида ҳавонинг ифлослик даражаси санитария талабларига мутлақо жавоб бермас экан. Нега биздаги комсомол комитетлари бу жиҳатдан марказий шаҳарлардаги комсомол ташкилотларидан ибрат ололмайдилар. Ахир халқ учун эзгу мақсадлар йўлида ёшларнинг бирлашиши керак-ку! Демак, республикамиз ёшлари экологик муҳофаза борасида орқада эканларда тенгдошларидан!..

**П. Ш:** — Яқинда биз бир гуруҳ ижодкорлар Тошкент шаҳридаги мактабда бўлганимизда ўқувчиларнинг биронтаси ҳам Орол денгизи қаерда жойлашганию, унинг бугунги аянчли аҳволи ҳақида заррача тасаввурга эга эмасликларини кўриб афсусландик. Сиз эса экологик муҳофаза даражасини таққослаясиз, ёшларнинг ижтимоий фаоллиги сустлигидан нолияписиз. Пойтахт ўқувчиларининг аҳволи шу бўлса, билмадим, қишлоқларимиздаги эрта-кеч турли юмушлардан қўли, хаёли бўшамайдиган ёшларнинг фикрлаш даражаси қандай экан?..

**Б. К:** — Ёшларимиз экологик тарбия борасида иттифоқдаги тенгдошларидан анча орқадалар. Хўжалик юмушлари билан банд бўлиб қолганликларидан улар кам китоб ўқийдилар. Пахта монокуль-



тураси ёшларнинг етарли билим олишларига мoneълик қилаётганлиги энди-энди айтиляпти. Мени бошқа бир фикр ўйлантиради. Бугун биз Сталин сиёсатининг барча кирдикорларидан огоҳ бўляпмиз. Бу албатта тўғри, лекин муҳими ундан тегишли сабоқ чиқара оляпмизми!..

Сталин деҳқонларга нисбатан зўравонлик сиёсатини ўтказган. Хусусан, республикамизда 30-йилларда жуда кўп ўртаҳол деҳқонлар ноҳақ қулоқ қилинганлар. Республикаимиздан қулоқ қилинган жуда кўп деҳқонлар Украина ва бошқа қатор республикаларга сургун қилиниб ўша ерда пахта етиштиришган. «Қулоқлар» баҳона жаҳон пахтачилик тарихида биринчи марта сўғорилмайдиган ерларда пахтадан юқори ҳосил олинган. [Дарвоқе, Украина ССР Херсон область Скадовск райони марказида ўша «қулоқлар» — ўзбек пахтакорлари шарафига ёдгорлик ҳам ўрнатилган]. Бугунга келиб бу тарихий тажриба унутилди. Негаки у «қулоқлар тажрибаси» ҳисобланади-да.

Айтмоқчиманки, Сталиннинг кирдикорларини фoш қилиш билан бирга ҳали-ҳамон маълум со-

ҳаларда давом этиб келаётган сталинча иш услубидан воз кечишимиз керак.

**П. Ш:** — Бахтиёр, сиз бир ерда янглишдингиз. 30-йилларда қулоқ қилинган деҳқонлар Украинада сўғорилмайдиган ерларда «оқ олтин» етиштирган биринчи пахтакорлар эмас. Тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Украина жанубида ва Шимолий Кавказда XVII асрдаёқ пахта етиштирила бошланган. Асримизнинг бошларида ВАСХНИЛ академиги В. Г. Ротмистров Николаев — Кишинёв — Мелитополь йўналиши бўйича пахта етиштириш имкони бўлган шимолий чегарани белгилаб берган. Уша йилларда ҳосилдорлик бу ўлкаларда гектарига 17 центнерни ташкил қилган. Агротехника ривожланмаган давр учун бу жуда юқори ҳосил санлишини шундан ҳам билиш мумкинки, Урта Осиёда 40-йилларнинг бошида ҳам ҳосилдорлик 10 центнердан ошмаган.

Сталин даврида регионларни ихтисослаштиришдай нотўғри сиёсатга қўл урилди.

Уша сиёсат туфайли Ўзбекистон фақат пахта, Украина фақат ғалла, бошқа регионлар ҳам маълум бир маҳсулот етиштириш учун ихтисослаштирилди. Бу аҳвол ҳали-ҳамон давом этиб келмоқда. Натижада Ўзбекистонда етиштириладиган пахта Украина ва РСФСРга темир йўлга қанча сарф-ҳаражатлар қилиб қайта ишлаш учун олиб кетилади. Аксинча, Ўзбекистоннинг ўзида етиштириш мумкин бўлган картошка Россиядан келтирилади. Икки ўртада қанча одам, маблағ бекор-беҳуда сарф бўляпти. Унинг ўрнига Украинанинг жанубида ва Шимолий Кавказда пахта етиштириш йўлга қўйилса Орол денгизини тиклашга реал имкон очиларди.

Ер илмининг донишманди академик Мирзаали Мухаммаджоновнинг пахта етиштириши 4 миллион тоннага туширишни таклиф этаётганлиги бежиз эмас. Академикнинг бу фикрларига қулоқ солсак, республика, мамлакат экономикаси издан чиқиб кетади, деган баҳона ўйлаб топилди. Ҳолбуки, мамлакатимиздаги энг йирик иқтисодчи олимлардан саналмиш академик А. Г. Аганбегяннинг ҳам бу хусусдаги фикрлари инобатга олинмаган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг машҳур XVI Пленуми арафасида академик А. Г. Аганбегян бир гуруҳ олимлар билан Ўзбекистонга келиб, республикада юз берган иқтисодий вазият билан танишган. Бу олимлар конкрет илмий ҳисоб-китоблар асосида беш миллион тонна пахтанинг республика учун нореаллигини асослаб беришди. Лекин улар кетиши билан айрим ходимлар Аганбегян бошлиқ комиссия шаънига таъна тошлари отиш билан шуғулландилар.

Энди пахта монокультураси тарафдорларидан бири бўлмиш — Ўзбекистон ССР Агротехника Давлат комитетининг раиси И. Х. Жўрабековнинг «Правда» Востока» газетасининг 1989 йил 11 март сониде эълон қилинган «Оқ олтиннинг баҳоси» деб номланган интервьюсидаги қуйидаги сатрларни кўриб чиқайлик.

«Шу кеча-кундузда Ўзбекистон ўзини мева-чевалар билан тўла равишда таъминлайди», деган масъулиятсиз чақириқлар янграмоқда. Тўғри, ҳеч кимга сир эмас, пахта туфайли халқ хўжалигининг бошқа соҳалари бирмунча орқада қолди. Лекин шу нарсани унутмаслик керакки, бугунги кунга келиб бу соҳаларда силжишлар бор. Хўш, умумиттифоқ министрлиги Давлат пахта планини тўрт миллион тоннага туширди ҳам дейлик. Агар шундай бўлса нимани ютамизу нимани ютқизамиз? Тўғри, пахта плани қисқартирилса, яна 350 минг гектар ерда боғ-роғларни, сабзавот экинларини барпо этиш мумкин.

Кейин нима бўлади?

Хўш, бу етиштирилган мева-чева ва сабзавот маҳсулотларини қаерда сақлаш мумкин? Ахир мева-чеваларни, сабзавот маҳсулотларини асрайдиган махсус омборларимиз етишмаётганлиги ҳеч кимга сир эмас-ку! Бас, шундай экан, ўз-ўзидан табиий савол туғилади. Узимиз етиштирган ҳосилни ўзимиз асрай олмас эканми, демак бу маҳсулотларни бошқа республикаларда сотишимизга тўғри келади. Агар масала ана шу тарзда қўйилган тақдирда ҳам қўшимча тиркама йўллар, саралаш пунктлари, совутич хоналари қуришга тўғри келади. Қурилиш материаллари тақчиллиги сезилиб турган ҳозирги пайтда бу хилдаги тадбирларни амалга ошириб бўлмаслиги ўз-ўзидан аёнку!

Масалани шу тарзда қўйиш, менимча пахта монокультурасини ечмаслик учун осон йўл излашнинг ўзгинасиридир!

Демак, оғир вазиятдан чиқиб кетишнинг бирдан бир чораси пахта етиштириш планининг кескин камайитириш, Тўғри, пахта майдонлари бирмунча қисқартириляпти, лекин план ҳамон осмонда!

Пахта етиштириш плани 4 миллион тоннага туширилса пахтадан озод қилинган ерларда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш мумкин. Бу экинларга сув сарфиёти пахтага нисбатан 4—5 баравар камроқдир. Қолаверса, яна бошқа сув ҳам талаб қилади экинлар экиш, чорвачиликни ривожлантиришга имкон туғиларди. Урта Осиёда боғдорчилик, узумчилик, полиз маҳсулотларини етиштиришни йўлга қўйиш орқали қанчадан-қанча ишсиз юрган одамларнинг тирикчилиги изга тушиб кетарди.

Бугун Оролни сақлаб қолишнинг ягона воситаси сифатида уни оқава, чиқинди сувлар билан тўлдириш таклиф этилмоқда. Ҳа, Оролни ҳар қандай шароитда тўлдириш керак. Бироқ қандай сувлар билан? Ута заҳарли химикатлар билан тўйинган сувлар биланми? Негадир бу ҳақда ўйламаяпмиз. Ҳолбуки, наинки Оролни, балки Орол бўйи аҳолисининг тақдирини айна шу муаммонинг қай тарзда бартараф этилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Кўп йиллардан буён Урта Осиё республикалари ва Қозоғистонда ўта заҳарли пестицидлар ишлатилиб келинмоқда. Улар тирик организмни ҳаддан ташқари заҳарлабгина қолмай, аτροφ-мухитни ҳам ёмон ифлослантиради. Фақат Ўзбекистоннинг ўзидагина мамлакатимизда тайёрланаётган 70 дан ортиқ турдаги заҳарли химикатлар ишлатилмоқда. Буям етмаганда, чет эл фирмалари билан янги, ўта заҳарли препаратлар сотиб олишга шартномалар тузилмоқда.

Академик Муҳаммадкетавнинг шохидлик беришича, аҳвол шу тарзда кетаверса, яқин ўн йил ичида ерларимиз буткул ишдан чиқади. Ҳеч кимга сир эмас, ер аллақачон ҳолдан тойиб, ишдан чиққан, сув ресурслари ифлосланиб бўлган. Янги заҳарлар эски ярага қандай таъсир кўрсатишини ким башорат қила олади, улар заҳарлаш жараёнини мантиқий ниҳоясига етказиб қўймасмикан?

Қисқа вақт ичида ер, сув, ҳаво заҳарланиши оқибатида миллион гектар ер ишдан чиқди, йигирма мингдан зиёд одам ўлди, касаллар эса сон-саноксиздир. Мутахассисларнинг фикрича, ҳар йили Урта Осиё республикаларида заҳарли химикатларни кўп ишлатиш оқибатида касал, ақли заиф болалар туғилиши кўпаймоқда. Врачларнинг илмий ҳисоб-китобига кўра, аёлларнинг кўпчилигининг ўзига ўт ёқишда ҳам заҳарли химикатларнинг киши психикасига таъсири, роли катта экан.

**Б. К.:** — Пирмат ака, 1987 йилдан бутифосни қўлаш таъқиқланди, ўтган йили эса КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Оролни сақлаш бўйича қарори чиқди — демак бу соҳаларда ҳам қайта қуриш юз берапти, дейишимизга асос борми!

**П. Ш.:** — СССР Соғлиқни сақлаш Министрлигининг энг хавфли заҳарлардан бири — бутифосни қўлаш таъқиқлаш ҳақидаги қарори чиқди. Бироқ ҳурсанд бўлишга ҳали эрта — боси, бутифос бўлмаса, ўрнига ундан қолишмайдиган ўнлаб бошқа заҳарлар мавжуд экан. Улар ҳамон ишлатилляпти. КПСС Марказий Комитетининг ва СССР Министрлар Советининг Оролни асраш бўйича чиқарган қарори албатта яхши бўлди. Қарорни денгиз ҳалокатининг умумдавлат миқёсида ҳис қилиниши, деб ҳисоблаш мумкин. Лекин Орол фожиаси шу қадар кучлики, уни битта қарор билан бартараф этиб бўлмайди. (Масалан, Байкални асраш учун КПСС Марказий Комитетининг 6 та қарори чиққан.) Оролни асраш бўйича чиққан қарорни биринчи босқич сифатида қараш керак. Сабаби у ҳали анча номукамал бўлиб, жамоатчиликнинг муҳокамасисиз қабул қилинган. Аввало унда Оролни ҳалокат ёқасига келтириб қўйган сабаб — пахта монокультураси эканлиги таъкидланди-ю, лекин айна шу муаммони қандай бартараф этиш конкрет рақамлар тили билан ифодаланмади. Муаммолар жуда кўп. Шунинг учун янги қарор қабул қилиш жоиз.

Урта Осиёда 52 та сув омбори бор. Шундан 46 таси Ўзбекистонда. Яна 16 та сув омбори қуриляётган эди, яқинда жамоатчиликнинг қаршилиги туфайли улардан бири — Сўх сув омбори тўхтатилди. Қуриляётган сув омборларининг кўпи лойиҳа-лаштиришда илмий жиҳатдан асосланмаган. Уларда ўлиб бораётган Орол учун қандай зарур бўлган сувлар бекор-беҳуда парланиб, ерга сингиб кетаяпти.

Бекор-беҳуда сарфланаётган сувлар ҳақида гап кетганда мен куйидаги фактга эътиборни қаратишни истардим. Нефть-газ қувурларини пармалаш соҳаси бўйича инженер Эркин Ёқубов ўз иш тажрибасидан келиб чиқиб куйидаги мулоҳазаларини куюниб маълум қилади.

«Ҳозир нефть қатламларидан қанча нефть олсак, шунча миқдорда сув сарфланяпти. Масалан бизнинг «эски» — Андижон конларида 400.000 тонна нефть олиш учун 2,5 миллион тоннадан ортиқ чучук сув сарф бўляпти. Тириклик манбаи бўлмиш чучук сувни ниҳояти нефтни ҳайдаш учунгина исроф қилиш увол. Эҳтимол олимларимиз чучук сув ўрнига катта заҳарли ҳозирги кунда тоза сув ҳавза-ларига ташланаётган ва уни ифлослантираётган чиқиндиларини ишлатишни ўйлаб топишар».



Инженернинг чучук сувни беҳуда исроф қилмаслик ҳақида куюниб ёзган бу мулоҳазаларини ўқиб мен беихтиёр ўйга толаман.

Ахир Оролбўйи регионини аҳолиси бугунги кунда айнақса ичимлик суви етишмаслигидан азоб чекиб ётган бўлса-ю, бўёқда... Оролни Туркменистон тарафларида целлофан ҳалтага қўйилган ичимлик сувининг бир литрини аҳолига бир тийиндан сотиш энди, қанча машаққатлар билан йўлга қўйилди. Қорақалпоғистонда ҳатто шунга ҳам эришиб бўлмаяпти.

Биз Оролни тўлдириш учун ҳар қандай имкониятдан унумли фойдаланишимиз эзур. Бунда яна бир жиддий масалани тилга олиб кетмаслик мумкин эмас. Гап Амударёнинг ҳар икки қирғоғида қазилиши мўлжалланган коллекторлар ҳақида бормоқда. Бу коллекторларга заҳар-заққум ара-лашган оқава сувлар тўпланади ва улар Орол ден-гизи томон оқзилади.

«Орол денгизига қўшимча сув юбориш учун

Сирдарё ва Амударё бўйлаб коллектор-дренаж сувларига қўшимча коллекторлар бунёд этилади», — деб ёзади Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитети раиси Э. Турсунов «Дастлабки қадам» номли мақоласида. («Совет Ўзбекистони», 11 март 1989 йил). Бу сунъий дарёларнинг узунлиги 1,5 минг километрга етади. Улар Урта Осиё ва Қозоғистон республикалари терри-ториялари бўйлаб ўтади. Сунъий дарёлар ўзанига барча ташлама коллекторлар суви буриб юборила-ди. Амударё магистрало иккала соҳилида маг-истрал коллекторлар барпо этилди. Коллекторлар ёрдамида ҳозирги кунда қумликка сингиб кетаётган салкам 6 кубометр коллектор сувлари йиғиб оли-нади. Катта коллектор қурилгандан кейин эса йиғиб олинмаган сув ҳажми 10 куб-километргача қозили-ши ҳисоблаб қўйилган».

Бу гаплар билан танишган одамнинг ҳайратлан-масдан иложи йўқ. Негаки министр сунъий дарёлар: коллекторлар қурилиши хусусида тўлқинланиб сўз юритади-ю, аммо ана шу коллекторларга қўйила-диган оқава сувлар таркиби хусусида лом-қий де-майди. Ваҳоланки, мутахассисларнинг ҳисоб-китоб-ларига кўра, оқава сувлар состави турли хил за-ҳарли дорилар билан тўлиб-тошиб кетган экан.

Оролни табиатнинг аълоли билан бўлаги сифа-тида қараш керак. Ҳолбуки, Ўзбекистон ССР Ми-нистрлар Совети бу хусусда номукамал қарор қабул қилди.

Хуллас, Орол хўжасизлик қурбони бўлди. Собиқ мовий денгиз узра энди оқарлоқлар парвоз қил-май қўйди. Бундаги охириги балиқлар ҳам ўн йил бурун тутилган. Орол бўйидаги Мўйноқ ва Орол консерва комбинатлари Узоқ Шарқ ва Болтиқ-бўйиндан келтириляётган балиқлар ҳисобигагина кун кўрмоқда. Ҳатто фаслар алмашганда у қитъа-дан бу қитъага учиб ўтадиган қушлар ҳам бу ерда аввалгидай бир қўниб тин олишларини бас қилган. 29 йил давомида 640 км<sup>3</sup> сув йўқотган Оролда ҳоз-ир шунинг ярмигина келадиган 400 км<sup>3</sup>ча сув қолган холос. Денгиз сатҳи 13 метрга пасайиб, 2,6 миллион гектар ер ОРОЛҚУМ деб аташ мумкин бўлган саҳрога айналди. Ҳар йили бу ўлиқ саҳродан ўн миллионлаб тонна шўр қумлар осмонга кўтари-либ, буёғи Тошкент, у ёғи ҳатто Фарғона водийси-гача зарралари етиб бормоқда. Оролбўйи регионини аҳолиси устига ёғилаётган бу шўр қумлар натижа-сида жуда кўп гўдаклар она сутидан бебаҳра қол-моқдалар. Сабаби она сути улар учун заҳарли бўлиб қолган. «Онанинг оқ сути боласи учун за-ҳарга айланиши инсониятнинг етти ухлаб ҳам ту-шига кирмаган фожиа — бу!» (Т. Қайиберганов). Агар Орол қуриса бу аянчли қисмат республика-мизнинг бутун территорияни ўз домига олмасли-гига ишонч йўқ. Зеро, академик Дубинин «Бугунги кунда биз Ўзбекистон аҳолиси ичида туғма хаста-ликлар тобора кўпайиб бораётганлигидан далолат берадиган маълумотларга эгамиз» деб бежиз айт-мади.

Гарчи Орол тақдирини ҳал қиладиган кўпгина амалдорлар аллақачон унинг фотиҳасини ўқиб қўйишган бўлсада, бироқ энди учдан бир қисмига қолган денгизни асраб қолмасдан республиканинг келажакни тасаввур қилиб бўлмаслигини тобора кўпроқ одамлар тушуниб бораётганлиги яхши. Оролни пахтага қурбон қилган аждоднинг келгуси авлод олдидаги бурчи бу хатони тузатишдан ибор-ратдир.

Шу ўринда яна бир фикрни айтиб ўтмоқ жоиз. Яқинда матбуотда республикамиздан «пахта иши» учун қамалган собиқ амалдорлардан 40 миллион сўм мусодара қилинганлиги айтилди. Оролни қури-тиш ҳисобига ишланган бу пулларни Орол фон-дида қайтарилса тўғри бўларди. Агар экология ҳа-қидаги бор ҳақиқатни бугун баралла айтмасак, эрта-га кеч бўлади. Биз шу пайтгача ўлганидан кейингина давлат раҳбарларининг ҳақиқий башарасини элга ошқор қилиб келдик. Фикримизни очиб ва самимий айтишга уриниб кўрайлик. Гап шундаки бизда раҳ-барларни улар «нариги дунёга равона бўлганлари-дан сўнг»гина танқид қила бошлаймиз. Бу энди тўғриси айтсак ҳеч бир рисолага тушмайдиган масаладир. Тўғри, танқид қилинмасин демаймиз, келгуси авлод бу хатони такрорламаслиги ўн-лаб танқид қилиш керак. Лекин беш — олти йил-ҳам давомда бутун гуноҳларимиз, нуқсонларимиз-ни ўлган раҳбарларнинг «гардинига юклаш» инсоф-дан бўлмас. Шу ўринда Америкада яшаб ўтган пре-зидентларнинг ҳаёти ва фаолияти билан танишиб ўтиш ибратлидир. АҚШ президентларига тирик-лигида яхши ва ёмон гаплар, ҳатто таъналар, гоҳо ҳақоратомуз фикрлар билдирилади. Улгандан кейин эса лой чапашларга буткул барҳам берилади.

«Улгандан кейин»гина экология ҳақидаги бор ҳақиқатни ошқор қилиш ҳам мантиқли эмас. Оро-нини аянчли тақдирини экологик тарбия айнақса биз-нинг регионимиз учун нақадар муҳимлигини яққол тасдиқлайди.

# Абадиш сукут

АФҒОН ТУПРОҒИДА  
ҚОЛГАН ЙИГИТЛАР

Инсон таваллуд топганда ҳам, вақти қазоси етиб, дунёдан кўз юмганда ҳам куни, оғи ва йиллари қайд этилади. Ҳар иккала қайд кўпинча қабр тошларига ёзилади. Дунёга келиш билан кетиш ораллиғидаги масофа бир-биридан қанчалар узоқ бўлса, кўрган кўз оғримайди.

Кейинги ўн йил ораллиғида қабристонларда шундай ёдгорлик тошлари пайдо бўлдики...



Кўрганда беихтиёр юрагинг зардобга тўлиб, вужудинг сирқирайди. Шуниси даҳшатлики бу қисқа умрларнинг шамшири аён — Афғонистон! Яна шуниси даҳшатлики беҳуда аралашув ва беҳуда қон тўкилди, ёш умрлар беҳуда ҳазон бўлди. Бу хато ёнгил-ёлпи бўлсада сиёсий шарҳчилар тилидан ҳақиқат бўлиб учди, матбуотлар саҳифасида «йилт» этиб ўтди. Лекин тарих саҳифасига минглаб, юз минглаб юракларга оғир асорат бўлиб чўкди. Қабристонларга тош бўлиб экилган номлар талаба бўлиб олий ўқув юртларида жаранглаши, ер ўғли — деҳқон бўлиб, юртни боқиши мумкин эди. Орол ҳақида, ўлкамиз ҳақида, она тилимиз ҳақида қайғуришган бўларди. Минг афсуски уларнинг бу номлари зилзамбил қабр тошларига ўйилиб, қабристонлар заминини эзиб ётибдилар. Ҳа, қабристонлар ҳам бу тошлардан чўкиб бораётгандек...

**Суратда кўриб турибсиз Эрдоноров Раҳматулла Ҳамид ўғли, 1961 йил 3 февраль — 1981 йил 31 июль — Хизмат бурчини адо этаётганда ҳалок бўлган. 20 ёш-а! Бу ёшда йигитлар ҳали ҳаёт деб аталган улкан бир неъматнинг таъминини ҳам тўйиб улгурмаган бўладилар. Ҳаёт деб аталган бўстоннинг бир чеккасидан эндигина мўралаётган бўладилар. Шундай бир пайтда уларнинг нафаси кесилса, кўзларига тупроқ тўлса-я. Бу қандай кўргилик. Кечагина у Тошкентдаги 157-мактабнинг ўнинчи синфини тугатган эди. Хужжати халқ хўжалиги институтига топширган эди. Имтиҳонлардан ҳам ўтди. Институт талабаси деган ёрлик ҳам кўриниб қолгандек бўлувди. Аммо конкурсдан ўтолмади. Шундан кейин ҳарбий хизмат — Афғонистон!**

Биз Раҳматулланинг душман ўқиға учгани, унғача Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланганию, жасоратлари ва ҳоказо ҳоказолар ҳақида гапириб ўтирмаймиз. «Шундай йигитларни йўқотдик-а, яна ўзга, бегона юртда» деган таъна тоши бизни эзади. Агарда бу жасоратлар чегараларимизнинг бирида, ўз она тупроғимизда бўлганда, жасоратларнинг



Рашид АЛБЕКОВ фотолари.

бари бизники бўларди. Мағрурликдан қаддимиз тик юрарди. «Бизнинг қаҳрамонимиз» деганда овозимиз ҳам мискин чиқмасди. Нима қилайликки уларни шу кўйга ўзимиз солиб қўйдик. Улар бизнинг фарзандларимиз, айна пайтда бизнинг қурбонларимиз. Гуноҳимизни ювмоқчидек қабрларига гуллар қўямиз, хаёлга толамиз, зил-замбил бошимизни ердан кўтаролмаймиз. Ҳеч бўлмаса пионер дружиналари номи билан номларини абадийлаштирамиз... (Дарвоқе, Тошкентдаги 254-мактаб пионер дружинаси ЭРДОНОРОВ номи билан аталади). Улар бўлса абадий сукутда, биз ҳам, ўтмиш ҳам, ҳатто келажак ҳам улар қаршисида абадий сукут сақлайди.

## ХОТИРА

### ЎКТАМ БОЙБОЕВ

\* \* \*

Ғар вафо тухмин кўнгишлар ичра тенг экмак керак,  
Дўстлар, олдин унинг ҳам заҳматин чекмак керак.

Унмагай қаҳру-жафолар лойида, кўнгишга ул —  
Меҳр тупроғини жойлаб қайтадан тугмак керак.

Бир вафосиз бор экан ғар, элни қилгай бевафо,  
Ишқнинг тигида унинг кўнглини сўймак керак.

Ўзганинг ҳижрони бирлан қайсидир дил хастахол  
Унга ҳам ўзга кишилар бошини эгмак керак.

Топмак истар ғар жаҳонда пароканд эл ўз-ўзин  
Ўргилиб бир-бирларига жонларин тикмак керак.

Ғар вафо йўлида, Уктам, кўксингга ёш томчилар,  
Не ажаб, кўмгач тухумни кунда сув тўкмак керак.

\* \* \*

Эй, демангким ишқ аро тушмиш менинг жонимга ўт,  
Бу дам ўтдек шуғла берган жисму ўрғинимга ўт.

Кўздан оққан ёшлари қилмиш жаҳонни лозазор,  
Бўйлангиз, тушмиш унингдек катта хирмонимга ўт.

Ҳажр саҳросини маскан айладим ҳаргиз мени  
Шамсга айланг қиёским, тушмиш ошғинимга ўт.



...Беш йил бирга-бирга таҳсил олган курсдош дўстимизни эндигина «журналист» дипломини қўлга олиб ҳаммамиз ҳар жойларда иш бошлаган кунлари йўқотиб қўйдик. У ўзи тугилиб ўсган Боғдод районининг «Авангард» газетасида ходим бўлиб ишлаётганди. Мағъум хабар келди...

Шоирлик ҳаваси зўр эди: изланарди. Навоийни қўлдан қўймади. У арузда анча-мунча машқ қилди. Ҳазратга иқтидо қилиб, «Алишер ва Элсева» деган дoston ёзди. («Бешлик» қиламан», дерди ўзи). Бизнинг қўлимиздаги юзга яқин арузий шеърлар ва эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу ғазаллар ҳам кучли ҳаваси ва лаёқати билан кўпларда умид уйротган дўстимизнинг ҳали ўзи дилдан қониқмаган, шу туфайли редакцияларга олиб боришни лозим кўрмаган ашғорлари эди...

Собиър УНАР

Ўзни ғар хилватга бердим бирпас ором топмадим,  
Мен ўзим бирлан етар, найлаки, боргонимга ўт.

Ишқ жавридан кўнгишни неча пинҳон айладим.  
Ваҳки, тушмиш ошқор-у барча пингонимга ўт.

Элга ўзни боғладим, деб, эй киши, дам урмагил  
Эл қочар мendan йироқ тушмишки имконимга ўт.

Эй сиз, Уктам назми ичра турмак осондир деманг,  
Жисму жонимдан туташмиш, баски, девонимга ўт.

\* \* \*

Жаҳонда ул ёр каби дилрабо бўлмас менга,  
Муттасил ёди каби ошино бўлмас менга.

Қадди шамшоди каби бўлмагай роҳат гули,  
Юзларин шуғласидек ҳам зиё бўлмас менга.

Кўзларин меҳрин десам бошқа йўқ меҳригиё,  
Сочларин ҳайратидек шавқ, оё бўлмас менга.

Қошлари дарёсидек бўлмагай дарёси завқ,  
Киприги гийёҳидан дилдаво бўлмас менга.

Ҳолларин жонбахшидек бўлмагай жонбахш ҳам,  
Тишларин нақши каби мағно бўлмас менга.

Кулгичи водисидек йўқ ҳузур водиси, йўқ,  
Лаб-жон чашмасидек чашма ё бўлмас менга.

Уктам, бас, кўп дема тағрифин ашғорда,  
Ул ёр ўзи каби дилрабо бўлмас менга.

# УРУШДАН ҚАЙТГАН ЙИГИТЛАР

БИЗНИ УЙЛАНТИРАЁТГАН МУАММОЛАР

Афғонистон... Бу юртнинг нотинч йўллари, у ерда жанг қилган йигитларнинг ҳануз тушига киради. Довон бўйлаб кетясан, йўлда сокинлик, осойишталик ҳукмронки, ҳатто уруш ҳақида ўйлашнинг ўзи гуноҳдек туюлади. Қайтишда эса... Кутилмаганда миналарнинг даҳшатли портлаши қулоқни қар қилади, қоп-қора тутун кўкка ўрлайди. Тирик қолганлар алам билан ўйлайди: «Бу лаънатилар миналарни қачон қўйиб улгуришди экан...»

Бу — Афғонистонда жанг қилган йигитларнинг кундалик ҳаётидан бир лавҳа, холос. Қўшинларимизнинг она-юртга қайтиб келганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Эълон қилинмаган урушда кўплаб қон тўкилди, тоғни урса талқон қиладиган не-не йигитлар интернационал бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлдилар, не-не йигитларимиз майиб-мажруҳ бўлиб қайтдилар.

Маълумки, интернационалчи-жангчиларга ҳукумат қарори билан турли имтиёзлар белгиланган. Яъни улар малакали медицина ёрдами олишлари, уй-жой, озиқ-овқатлар билан таъминланиши ва шу каби қатор ҳуқуқлар берилган. Ҳўш, улар бу имтиёзлардан қандай фойдаланишяпти? Бу саволга жавоб олиш учун қаршилик Абдусамат Мелиев ҳаётидан баъзи бир эпизодларни мисол қилиб келтириш керакка ўхшайди. Қарши шаҳар ижроқўмининг раиси унинг квартира сўраб берган арizasини ўқиб ўтиришни ўзига эп кўрмади. Мелиевни шоқалоқликда, нокактарликда айблаб: «Нима, Афғонистонда битта сен жанг қилибсанми?» деди. Ҳатто жиддийроқ танбеҳ бериб унинг оғзига уришни лозим топди. «Афғонистонда жанг қилган бўлсанг нима бўпти, — деди у. — Қайси ишингга керилсан?» Анвар Шукурович Шукуров мана шунақа дангал гапирар экан.

Абдусамат Тошкентга ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультети тайёргарлик бўлимига ўқишга кириш учун келганда қабул комиссияси аъзолари дангалчилик қилишмади, силлиқроқ гапирди. Улар Абдусаматнинг ҳужжатларини роса ҳарфма-ҳарф текширишга, «касаба союзининг муҳри босилмаган экан» дейишни афсус-надомат билан. Абдусамат самолётда Қаршига учиб, бир кунда ҳужжатга муҳр бостириб келди. Буни қарангки, қабул комиссиясидаги ўртоқлар кейин ҳужжатлардан яна битта нўсон топиб, бирам ҳижолат бўлишди, бирам ҳижолат бўлишди, асти кўяверинг, Ахир Халқ таълими министрлигининг махсус хати бўлмаса Абдусаматнинг ҳужжатларини қандай қилиб қабул қилиш мумкин? Мелиев министр ўринбосари Қоробоев ҳузурига кирди. Қоробоев Абдусаматни ўзининг ҳамкасби Қурбонова юборди. У бўлса, «Модомики, Қоробоев рад қилган экан, мен ҳам бу ишнинг уддасидан чиқолмайман», деди хуноб бўлиб. Асаблари таранг торган Абдусамат факультет деканига кирди. «Сиз Қашқадарё областидансиз? Уйингизга кетақолинг!» деди у. Абдусамат коридорга чиққач мийғида кулиб турган, шалпангқулоқ кишини кўрди. Унинг юз-кўзлари кўп нарсалардан беҳабарлигини айтиб турарди. «Нодон экансан!» деди у взвод командирининг собиқ ўринбосарига ва унга нима қилиш кераклигини тушунтирди. Маълум бўлишича, бу факультетда ўқиш учун кириш бадалини тўлаши лозим экан. «Наҳотки, ота-онанг сен учун уч минг сўм топиб бера олмасан» — шалпангқулоқ шундай деб нари кетди.

Абдусамат аччиқ кулар экан деди:

— Мен мана шундай қилиб «конкурсдан» ўта олмай қолдим. Шу воқеадан кейин озиқ-овқат олишга бериладиган талонни олиш учун бормай кўя қолдим. Менга бошимдан ўтказган «имтиёз»ларнинг ўзи етиб ортади...

Асқар Бўронов интернационал жангчиларнинг область совети раислигига сайланганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо шу қисқа вақт ичидаёқ бунга ўхшаган воқеаларга бир неча бор дуч келди. Унинг ўзи ҳам шаҳар бошиқларидан оёқ-қўли бутун йигитларга қариялар ва инвалидлар билан битта навбатда туриш муносиб эмас, деган гапларни эшитганда у ҳам қўлларини мушт қилиб сизга эди: «Бўлди, мен ҳам навбатга турмайман» деган экан ўзи ўзи.

Афғонистонга эълон қилинмаган урушнинг дастлабки пайтларида борган механик-ҳайдовчи Бўроновнинг танки етти марта минага учраб портлади. Омади бор экан тирик қолди. «Мана, соғ-саломатсан, яна озиқ-овқат оламан дейсан-а?» деб самимий ҳайрон бўлди раҳбар ўртоқ.

Ҳа, баъзи бир амалдорлар жанг кўрган йигитларни жисзакиликда, меъёридан ортиқ талаблар қўйишда айбашнинг жуда ҳавосини олишган. Бу талаблар қонун билан қанчалик мустаҳкамланган бўлса, бюрократлар шунчалик жаҳл отига минадилар. Ҳозир интернационал-жангчиларнинг имтиёз-

лари битилган китобчани топиш жуда мушкул. Чунки ҳокимият вакиллари бу китобчаларни тарқатишдан кўра, уларни улкан столларнинг ғаладонларида сақлашни маъқул кўрадилар.

Икки йил муқаддам Қарши шаҳрининг юз нафар аҳолиси — собиқ афғончилар уй сўраб ариза берилган эди. Бугун шу узун навбат атиги икки кишига... қисқарди, холос.

— Биз шаҳар ижроқўми составига аҳволни назорат қилиб бориш учун ўз вакилимизни киритмоқчи бўлувдик, бизга бу ортиқча эканлигини шама қилишди, — деди Бўронов.

Асқарнинг вазифасига уйга ариза берганларнинг яшаш шароитларини ўрганиш ҳам киради. Бу осон иш эмас. Чунки уни бажармаслик мумкин эмас, бажарсанг, одамларнинг асабини бузсанг, холос. Ахир ариза берганлар кейин сенинг олдинга келишиб, «мен қачон уй оламан?» деб сўрашади-да. Унда нима деб жавоб берасан? Яна уларни собиқ жангчиларнинг уйсизликдан қийналиб яшаётгани билан сариқ чақачлик қизикмайдиган амалдорлар олдида юборадими?

Қаршилик ўттиз нафар йигит иш топа олмай, топган ишларини яна йўқотишгач, Москвага хат ёзишди. Унда нимага бизга ўз юртимизда бошқа мамлакатга қараганда ёмон муносабатда бўладилар, деган саволни кўндаланг қўйишди. Бундай хатлар, пойтахтга, албатта, кўп келади, шунинг учун ҳам хат «текширилсин!» деган ёзув билан Қаршига қайтиб келганига ажабланмаслик керак.

— Буни қарангки, мени олабаст ижроқўмининг кабинетларидан бирига чақирдишди, қоғоз ва ручкани ҳозирлашиб: «Мана бу хат ҳақидаги ўз фикрингни айт, эртага сессия, ҳисоб беришимиз керак!» дейишди. Уларга одамларга ёрдам бериш эмас, фикрни ҳужжатлаштириб қўйиш муҳим, — деди Асқар кейин қўшиб қўйди.

— Бундан кўра бизга жанг қилиш осонроқ эди, мени маънавий жиҳатдан ноетук экан деб айтишгиз мумкин, аммо мен, барибир Афғонистонда хизмат қилганимдан фахрланаман. У ерда одамлар ўзини одам ҳис қилган эди...

Мен Қашқадарё область комсомол комитетининг идеология бўлими мудири Дилором Ҳайдарова билан область руҳий-асаб касалликлари диспансерининг палаталаридан бирига кирдим. Палатадаги бемор суҳбатдошимизнинг сўзларидан ҳам, кўзларидан ҳам ўт чақнайди. У деярли бақириб деди:

— Мен Афғонистонда бўлганимдан афсусланаман!

Деҳқонобод районидаги «Бешчорбоғ» совхозининг ишчиси Шариф Туробов етти йилдан бери бошидан ўтган мунгли кечмишларини ҳикоя қилиб берди. У 1982 йилда Афғонистондан ярадор бўлиб қайтиб келгач район касалхонасида бир неча марта ётиб даволанди. Даволаш самарали бўлмаётганлиги ҳақида бош врачга арз қилганда у: «Ундай бўлса бор, қаерда истасанг ўша ерда даволанавер!» деган кўпол сўзларни эшитди. Истаган жойга бориб даволанишга қўрби етмагани учун у ёрдам сўраб область соғлиқни сақлаш бўлимига мурожаат қилди. Унга Қарши шаҳрига йўлланма беришди. Бу ерда бир ой ётгач, яна шикоят ёзишга мажбур бўлди: «Врачлар беморлар олдида кирмайди, овқат сифати ёмон...»

Хушрўй, хушмуомала врач Феруза Юнусова — Шарифнинг даволловчи врач — айтиб беришича, бу ёш йигитнинг асаблари чатоқ экан. Аниқроғи... ўзингиз тушуниб олаверинг. Қисқаси, беморнинг дарди жиддий ва у узок даволаниши керак.

«Узоқ даволаниши керак...»

Эҳтимол, унинг битта-ю битта сочиққа артиниши, қорайиб, туси ўзгариб кетган ягона чойшабада ухлаши ҳам узок давом этса керак. Икки ойдан кўпроқ вақт ичида Шариф ва бошқа беморлар ҳаммом юзини кўришгани йўқ. Қизик, бемор-ку, у ёқда турсин, бундай шаронгга тушиб қолса соғлом одамнинг ҳам руҳини ўзгартиб кетса керак?

Юнусовани яки бизга иш кирган учта каравот зич қўйилган палатадан кескин фарқ қилади. Кенг, тоза, шинам... Тасодифни қарангки, диспансерга келмасдан бир неча соат олдин область раҳм-шафқат фонднинг таъсис конференциясида қатнашган, ўттиз кишилик президиуми бўлган улкан залда область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Р. У. Шодмоновнинг сўзларини эшитган эдик.

— Раҳм-шафқат, қалб сахийлиги, меҳр-муҳаббат ўзини одамлар хизматида бағишлаган кишиларнинг бош фазилатидир.

Муҳташам залдан солдат даволанаётган медицина муассасига қадар автобусда атиги йигирма

минутлик йўл...

— Бошимизга тушаётган ғам-ташвишларнинг ярмига ўзимиз айбдормиз, — деди кейин Асқар. — Биз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмаямиз. Фронтча қардошликни унутиб қўйдик. Ёлғиз қура-шаётганларни эса бюрократия оппа-еласи енгади!

...Раъно опа йиғлайди, лекин ўзини тезда қўлга олди. Руҳан ҳорғинлик, рўзгор ташвишлари — бу борада унга тўнғич қизи ёрдам бера олади, лекин у ҳали бола — анча эзиб қўйибди. Унинг дил яраси ҳамон азоб беради: эри, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, капитан Баҳодир Шерқуловнинг ҳалок бўлганига маъна, бир неча йил бўлди, бироқ, назарида, бу қора хабар гўё кечагина келгандек...

— Ойлага ёрдам, имтиёзлар дейсизми? Биласизми, буларнинг ҳаммасидан фойдаланаямиз. Аммо агар учта болам бўлмаганда эди мен бу... махсус таъминотга, — у бу сўзларни ғаш келиб айтди, — мутлақо қараб ўтирмас эдим.

Қаршида «Ветеран» магазини очилганига икки йил бўлди. Бу ерга тортина-тортина қадам босган бу бева аёлга — у бу ерга келгунча ҳуқуқи борлигини суриштириб билиб олган эди, — томдан тараша тушгандек «Бу магазин Улуғ Ватан уруши қатнашчилари учун, Афғонистонда ҳалок бўлганларнинг оилалари учун эмас! Магазиндан фойдаланмоқчи бўлсангиз шаҳар ижроқўмидан талабнома олиб келинг!» дейишди. Мен бу аёлнинг ижроқўмининг шаҳар марказидаги биносидан қанчалик сарсон-саргардон бўлганлигини айтиб журналхонларнинг асабини синамоқчи эмасан, аммо бу сарсонликдан ҳеч нарса чиқмади.

Ҳайриятки, ундан кўнгал сўраб кирган танишлари шаҳар ижроқўмига ўзлари боришиб ниҳоят отасиз қолган учта норасидага озиқ-овқат олишга рухсатнома олиб келишганда аёл уларга самимий миннатдорлик изҳор қилди. Амалдор раҳбарлар уни Афғонистонда ҳалок бўлган қаҳрамоннинг беvasи эмас, бутунлай бошқа биров деб ўйлаганларини эшитгач аччиқ кўз ёш тўқди. «Э, у Шерқуловнинг беvasими? Биз бўлса, ҳалиги, ёлғиз оналардан деб ўйлабмиз!» — дейишибди улар ҳеч андиша қилмай.

Тошбағирлик вируси ёш танламас экан. Бундан етти йил муқаддам Баҳодир чиқиб қайтиб келмаган унинг сал нарироғида бир мактаб бор, мактаб ҳозир Баҳодирнинг номи билан юритилади. У ерда Баҳодир Шерқуловнинг кенжа қизи — тўққиз ёшли Нигора ўқийди. Бахтсизлик юз берганда Раънонинг ҳузурига бир мартамас, бир неча марта пионерлар келишиб, қаҳрамонимизнинг биографиясини айтиб беринг, суратини беринг дейишди... Тантанали ташрифлар кўп ўтмай тўхтади. Ваҳоланки, еттинчи синфнинг ўғил болалари тўпламини бева аёлга ва унинг кекса отасига кафтдеккина томорқасини чопиб беришса анча мадад бўларди...

Баҳодир Шерқуловни 1976 йилда Афғонистонга таржимон қилиб жўнатишганида улар оиласи билан кетган эдилар — унда иккита фарзандлари бор эди. Мана, ўн бир йил олдин туширилган сурат: болалар юзларини объективдан олиб қочишяпти. Ота-онанин юзи қувончдан балқийди, Раъно опа нафосат билан кийинган. У энди нафосат билан кийинишни унутиб юборганига анча бўлди.

— Баҳодирга ҳайкални давлат ҳисобидан қўйилди. Менга у ёқмади. Сариқ тош ва гишдан қурилган девор... Менинг маошим тўқсон сўм, аммо унга бошқатдан ҳайкал қилиш учун керак маблағни албатта йиғмаган. Агар у идорада ўтириб ишлайдиган амалдор бўлганда, унга йирик монумент ўрнатишарди. Мени мана шуниси хафа қилади...

Биз ҳалок бўлганлар учун нималар қилишимиз мумкин? Қаршида яқинда интернационал-жангчиларнинг область музейи очилибди. Ойна ортидаги витриналарда фотосуратлар, кундаликлар, комсомол ва ҳарбий билетлар, хатлар. Мана ўша хатларнинг бири: «Отамнинг соғлиғи қандай, сизнинг соғлиғингиз яхшими, онажон!» Бу хатлар соғинч билан йўғрилган...

Биз экспонатлар тўплашни, экспозициялар тузишни ва ҳаммаси яхши кўринадиган қилиб жойлаштиришни ўрнига қўямиз.

Бу ерга қалби айрилиқ ўтида ёнаётган ота-оналар, бева аёллар, болалар келишади. Тез-тез келиша олмайди, чунки уларга оғир. Лекин кабинетма-кабинет юриб амалдорларнинг қош-қовоғига қараш ундан ҳам оғир. Илож қанча, биз кўпинча уларга қарам бўлиб қоламиз.

Ҳалок бўлганларнинг ёрқин хотираси учун, абадий ҳаёт номидан шунга айтиш керакки, биз тирикларни ҳам эъзозлашни ўрганишимиз керак.

Б. ГЕРШГОРИН,  
Қарши шаҳри.



## Ун уч ёшим

Далаларда кечди болалик,  
Эгатларда қолган изларим.  
Кўтаролмай пахта  
жолалик  
Тўрт тарафга интиқ кўзларим.

Бу пахтазор чексиз нақадар  
Сингиб кетар ҳануз овозим.  
Қуёш ҳар кун хирмонга ботар  
Уқилмайин қолди китобим.

Мадад сўрсам баланд тоғлардан  
Оқ булутга тутди қоясин.  
Оталарнинг ишидан, баъзан,  
Англолмадим сўзин, ғоясин.

Навоий шеър битиб сўз билан  
Шоир аҳлини этган эди танг.  
Бобур подшо бўлган бу ёшда...  
Мендан пахта илмини сўранг!..

\* \* \*

Сизни соғинмадим, мен соғинмадим,  
Гуллар соғиндилар оламингизни.  
Сизни соғинмадим, йўқ соғинмадим  
Сўқмоқлар муштоқи қадамингизнинг.

Сизни соғинмадим, мен соғинмадим,  
Сукутлар истади қўшигингизни.  
Сизни унутгандим, унутолгандим  
Юлдузлар айтдилар йўқлигингизни.

Хатлар карвон бўлиб менга қайтдилар  
Гулларни соғиниб ёзибсиз, билдим.  
Гуллар соғинчини менга айтдилар,  
Улар соғиндилар, мен соғинмадим...

Хумоюн АКБАРОВ.



\* \* \*

Борлиқ — тугруқхона,  
Лаҳзалар — доя...  
Туннинг тўшагида  
сочлари тўзиб,  
Жувон — тонгнинг  
ёриди кўзи!

Чўққилар севинчи —  
Тоғни қитиқлар!

Ҳаяжондан...  
Мендан юлдузлар —  
«Кўрмана» олишни унутиб.  
Бошим — осмонимга  
Сочиб қувонччи,—  
Қўлларимга ташлаб кетди  
Гўдак — Қуёшни!..

\* \* \*

Чилла қиш.  
Кўройдин.  
Овул тинч. Сокин.  
Қари Ит ҳовлида ғингишиб туради.  
Бир қорани англадим, бас,  
Чўзиб-чўзиб узоқ ҳуради.

Уй бекаси бепарво.  
Беғам.

Безабон.  
Парво қилмас олди-кетига.  
Ҳеч нарсадан олмас хавотир,  
Ишонади —  
содиқ Итига!..

Нормурод НОРҚУЛ,  
Қашқадарё область, Чироқчи райони,  
шифокор.

## Уғлон қучиб ётар...

Хонанинг бурчида чанг босган бешик,  
Деворда тўшланган кулча илинган.  
Дарз кетган остона, қийшайган эшик  
Она кўзлари ёш, йўлга термилган.  
Учира олмас ҳеч умид чироғин,  
Уғлон қучиб ётар Афғон тупроғин.

Оғилда тўйига аталган ҳўкиз,  
Сандиқда мисқоллаб йиғилган зар — чит,  
Девордан мўралар ҳамон қўшни қиз,  
— Қайтмадимикан? — деб ул норғул йиғит.  
Шамоллар ўйнайди ҳарир рўмолин,  
Уғлон қучиб ётар афғон тупроғин.

Учган йўқ эгатдан ҳали излари,  
У қазган ариқлар жўши уриб оқар.  
Икки-уч фарзандли бўлди дўстлари..  
Ота ўйлаб қонлар тупуриб саҳар,  
Яғир елкасига илар кетмонин,  
Уғлон қучиб ётар афғон тупроғин...

Муҳаммад МҶМИН,  
Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиси.

\* \* \*

Чигиртканинг қанотиға илиниб келган,  
Дардлар менинг вужудимга сингиб кетдилар.  
Кўзларимда синаётган ноёб кулгулар,  
Унутдилар, юрагимни кабоб этдилар.

Учакишдим қасд олмоқ-чун ҳаёт ёвдан  
Кўксим жангоҳ, қўл оёғим қилич бўлдилар,  
Тошни ёриб чиққан райхон сувмас, қон ичиб  
Етти пуштим гуноҳимни тавоб қилдилар...

## Шоирга

Борлиқнинг нигоҳи сендадир бугун,  
Бошингни силашга тайёрдир қўллар.  
Битмаган шеърларинг мен манзил дедим,  
Фурсатдир манзилга бошловчи йўллар.

## Улғайиш

Майлига, кутмасин тўхтамай фурсат,  
Оламнинг бошида бордир бу савдо.  
Болалик завқини олса-да ҳаёт,  
Йиғитлик сеҳрини беради дунё.

Нормурод МУСОМОВ,  
ТошДУ студенти.

## Кампирлар

Узоқ ҳасратлашди иккита кампир,  
Узоқ милтиллади ўчоқда олов,  
Қоп-қора қумғоннинг ғашига тегиб  
Узоқ каловланди бадбуруш косов.  
Юлдузлар энтикди: «ухламасмикин»,  
Тун узоқ эснади: «жағи тинмади».  
Хотира кўзгусин пайпаслайвериб  
Бизнинг тул кампирлар парво қилмади:  
— Бола эдим унда, Қўшмат оқсоқол  
Отамнинг олдига келиб кетарди.  
Отам инграганда туршак, қанд бериб  
Бизни алдаб четга олиб ўтарди.  
— Раҳматли Саврихон ўлимлигини  
Кўрпанинг қатига тикиб кетибди.  
Беозор эди-я, майиздай ширин  
Бор меҳр мевасин тўкиб кетибди.  
— Туққан она эмас, боққан она-я,  
Нурмон онасини чиқиштирмабди.  
Келин жуда қўрс-да, келин тушмагур  
Кичкина уйин ҳам йиғиштирмабди...  
Узоқ ҳасратлашди иккита кампир,  
— Диёнат кўзидан қолмайлик, ўртоқ.  
Илло, ҳар бандага буюрсин эгам  
Тупроғлари бўлсин, пахтадай юмшоқ!

## Адолат холанинг шеъри

Етмаганда енгинг бўлай, жигарим,  
Бўлмаганда бўйинг бўлай, жигарим  
Юрагимда юз бор «чақмоқ» чақди-да  
Келар бўлсанг, йўлинг бўлай жигарим.

Опаларим ўз йўлига демагин,  
Титраётган юрагимга тегмагин.  
Унта бўлса, ўрни бошқадир иним,  
Мен борман-у, йўқ ғамингни емагин.

Ҳарбий дединг, кейин уруш бошланди,  
Хат-хабар йўқ, юрак қургур ғашланди.  
Бу бевафо дунё ишин қарагин  
Отам кетди, кўзим тўла ёшланди.

Икки қўли йўқ бир гадо бўлдим мен,  
Онам — юрак, аввал адо бўлдим мен.  
Меҳмон келса чети куйган нон қўйиб,  
Ярим кўнгил, ярим фидо бўлдим мен.

Вой, худо-ей, ёқам ушлаб югиндим,  
Елғиз сени кўп кўрдими, ўтиндим.  
Юртгарчилик, қўшилмасанг бўлмайди  
Давраларда тортиниброқ ўтирдим.

Атрофимда эсар мунгли шамоллар,  
Сени сўраб қолар қўшни аёллар.  
Жияларинг сўрар тагин «бор» дейман  
Ука, нега бу соғинчим ҳаяллар?

Бул ҳаётда ҳали умид ноним бор,  
Ахир менда жигаримнинг қони бор.  
Иложим йўқ, гаплашаман ўйимда  
Эй, халойиқ ҳар нафаснинг жони бор.

Каромат ДҶСТМАТОВА



## Ҳайрат

Тобора бормоқда бўйим чўзилиб,  
Илдизим заминга ботиб бормоқда.  
Ва бу дам юракдан бир дард узилиб  
Жимликда муаллақ қотиб қолмоқда.

Ҳар ҳолда бир ҳикмат энди намоён...

Зафар ХУДОЕРОВ,  
ТошПИ студенти.



Мен илк бора кўхна дунёга  
Узга назар солган кунларда;  
Кундузлар чўлғаниб зиёга,  
Ойдинда нур олган тунларда;

Гул-чечакка бурканиб ерлар,  
Дилда бир ҳис қилганда тугён;  
Ишқ васфида битилган шеърлар  
Чўктирганда кўнглимга армон;

Неларгадир бўлиб интизор,  
Қордай эриб юрак оққанда;  
Ҳар қадамда такрор ва такрор  
Нурли қайғу дилни ёққанда;

Гул, гўзаллик, шеърят — бари  
Ром қилганда ақлу-хушимни;  
Мен кўрмаган ҳаёлий пари  
Банд этганда тунлар тушимни;

Ул гўзални излаб нигоҳим  
Қизлар томон бурилгани пайт;  
Эй, беармон болалик чоғим,  
Мени ташлаб кетганмидинг, айт?!

Анвар ЭМИНОВ,  
ТошДУ студенти.



## Ойбарчин қўшиғи

Менинг аслим сўрасангиз Ойбарчинман,  
Орзулари, армонлари чилпарчинман.  
Алломиши «Борса, келмас» йўлин тутган,  
Ағёрлари ёт тил, дея тилин тутган.  
Ойбарчинман, Ойбарчинман, Ойбарчинман,  
Орзулари, армонлари чилпарчинман.  
Эл деганим жам бўлмасдан тарқоқ чиқса,  
Ев олдида мағрур бошим эгаманми,  
Алломишим Баҳодирмас, кўрқоқ чиқса,  
Менинг тенгим ёв ботири Кўжанманми?  
Бехавотир юргимизнинг қир-тоғлари,  
Бу диёрдан ажиб сабо эсаверар.  
Сойи шўрли, аримасдан дил доғлари,  
Ойбарчинлар сунбул сочин кесаверар.  
Гар Алломиш, баҳодирлар қайтмас экан,  
Ҳам голиблик қўшиғини айтмас экан,  
Чорвадорман, чорвам қолиб, пахта экдим,  
Етга бериб қуритдим мол тўғини.  
Оғулардан заҳарланиб азоб чекдим,  
Туз қоплади пешонам, юрт ҳар ёғини.  
Ҳайриятки, энди кўзим очаяпман,  
Наҳот, яна ерга оғу сочаяпман.  
Алломишу баҳодирлар ботир бўлинг,  
Тинч замонда эззуликка қодир бўлинг,  
Кўзни очиб, ҳушёр боқиб, сергак бўлинг,  
Ҳар бир ишда бир-бирова тиргак бўлинг.  
Мен Алломиш-мард ўғлонга ёр бўламан,  
Субутсизга сунбул сочи дор бўламан.

Омоной РАББИМОВА,  
Пойариқ район, Калинин номли  
колхоз раис муовини.

\* \* \*

Кеча туш кўрибман —  
Адолат опа,  
қирқ ёшда ҳам бефарзанд опа,  
кўтариб турганмиш  
кучук боласин.

У айтдики:  
«Ақлли эмиш,  
ташлаб кетмас эмиш  
кучукча сира...»  
Уйғондим-да;  
йиғлаб юбордим,  
Қаердасиз Онажон, она?!

\* \* \*

Вокзал...  
юлқинасан қучоқларимдан,  
Лабларинг пирпирар сўнги сўз: «Хайр».  
Севгилим, дард сизар жамодонингдан,  
Илоё, манзилга етгин бахайр!

Ҳавода титраган қўлларим томон  
Поезд тутунларни гул каби отар,  
Муродига етган темир йўлларда  
Вагонлар судраган юрагим кетар.

Қўчқор НОРҚОБИЛОВ,  
ТошДУ студенти.



## Танноз қизларга

(ҳазил)

Атир, упа, бўёқ сизларга  
Гўзалликни ато этмишдир.  
Сизни кўриб Абдуҳалимнинг  
Нафратлари тўлиб кетмишдир.  
Дардларини кимга ҳам айтсин,  
Суянчиғи фақат шу қалам.  
Истакларин шундай деб ёзди  
Майли сизга қилса ҳам алам:  
«Етмай қолсин магазинларда  
Атир, упа, бўёқ сизларга,  
Ва шунда сиз айланиб қолинг  
Дунёда энг хунук қизларга».

Абдуҳалим МЕЛИЕВ,  
Самарқанд область,

Ургут районидаги Энгельс номли колхоз.

\* \* \*

Соғинбой ИБРОҲИМОВ

Айлангим келади Қуёш нури  
билан маҳкам боғланган олма дарахтига  
бу оқшом.

Сенга ҳайрихоҳлар ҳам ухлайди бу оқшом.  
Сенга юлдузи қаршилар-да ухлайди бу оқшом.  
Сен тўшакка ётиб,  
қучоғига ошиқиб кирадиган  
бу оқшом.

Қорақалпоқчадан О. РАҲИМОВ  
таржимаси.

## Мисайлов Ҳимнози

А. ПУШКИНга

Бу ернинг қишлари сеҳрли  
Эртакка ўхшайди ўрмони.  
Қор қиз чиқиб гўё йўлингдан,  
Юзларингдан ўпади шодон.

Баҳорнинг туманли тонглари,  
Новдада ниш урган яшиллик,  
Қушларнинг бир яйраб сайраши —  
Кўнгиллارга солар ҳаяжон.

Бу ернинг ёзлари салқиндир,  
Еру кўк бир ажиб, бир чаман,  
Гўёки орзудан узилиб —  
Ерга тушган бу жаннат макон.

Кузлари қизлардай хаёлкаш,  
Ул мовий нигоҳдай чиройли,  
Кўз билан кўрмасанг, сўз ожиз —  
Таърифини қилмоққа баён.

Ва лекин шу диёр бағрида,  
Қандайдир ўкинч бор, бор армон.  
Соғинган кўзлардай йўл қараб —  
Шоирини кутади ҳамон...

## Оппоқ тонглаш

Шу жингалак соч, хаёлкаш бола,  
Гуллар чиройига ҳайрон боқарди.  
Иброҳим бободан қолган қонида,  
Чиройга ташналик жўшиб оқарди.

Дарё ёқасига ёйилган гуллар,  
Бахтли эртасидан дарак берарди.  
Чинга айлангучи ҳадик, гумонлар,  
Қайдандир ошўфта дилни тергарди.

Ииллар ўтиб она қишлоққа охир,  
Сургун этиб келди қисмат йўли.  
Шоҳларга измини бермаган шоир,  
Гулларнинг ёнида эгди бўйнини.

Шу аҳвол ҳали ҳам хаёл суради,  
Дунёни кезади шеър қанотида.  
Соғинган кўзлари гулни кўради,  
Кўз ўнгида оппоқ тонглаш оғади...

Тўлаган ТҲХТАЕВ

## Юлдузлар

Осмонда ойсиз  
Сайр қилмайсиз.  
Орзу-ўйларим  
Недир — билмайсиз.

Сизни танитган  
Бождалар битган  
Муждалар битган  
Менга бир чўғдек.

Шу чўғнинг дилда  
Меҳри — ёнаман.  
Қолганингизни  
Мен ўрганаман!

Садриддин СОЛИХОВ,  
Тошкент шаҳар  
Киров районидаги  
237-мактаб, 8-синф ўқувчиси.

ЖУРНАЛХОНЛАР  
НАИТОЖИ ИЖОИДА

Айтинчи, сизнингча қандай одамларни ишбилармон деб айтиш мумкин? Масалани бундай кўндаланг қўйишимизнинг сабаби бор. Чунки ишбилармон ва устамон деган тушунчалар бир-бири билан қоришиб кетган пайтлардан ҳали унчалик узоқлашиб кетганимиз йўқ. Эсингиздами, қўшиб ёзиб план дўндирган, давлатга киши билмас фириб бериб келганларни яқиндагина ишнинг кўзини билади деб кўкларга кўтарган эдик.

Энди-чи? Энди қайта қуриш шамоли кимнинг қандайлигини юзага чиқарадиган демократик шарт-шароитлар яратди. Тўғри, ҳозир ҳам янгиликдан чўчиб тўғаноқ бўлаётганлар ҳам йўқ эмас. Аммо... ишбилармон, тадбиркор одамлар шунинг учун ҳам кучли, тадбиркори, улар ҳар қандай тўсиқларни енгиб илгариб босаверадилар. Ҳикоямиз бу гал айнан ана шундай кишилар ҳақида.

## Ҳабибулла ака

Ҳабибулла ака Юсупов «Ленинобод» совхозининг директори. У ўн бир йилдан буён хўжаликка раҳбарлик қилиб келади.

Ўн бир йил...

Гапнинг индаллосини айтмайми? Раҳбарлик лавозимида анчадан бери ишлаб келаётганлар билан суҳбатлашиб қолсам миямга қўшиб ёзиш авж олган машъум даврлар келади-ю, шубҳага бориб қоламан. Кейин бу шубҳа қанчалик ўринли эканлигига ишонч ҳосил қилгунга қадар қийналаман. Эҳ, бу шубҳа-ю гумонлардан қачон қутиларканмиз?!

«Ленинобод» совхозининг райондаги энг катта хўжаликлардан. Уч минг гектар ер майдони бор. Шундан икки ярим минг гектарига пахта экилади. Хўжаликнинг пахтадан бўлак бошқа ташвишлари ҳам бор. Масалан: бу йил ёшлар учун қурилаётган спорткомплекснинг биринчи навбати ишга тушади. Маданий-маиший тадбирларга эса 220 минг сўм ажратилган.

Мен блокнотимга бу рақамларни ёзиб олар эканман, энг долзарб муаммо-уй-жой қурилиши ҳақида гап очдим.

— Совхоз ўтган йили ўз кучи билан 20 та уй қуриб фойдаланишга топширди. 40 та ёш оилага эса уй қуриш учун ер ажратиб берилди. Бу йил ҳам қураётган уйимиз 20 дан ошади. Яна 50 та оилага ер ажратдик. Биз 90-йилда совхоз ишчиларининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини тўла қондирамиз, деган умиддамиз.

— Бундай кенг кўламли ишлар учун қурилиш материаллари танглик қилиб қолмаяптими?

— Бари ҳисоб-китоб қилинган. Ўз ғишт заводимиз бор. Ҳеч ким ғишт ахтариб сарсон бўлмайди.



Тўқувчи Шарофатхон Уринбоева

Ҳабибулла ака шашмай гапирар, айтганларини гоҳо ён дафтаридаги ёзувларга солиштирар, суҳбатда қатнашаётган ишчилар комитетининг раиси ва бошқалардан тўлдиришларини сўрарди. Ҳабибулла акани ҳозирги гапларига қараб, ишбилармон, тадбиркор одам дея олмасдим. Ҳа, сифат тарозисини енгиллик қилиб турарди.

Ниҳоят, Ҳабибулла акага қуйидаги саволни бергач асосий мақсадга яқинлашиб келганлигимни билдим. Бунинг ўша пайтда эмас, кейин, анча кейин билдим.

— Ўтган йили пахта планингиз тўлдими?

Ҳабибулла ака бир тебраниб кетгандек бўлди. Кейин аста бош чайқади.

— Йўқ, бажара олмадик, — деди у секин.

Пахта планининг бажарилмаганлиги совхоз раҳбарига ҳам, ишчиларига ҳам азоб берувчи дордга

# ИШБИЛАРМОН

айланганини, орадан саккиз-тўққиз ой ўтган бўлишига қарамай бу дорд ҳамон азоб бериб келаётганлигини сезиб олиш қийин эмасди бу жавобдан.

Аммо...

— Ўтган йили кўп майдонларимиздаги пахтани қайта экишга тўғри келди. Шунинг учун пахтамининг пишиши кечикди, нави пасайиб, уловидан тушови қимматга тушиб кетди. Агарда совхоз ишчиларини, ўқувчиларни қисти-бастига олиб, теримни давом эттираверганимизда планни бажарардик. Лекин айтдимку уловидан тушови деб... Совхознинг унчамунча пулиям соғуриб кетарди, — деди совхоз активларидан бири.

Ана холос, мухбир акамиз қоқоқ хўжалик ҳақида ёзиб бошимизни қотираётган экан-да, деб тарвузингиз кўлтиғингиздан тушмасин. Хулласа чиқаришга шоямманг, зеро бу гапнинг «берди»си бор.

Энди дўппини бошдан олиб бир ўйлаб кўрайлик. Кўп йиллардан бери биз нима қилиб бўлса ҳам пахта планини бажариш керак, деган ақидага қатъий амал қилиб келдик. Тўғри, планни бажариш керак, лекин у хўжаликнинг зарар кўриши ҳисобига, пешона тери тўккан кишиларнинг ҳамёнини «шилиш» ҳисобига бўлмаслиги керак-да. Ахир бир килограмм пахтани йиғиб-териш олиш учун сарфланадиган ҳаражат фалон пул бўлса-ю, ундан олинадиган даромад эса нолга тушиб қолса бундай пахтадан, бундай юз фоиз бажарилган пландан кимга қандай наф бор?! Йўқ, керак, кимларгадир керак бу!

Ўша кимлар... план бажарилди деб рапорт топширишга ишқивоз. Шу билан ўзининг ишбилармон қилиб кўрсатади-да. Аммо бу «тадбиркорлик» зрта баҳордан то кеч кузгача бел оғритиб меҳнат қилган деҳқоннинг нонини туя қилиш билан баробар эканлиги билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Ҳабибулла аканинг сўзларини тинглар эканман беихтиёр Избоскан районидаги воқеалар ёдимга тушди.

Кузнинг охириги кунлари. Бу пайтда деҳқоннинг бирдан бир ташвиши ерларни шудгор қилиб олишга улгуриш. Қаёқда! Районнинг каттаю кичиги, мактаб ўқитувчилари, турли идораларнинг хизматчилари далага сафарбар қилинган. Чиқим катта. Пахтанинг таннари ошиб кетган. Лекин буни хомчўт қиладиган бирон бир мард йўқ. Маъмурий-бўйруқвозлик иш усулининг «ёркин» намунаси бўлган бу воқеа айни шу усулга қарши кураш авж олган пайтда содир бўлди. Бунисига нима дейсиз? Ҳа, маъмурий-бўйруқвозликнинг томири ҳали маҳкам.

Ана энди яна совхозга қайтиб рақамларга эътибор берайлик: ўтган йили совхоз пахта планини бажармасаям етти миллион даромад қилган эди. Кўрдингизми, пахтанинг бори шунча даромад берган. План тўлиши учун курашилганда ана шу бориниям шилиб кетарди. Бу ерда ишбилармонлик қўл келган албатта. Бу йил эса даромадни саккиз миллионга етказишмоқчи. Демак, совхоз ёшлари учун яна уй-жойлар қурилади, маданий-маиший объектлар, мактаб, боғча бинолари қад кўтаради.

Қилинадиган ишлар эса, кўп, жуда кўп.

## Маматожи ака

Чарчаб қолмадингизми? Агар чарчаб қолмаган бўлсангиз, сизни атлас тўқиладиган корхонага, йўқ, йўқ, «Атлас» кооперативига таклиф қиламан. Билсангиз, бу ерда тўқилган атласларнинг бозори қаққон, харидоргир. Ишонмасангиз, мана бу рақамларга эътибор беринг: 1988 йил, 1 августда «Атлас» кооперативи ижрокўмда рўйхатга олинди. Ноябрьнинг охирида биринчи маҳсулот олинди. Декабрь ойи ичи кооператив кассасига 30 минг сўм, 1989 йил январда эса 50 минг сўм пул тушди. Чакки эмас-а?

Энди «Атлас» кооперативининг қачон ва қандай ташкил қилинганлиги ҳақида икки оғиз. Бу ўринда Маматожи ака Иброҳимов тўғрисида бир оз тўхталишга тўғри келади. Маматожи ака ҳам биз юқорида танишган Ҳабибулла ака сингари кўпни кўрган, кўпни билган кишилардан. Олтиариқдаги жун тўқиш фабрикаси директорининг ўринбосари. Унинг ҳузурига ҳар кунни талай-талай ёшлар иш сўраб келишади.

Ахир Олтиариқ катта, аҳоли зич яшайди, ишга чанқоқ, юрагида ғайрати, билагида кучи бор йигиткилар кўпу аммо иш йўқ. Илож қанча, ёшларни ноумид қайтаришга мажбур.

Маматожи ака иш юзасидан тез-тез сафарга чиқиб туради, турли касбдаги кишилар билан суҳбатлашади. Кўп районларда нави унча юқори бўлмаган, харид нархи ҳам шунга яраша бўлган пилла анча-анча миқдорда тўпланиб қолганлигини биларди. Уларни қайта ишлаш учун ипакчилик саноатимиз қуввати етмаётганлигидан ҳам хабардор эди. Мамлакатимиз бўйлаб кооперативчилик ҳаракати бошланганда Маматожи ака болалик йилларида атласу кувватини уйларда тўқилган атласу шоямлардан тикилган либосларни тепкилаб-тепкилаб кий-



Йигирувчи Тўтихон Иброҳимова.

ганликларини ҳавас билан айтиб юришларини ҳам хотирлади.

Ишбилармон киши-да, бир ёқда нави паст пилларнинг бозори касод бўлиб омборларда босилиб ётганлиги-ю, иккинчи ёқда қўлда тўқилган атласнинг сифати яхши бўлиши, яна ишга чанқоқ ёшлар борлигидан унда қўлда атлас тўқийдиган кооператив ташкил қилса бўлмасмикин, деган фикр пайдо бўлди.

Суриштирди, югуриб-елди, Марғилондан қўлда атлас тўқийдиган, йигирадиган, бўяйдиган одамлар топди. Қисқаси, ишни йўлга қўйди. Аммо ўзи ўрганиб қолган ишини тарк этишга кўзи қиймади. Кооперативга раисликка бошқани тавсия қилди.

Ана энди «Атлас»нинг тарихи билан танишиб олдик. Келинг, энди ичкарига кирайлик. Айтгандай, кооперативчилар фабриканинг биноларини ижарага олганлигини айтишни унутимиз. Бунинг учун улар фабрикага даромадларнинг 4 фоизини беришга келишишди.

Тўқувчилар ҳузурига йўл олдик. Хоналардан бирини очган эдик, бўёқлар жилоси кўзимизни қамаштирди. Хонага қатор қилиб ёғочдан ясалган беш дона



# ОДАМЛАР

дастгоҳ — дўконлар ўрнатилган бўлиб, уларда бўёқдан чиққан толалар қуёш нуридек тўқувчи қиз томон таралган эди. Бу ипак толалар тўқувчи қизнинг чаққон қўллари остидан лов-лов ёнаётган атласга айланиб чиқаётган эди.

— Мен олдинги мактабда буфетчи бўлиб ишлар эдим, — деди Шарофатхон Уринбоева. — Кооператив очилгандан кейин бу ерга ишга келдим. Олдин шогирд тушдим, марғилонлик моҳир тўқувчилар Ҳақимжон ака ва Турғуной опалардан атлас тўқишни ўргандим. Мана энди ўзимнинг ҳам шогирдларим бор. — У ёнидаги қизларга ишора қилди. — Мухаббат Ҳайдарова, Хосиятхон Ҳолбоеваларнинг ҳам қўллари ишга келиб қолди.

Навбатдаги дўконда ишлаётган қиз — Одинахон Каримова экан.

— Мен мактабни битирганимдан сўнг 1983—86 йиллар Марғилонда попопчиликка ўқидим, — деди Одинахон, — лекин иш йўқ бўлгани учун ишловмаётган эдим. Мана бахтимизга кооператив очилиб қолди...

— Бир ойлик маошингиз қанча?  
— Ишимизга боғлиқ. Ҳар бир метр учун 2 сўмдан ҳақ оламиз.

— Бир кунда неча метр тўқийсиз?  
— 3—4 метр. Лекин малака ошган сайин суръат ҳам ошади беради.

— Бундан ташқари, — деб сўхбатга қўшилди цех бошлиғи Ботиржон Ҳақимов, — кооперативнинг даромади ошган сайин ишчиларга бериладиган мукофот пули ҳам ошиб боради.

Тўқув цехидан чиққанимиздан сўнг Ботиржон акадан кооперативнинг истиқболи ҳақида гапириб беришни сўрадик.

— Ҳозир кооперативимизда 170 та киши ишляпти. Йил охирига бориб ишчилар сонини 500 кишига етказмоқчимиз. Кўриниб, ҳар бир тўқувчининг ёнида иккитадан шогирд бор. Уша шогирдлар ҳам кейинчалик иккитадан шогирд тайёрлашади. Тўқувчиларимиз сонини шу тариқа кўпайтирамиз. Тўғри, ижарага олган биноларимиз торлик қилиб қолиши мумкин. Аммо бунинг ҳам чораси бор. Биз дўконларни бевосита хонадонларга ўрнатиб берамиз. Бу орқали уй шароити туфайли ишлаб олмаётган бекаларни ҳам ишга жалб этиш имконияти туғилади.

— Магазинларда ҳозир комбинатларда тўқилган атлас кўп. Лекин шунга қарамай Сизларнинг қўлда тўқилган атласингизга эҳтиёж катта экан. Бунинг сабаби нимада?

— Ҳамма гап шундаки, биз тўқийдиган атласда сунъий тола аралашмайди. Бўёқлари сифатли, ювса ҳам рангги ўзгармайди. Тўқиш сифати ҳам энг юксак талабларга жавоб беради. Шунинг учун бўлса керак бизнинг маъсулотимизга Франциядан талаб тушмоқда. Японияликларга бизнинг атлас манзур бўлди. Уларга намуна жўнатдик. Еқса, Япония билан савдосотикини йўлга қўйишимиз мумкин.

— Давлат қўйишлари билан рақобат қилишдан чўчимасизларми?

— Йўқ. Менимча, рақобатдан чўчимаслик керак. У маъсулот сифатини янада кўтаришда ёрдам беради. Бу эса бизга ҳам, давлат қорхонасига ҳам яхши. Энг муҳими, харидорга яхши бўлади. У кимнинг моли сифатли бўлса ўшани олади.

Бу фикрга қўшилмасликнинг иложи йўқ, тўғрими?

## Юсуфжон Зокиров

Анвар ака Бофуровни райондаги энг серташвиш одамлардан бири деб айтиш мумкин. Ахир улар шифокор. Район марказий касалхонасининг бош врач. Демак, Олтиариқнинг 120 минг аҳолиси соғлиғига у маъсул. Ҳўш, Анвар акани шу кунларда нима кўпроқ ташвишга солмоқда.

— Оналар ва болалар саломатлиги, — деди Анвар ака. Беморларимизнинг 45 фоизи шамоллаш, 30 фоизи ошқозон-ичак касаллигига йўлиққан. Маълумки, шамоллаш жуда кўп касалликларга эшик очиб беради. Ҳар йили 700 га яқин киши жигар касаллиги билан оғригани қайд қилинади. Оналарнинг кўпи эса камқонлик касалига йўлиққан. Натижада болаларнинг кўпи хаста бўлиб туғилмоқда...

...Биз болаларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш борасида баъзи чораларни кўряпмиз. Жумладан, уч йилдирки, боғча ва бошқа болалар муассасаларини сут билан узлуксиз таъминлашни йўлга қўйдик. Бунинг учун сутлик овқатлар тайёрлашнинг ошхоналар ташкил қилинди. Ҳар йили 500 тонна, бир кунда эса 3 ярим тонна сут болаларга тарқатилади. Бу ва кўрилган бошқа тадбирлар районда болалар ўлимини анча камайтириш имконини берди. Анвар аканинг ёнида ёқимли бир воқеа тушди шекилли, бирдан чирой очилди. Кўзлари қувонч билан чақнади.

— Болалар соғлиғини сақлаш борасида жиддий ютуқларимиз ҳам йўқ эмас, — деди у қувониб. — Масалан, касалхонамизнинг болалар хирургияси бўлимидаги шифокорларимиз ўтган йили битта ҳам

Болалар хирургияси бўлими очилгач, операцияни шу соҳага ихтисослашган хирурглар қила бошлади. Операциядан кейинги парвариш билан ҳам махсус малакали врачлар ва ҳамширалар шуғулланадиган бўлдилар. Мана шу омиллар даволаш жараёнини тубдан яхшилаш имкониятини берди. Масалан, 1988 йилда бўлимда 729 та операция қилинди. Шундан 450 таси кечиктириб бўлмайдиган операциялардан эди. Уларнинг ҳаммаси кўнгилдагидек ўтди...

Болалар хирургияси бўлими очилганидан кейин Юсуфжон учун барча қийинчиликлар ортда қолиб кетди, деб айтиш қийин. Унинг учун қувончли бўлган 1988 йилни олиб кўрайлик. Кутилмагани рақори идоралардан болалар хирургияси бўлимини юқори марказидан олисроқдаги янги қурилган шифохонага кўчириш тўғрисида кўрсатма келди. Аммо Юсуфжон бўлими у ёққа кўчиришга тиш тирноғи билан қарши турди, курашди, бўлимини эски жойида қолдиришга эришди. Қизиқ, Юсуфжоннинг жон-жаҳди билан курашишининг сабаби нимада? Ахир, унинг бўлими эгаллаб турган жойнинг торлиги шундоққина кўри-ниб турибди-ку? Масалая Юсуфжоннинг ўзи аниқлик киритди.

— Бизни кўчириб олиб бормоқчи бўлган бино ҳақиқатдан ҳам янги қурилган, у ер кенг, ёруғ. Лекин янги бинода бахтга қарши на рентген аппарати, на лаборатория бор. Зудлик билан ёрдам кўрсатиладиган бемор келса биз уни текшириб, аниқ диагноз қўйиш учун, барибир, район марказига олиб келишимиз керак экан. Бунда биз биринчидан вақтни бой берамиз, иккинчидан беморни қийнаймиз. Шунинг



Юсуфжон Зокиров ҳаммаси Акмалжон Турсунов билан навбатдаги операцияга ҳозирлик кўришмоқда.

ўлим бўлишига йўл қўйишмади. Даволангани келган бир ярим мингга яқин боланинг ҳаммаси дардига шифо топиб ота-онаси бағрига қайтишди.

Мен ани шу шифокорлар ҳақида батафсилроқ гапириб беришни Анвар акадан сўрадим ва тажрибали хирург Юсуфжон Зокиров ҳақида дастлабки маълумотга эга бўлдим. Кейин ота-оналари, беморлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, унинг ишлари ҳақида кўп нарсани билиб олдим. Билиб олдим ушнинг кўзини билладиган шундай малакали врачларимиз борлигиндан фахрландим.

Юсуфжон Зокиров 1971 йили ТошМИнинг педиатрия бўлимини битирган. 1985 йили унинг ташаббуси билан болалар хирургия бўлими — бундай бўлим область районлари ичида биринчи бўлиб очилди — ташкил қилинди.

— Махсус болалар хирургияси бўлимини очишга нима мажбур қилди? — деб сўрадим Юсуфжон билан учрашганда.

— Илгарилари хирургия бўлимида катталар ҳам, болалар ҳам операция қилинаверарди. Лекин катталарни операция қиладиган хирург болалар организмининг ўзига хос томонларини чуқур билмаслиги табиий. Шу сабабли оғир вазиятлар ҳам юз берди.

учун тор бўлса ҳам эски жойимизда қолишни афзал кўрдик. Узимиз қийналсак ҳам бемор қийналмасин.

Юсуфжоннинг сўзларида мантиқ кучли, нима дедингиз?

Биз Юсуфжон ва унинг дўстларига оғир, лекин шарафли ишда муваффақият тиладик.

Ишбилармон одамлар... Мана уларнинг фаолиятига бағишланган мақоламизга сўнги нуқта қўйиш пайти ҳам келди. Эътироф қилиш кераки, бундай кишилар Олтиариқ районидан ҳам эмас, республикамизнинг барча районларида ҳам бор. Улар халқ хўжалигининг турли жабҳаларида меҳнат қилишмоқда, дилидаги орзуларини амалга ошириш учун курашмоқда, қийинчиликларни енгиб ўтмоқда. Қайта қуриш жараёнининг энг олдинги сафларида боришмоқда. Бас шундай экан, тадбиркор одамлар ҳақидаги ҳикоямиз келгусида яна давом этади.

Шоҳрух АКБАРОВ,  
«Еш куч» махсус мухбири,  
Фаргона область, Олтиариқ райони.

М. САГИНОВ фотолари.



«Ситора»нинг бадий раҳбари Шавкат Болтаев.

Вужудидан тамаки ҳиди бурқираб турган олифта йигит бўталоқнинг бўйнига боғланган кумуш занжирни силтай-силтай саёҳатчилар оқими ўтадиган сайхонлик томон юрди. Унинг ҳа деганда атрофга олазарак қарайвериши, занжирни шириқлатиб силкилайверишидан бу дастёрчиликдан ори келаётгани сезилиб турарди. Бўталоқ бўлса ўз аждодларига тортиб эранг-қаранг қадам ташлар, занжир ҳар тортилганида узун бўйни бориб келарди-ю, юриши ўша-ўша эди. Ниҳоят маррага ҳам етилди. Йигит занжирнинг учини асфальт юзасига ерпарчин қилиб қоқилган қозиқ ҳалқасидан ўтказиб, нари кетди. Бўталоқ норозилик эълон қилиб, бошини силтаб худди саҳродагидек узок-узокларни бўйламоқчи бўлди. Занжир таранглашиб, бўйнига ботди. Рўпарадаги кошинли, ялтироқ бино юзасида аксланаётган қуёш нурлари игнадек санчилиб, кўзларини оғритди. Биров қамчин билан соб қолгандек бошини терс ўгирди. Энди бу томондаги нурлар акси кўзини баттар қамаштирди. Бошини куйи солиб, ердан бир сас тинглаётгандек қотиб турди-да, кейин шундай бир ўкирдик, ўтган-кетганлар қараб қолишди.

Олифта йигит бўлса парвойи-фалак, одатдаги ишлари билан банд. У бўталоқнинг ёнига тирговичли темир нарвонча обкелиб қўйди. Жазирамада куймаслик учун ўзига соябон ўр-



мағил хашак-хушакларни кавшаб тонг оттирадиган бостирмасига олиб кетишни хоҳлайди. Лекин саҳройи болалар бўталоқни миниб суратга туширмайди, уларга буни қизиғи йўқ...

Сухбатдошим Шавкатжон Болтаев вазмин, ғамгин бир қиёфада ҳикоя қилади. Мен журналист билан кино суратчисининг фарқини теранроқ англай бошлайман. У гапиряпти-ю, мен ўша манзараларни кўряпман. Бўталоққа юрак-юракдан ачиняпман, пул кетидан қувиб саҳро подшосини банди қилган суратчидан нафратланяпман. Ҳа, Шавкатжон Бухородаги

# СИТОРА ЮЛДУЗ ДЕГАНИ



Янги кинолавҳа тексти муҳокамада



«Кўҳна Бухоро» фильмидан кадрлар.

натди. Бошига соябонли каллапўшини қўндириб, бўйнига фотоаппаратини осди-да у ёқдан, бу ёққа юришга тушди. Бўталоқ аста-секин жазиллаётган қуёш селида тақдирга тан бериб, мудрай бошлади. У кечга довр ўзини қандай юмуш кутаётганини билади. Аллақандай қорақура, оқ-сарик одамлар, бўталоққа миниш учун темир нарвончага танда қўйишади. Олифта йигит илжайганича қора гардишли нарсанинг кўзини уларга тўғрилайди-да, шириқлатиб суратга олади. Баъзан иккита, учталаб мингашишганда бўталоқнинг беллари майишиб, оёқлари тўрт томонга керилиб кетади. Бу ҳол кулгили бўлса керакда, устидагилар селкиллаб кулишади. Суратчи ҳам илжайиб қўяди. Бўталоқ ҳар замон, бир замонда ҳушёр тортиб безовталаниб қолади. Думоғига янтоқ ҳиди урилгандек, тамшанади. Саҳрони, янтоқзорларни эслайди. Шунда янтоқ бўйи қаёқдан келаётганикин деган умидда атрофни кузатади. Рўпарасида шаҳарлик бўталоққа ҳайрону-лол қараб турган бир тўп саҳройи саёҳатчи болаларга кўзи тушади. Қанийди яқинроқ келишса, янтоқ ҳидларига тўйиб олса... «Қани болалар, суратга олайми, туясизи икки сўм, туялиги уч сўм, бўлақолинлар», бидирлайди суратчи. Бўталоқ саҳройи болаларни суратга тушишларини, янтоқ ҳиди ўрқачларига сингиб қолишини, шу ҳидни маж-

«Ситора» ҳаваскорлик киностудиясининг бадий раҳбари. Бу студия ўзининг «Домла», «Кино усталари шаҳри», «Кўҳна Бухоро тароналари», «Қандай гўзал бу олам», «Матонат», «Асрлар нидоси» каби фильмлари билан кўпчиликка танилиб қолди. Студияда йигирмадан зиёд ёш ўз билим ва маҳоратларини синашяпти. Утган йили студия «Кўҳна Бухоро тароналари» фильми билан Москвада ўтказилган 1-Халқаро фольклор фестивалида қатнашиб диплом билан тақдирланди.

— «Бўталоқ»дан ташқари яна бир фильм устида ишляпмиз, — дейди Шавкатжон. — У инсонлар соғлиги, табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ киносюжет. Айтиб қўяқолай, шаҳримизда кўп йиллардан бери керамзит заводи ишлаб турибди. Унинг захарли тутуни ўсимликлардан ташқари аҳолини ҳам силикоз касалига дучор қияпти. Биз бу фильмда ана шу фожеани очмоқчимиз...

Студиянинг бадий раҳбари Шавкатжон Болтаев таъсирчан фильмлари учун ўтган йили область комсомол мукофоти лауреати бўлди. Лекин изланишлар олдинда. «Ситора» — юлдуз дегани, студия ҳали чинакам юлдузлик қиёфасини топишга интиляпти.

Ризвон САФАРОВА.



Наманган алоқа бўлими ходими Оксана Походий.

... Алоқачи ёш ишчилар Шукрия Валиева ва Гулнура Аббосова.

**Ким бўлсам экан!**

**Алоқачилар узоғингизни  
яқин қилади!**



А. КУДРЯШОВ фотоси.



Биринчи куртак.



Сўнги дақиқаларда...



Оналар ҳаяжонда.

А. КУДРЯШОВ фотолари.

# Буллар бунтса тиройли!

Яқинда Тошкентда  
болалар ўртасида  
гўзаллик конкурси  
ўтказилди.



Пинҳона...




Ира Шварцдан ҳам яхшироқ рақс тушиш мумкинми!

Тошкентдаги Кадришев номидаги 33-билим юрти авиасозликни ихтисоси бўйича малакали ишчилар тайёрлайди. Билим юрти қошидаги лаборатория қишлоқ хўжалиги учун бир ўрнли учиб аппаратларини яратиш билан шуғулланади.



Вартан Аюлов ўқувчи Ренат Мансуровга деталь тайёрлаш сирларини ўргатмоқда.



Олим Умаров ва Бахтиёр Исомбоев ихтиро лойиҳаси ўстида









— Ҳа, тўйимиз ўтиб кетди, хўш, нима демокчисан? — деб Неъманга ёпишди, унинг ёқасидан олиб силталай бошлади.

Букланган харита кўтариб тарих ўқитувчиси синфга кирди. У биринчи кўрган кишига серзарда кишидек туюларди. Аслида эса ширинсўз, халимдек юмшоқ киши эди. Шу пайтгача унинг бақириб гапирганини ҳеч ким эшитмаган эди. Ўқувчиларга мулоимлик билан гапирарди.

— Бугун ҳеч кимдан дарс сўрамайман, — деди. — Чунки бугун жуда қизиқ мавзуга кўчамиз.

Шу пайт эшик аста очилиб, бир бош кўринди, унинг уккиникидек йилтираб турган бит кўзлари бутун синфни назардан ўтказди. Бош қандай пайдо бўлган бўлса шундай сас-садосиз ғойиб бўлди. Болалар хаёлини бўлмайд ўқитувчининг ҳикоясини берилиб тинглайвердилар.

Танаффусга чиқишлари билан болалар Неъманни ўраб олишди:

— Сайид келипти, уни қачон озод қилишган экан?

— Бир ҳафта бурун.  
— Бутунлай қутилиптими?  
— Ҳа.

Сайид Неъманнинг қариндоши бўлиб икки йил бурун безорилиги учун қамалган эди. Унинг пайдо бўлиши болаларни ҳам ҳайратлантириб, ҳам ваҳимага солиб қўйган эди. Неъман бир пас шу атрофда айланиб турди-ю, сўнг ҳеч кимга сездирмай секин қаёққадир ғойиб бўлди.

Уша куни у мактабга қайтиб келмади. Папкасини ҳар галгидек унинг «адъютанти» Зокир олиб кетди.

Шанар кечқурун хонасида Қамарнинг эсдалик дафтарини варақлаб ўтирарди. Бу жуда ажойиб, муқовасига атиргуллар расми ёпиштирилган дафтар эди. Биринчи саҳифасида тартиб билан саволлар ёзилганди: Ҳаёт нима, келгусида ким бўлишни истардингиз, муҳаббат нима, севасизми, идеалингиз, севган машғулотиңиз, қандай орзуларингиз бор?! Кейинги саҳифаларда эса синфдош ўғил-қизларнинг суратлари, юқоридаги саволларга жавоблари ёзилганди. Шанар дарҳол Шафақнинг жавобини қидириб топди. Нега энди бошқа кизнинг эмас фақат Шафақникини қидириб қолди?! Бунинг устига бориб-бориб: «севасизми?» деган саволни излаётган эди. Шафақ: «Билмайман. Бироқ юрагимда қандайдир илиқ тўлқин бор. Шу нарса севгимикин? Эҳтимол!» деб жавоб ёзганди. Шанар кизнинг расмига тикилди. Кулча юзли, лўппи ёноқли, сочига бант тақиб олган, мактаб формасидаги бир қиз! Шафақ япон қизларига ўхшарди. Шанар ҳазиллашиб ҳар замонда унга: «Япон қизи» деб кўяр, бироқ негадир бу ҳазилдан Шафақ хафа бўларди. Бирдан дераза тақиллаб қолди:

— Шанар, мен, Шафақман...  
— Кел, киравер.  
— Ўзинг чиқаюл.  
— Ҳозир... — Шанар чиқиб қизни ичкарига етаклади. Хонага кирганларида Шафақ кўлидаги дафтарни узатиб:  
— Масалани ҳеч ечолмадим, ёрдам берарсан, деб келдим, — деди.  
— Пальтоингни еч.  
— Йўқ, уй кийимда келганман...

Шанар икки дақиқага қолмай масалани ечиб берди. Шафақ пальтосининг тугмачаларини ечиб:

— Вой-ей; — деди. — Уйларинг мунча иссиқ! Куйиб кетдим. Раҳмат, Шанар, қаерда хато қилганимни энди тушундим... Нима бўлганини биласанми, Шанар?

— Нима бўлди?  
— Сен совға қилган мунчоқни кимдир ўғирлаб қўйди.  
— Ҳазиллашма!  
— Беҳаил, ўзим ҳам ҳайрон бўлиб қолдим. Ҳеч ишонгим келмайди.

— Эҳтимол, папкамга ётгандир?  
— Йўқ, йўқ, папкамни ағдар-тўнтар қилиб ташладим. Ҳеч қаерда йўқ.

Шафақ дафтарни олиб кетишга ҳозирланаркан:  
— Мени кузатиб қўй, Шанар, — деди. — Майдондан ўтишга кўркаман.

Шанар кийиниб кизнинг ортидан эргашди. Кичкинагина ҳовлидан, тор майдондан кейин кўчага чиқиларди. Қор тинганди. Шафақ лаби-лабига тегмай бидирларди:

— Неъмандан шубҳаланиб турибман. Агар ўшанинг қўлига тушган бўлса, тамом, мунчоқни қайтиб кўрмайман.

Мирза Фатали билан Мустафо Субҳи кўчасини бирлаштириб турган нимқоронғи майдон — ўрадек ҳувиллаб турарди. Йигит билан қиз биргалек майдондан ўтиб кетишди. Кўк эшик, устига хира чироқ нур сочиб турган кўрғон, майдонга очиладиган темир панжарали деразалар... Майдон ичида яна бир майдонга ўхшарди. Майдон охирига етганларида Шафақ кўлини узатиб:

— Раҳмат, бу ёғига ўзим кетаман, — деди.  
— Шошма, уйингача элиб қўйман.  
— Етдим ҳисоб, бу ёғи яқин.

Шанар кўнмади, кўчанинг нариги юзидаги май-

донгача кузатиб борди. Шафақнинг узатган кўлини Шанар кўйиб юбормади:

— Энди кетаюлай, — деди қиз.  
— Яна бир пас тургин.  
— Нима, гапинг борми?!  
— Ҳа. Қамарнинг дафтаридаги расмингни кўрган эдим.

— Жуда ёмон тушгандим-да, ўшанда.  
— Нега энди, жуда чиройли тушгансан. Уша расмингда сен япон қизларига ўхшайсан. Шундоқ япоқ кизининг ўзи.

Шафақ гина билан қаради, ноз билан лабини бурди:

— Менга қайтиб бунақа дема.  
— Айтаман. Асл япон қизи...  
— Ажаб бўпти! Қуллуқ сенга! — Шафақ унинг сўзини чўрт кесди, ачиги чиққан кўйи юзини буриб кетди-қолди.

Шанар майдон бошида серрайиб қотиб қолди. Шафақ эшикни тарақлатиб ёпиб уйига кириб кет-

деб ҳамма суриштириб қолади, деган хаёлга бориб эсанкиради. Жиноят устида қўлга тушган одамдек бошини ҳам қилиб тураверди. Ҳеч кимдан садо чиқмагач, фаррош аёл Шафақ ўтирган партани кўрсатиб:

— Мана бу партанинг тагидан топган эдим, — деди-да, синфдан чиқиб кетди.


Шоҳиза опа кизнинг ёғига бориб:

— Сеникимиди, Шафақ? — деб сўради.  
— Ҳа! — Шафақ қизариб-бўзариб мунчоқни Шоҳиза опанинг кўлидан олди.

Танаффусга чиққанларида Шанар сариқ папкасини қўлтиқлаб, Шоҳиза опанинг ёғига келди. Бу орада бутун синф қизлари Шафақнинг атрофига тўпланганди.

— Бу мунчоқни қаердан олган эдинг?  
— Сеникимиди? Нимага бўлмаса индамай ўтирдинг?

— Бир кўрай, — дея чуғурлашарди қизлар. Ўқитувчи синфдан чиқатуриб, Шанарга қараб:



ди. Шу пайтда ёнидан бир қизил машина гизиллаб ўтди. Кимдир машина деразасидан бошини чиқариб бақирди:

— Қалай! Хотинингни кутяпсанми?!  
Шанар Неъманнинг овозини таниди.

...Биринчи соат Шоҳиза опанинг дарси эди. У орқага ўтиб, икки қаторнинг ўртасидаги деворга суяниб синфга қараб турарди. Шу пайт эшик очилиб фаррош аёл кириб келди.

— Шоҳизахон, мени кечиринг, — деди у. — Кеча йиғиштиратганимда мана буни топиб олдим, эгасига бериб қўйсангиз.

Фаррош Шанарнинг Шафаққа совға қилган ёғоч доналардан ясалган бир шода мунчоқни ўқитувчига узатди. Шоҳиза опа кўлидаги тақинчоққа ҳайрат аралаш қизиқиб тикилиб турди, сўнгра синфга қараб:

— Бу кимники? — деб сўради кулиб.  
Шафақ лоладек қизариб кетди, «меники» деб айтишга журъат эта олмади. Буни ким ҳада қилди,

— Гуржи ўртоқларингни қачон чақирмоқчисилар? — сўради.  
— Ваҳорда.

Ўқитувчи йўлига кетавермай тўхтаб қолди. Сўнг овозини пасайтириб гапирди:

— Сенга бир нарса демокчи эдим... Ҳалиги... Сайид қутилиб кетпими?..

— Ҳа, хабарим бор.  
— Неъман яна унинг таъсирига тушиб қолди.

— Шоҳиза опа, Сайид жуда ўзгариб қолипти.  
— Ишонмайман, Шанар, сира ишонмайман. Неъманни асраб қолиш керак. Ҳеч бўлмаса ўнинг синфни эсон-омон битириб олиши керак.

Шоҳиза опанинг овозида ҳаяжон, муҳаббат, хавотир сезилиб турарди. Бироқ шу чоқ уларнинг ёнларидан Неъман... яшин тезлигида ўтиб кетди.

— Кап-катта йигит бўлиб қолган, қаттиқ гапиршига кўнглинг бормайди, лекин ўзини ҳануз ёш боладек тутати, — Шоҳиза опа хаёл суриб қолди.

Инглиз тили дарсида кўчадан ҳуштак эшитилиши билан Неъман ўзини деразага олди, ўқитувчининг «ҳай-ҳай» лаганига парво қилмай, деразадан бошини чиқариб қўлини силқитди, кейин узр сўраган бўлиб, бориб ўрнига ўтирди. Уни зимдан кузатиб ўтирган Шанар ҳуштак чалган Сайид эканини пайқади. Кўп ўтмай Неъман қўлини кўтариб:

— Опа, эшикка чиқиб келсам майлими? Бир пасда қайтаман, — деди.

- Мумкин эмас!
- Илтимос, опа, фақат бир дақиқага.
- Мумкин эмас, дедимми, гап томон.
- Илтимос, қиламан. Ялиниб сўрайман...
- Неъман, дарсга ҳалал берма!

Жавоб бераётган учун инглиз тилини бузиб таллафуз қилганига Бек ўқитувчи тавзуни бир неча марта такрорлашга мажбур қилди. Яна ҳуштак овози эшитилди. Неъман яна ялиниб-ёлвориб руҳсат сўрай бошлади. Ўқитувчининг асабийлашганини кўриб, Неъман алам билан Қамар томонга ўтирди.

— Битта жумлани инглиз тилига таржима қилиб бера оласанми? — сўради у.

— Нимага қила олмайс эканман?! — Қамар қизиқшидан катта очилган кўзларини Неъманга тикди. — Эзиб бер, таржима қилиб қайтарман.

— Езишнинг нима ҳожати бор, ўқийман, сен таржима қил.

- Ўқийқол.
- Мен севишни истайман, севишни!

Қамарнинг йирик кўзларида ўт чақнади, Неъманнинг елкасига бир-икки мушт туширди.

— Опа, қаранг, Қамар мени уряпти! — йиғламираган бўлиб бақирди Неъман.

Улар томонга ўтирилган ўқитувчи ҳайратидан қотиб қолди:

- Қамар, бу нима қилганинг?

Ҳозиргина ўзини жабридийда қилиб кўрсатган Неъман, бу галабадан мамнун бўлиб ичида кулиб қўйди. Қовоғи осилган Қамар партага тегиб кетгундек бўлиб энгашди. Неъманнинг олдида ўтирган Зокир пичирлаб Қамарга тасалли берди, бироқ унинг ҳаракати зое кетди.

— Зокир, — чақирди ўқитувчи. — Қани, доскага чиқ-чи.

Сайид паст бўйли, чўтир, тарашадек озгин бир йигит эди.

Сочлари типратикон нинасига ўхшарди. Пальтосининг барини очиб у ёқдан-бу ёққа бориб-келиб турарди.

Бошланг, пальтосиз чиққан Неъманни кўриши билан:

— Қаёқда юрибсан?! — деб унга бақира кетди. — Шу ҳолингга қаёққа бормоқчисан? Шоптолиқоқи бўлиб қолсан-ку?

— Шоҳиза опанинг дарси эди, — деди ўзини оқлаб Неъман. — У синфдан чиқиб билан куён бўлдим. Пальтоим ҳозир келиб қолади. Ана, кўриб қўй.

Мактабнинг учинчи қаватидаги деразадан Зокир пальтони ерга йргитди.

- Папканг-чи?
- Адыютантим олиб боради.
- Кетингдан юрадиган анави болами?
- Ҳа, тезроқ юрақол, кўриб қолишлари мумкин.

Неъман адабиёт дарси бошланиши билан кўндек ювош тортган, қислиб-қимтини йўқдеккина бўлиб қолганди. Шоҳиза опанинг юрагига чиркириб борадиган ўтқир нигоҳи эса унга астойдил қадалганди. Неъман бошини кўтариб ўқитувчисига қарашга журъат этмасди. Ўқитувчининг жиддий турганини кўрган болалар, қандайдир бир муҳим ҳодиса юз беришини кутардилар. Шоҳиза опа Неъманни ўрнидан тургазиб:

— Нега кеча охири дарсдан қочиб кетдинг? — деб сўради.

Синфда пашша учса эшитиларди. Неъмандан эса садо чиқмади.

— Сендан сўрайман, нимага жавоб бермайсан? Еки кулоғинг оғир бўлиб қолди, Неъман? Қаёққа борганингни били мен айтиб беришим қаракдир?! Бу ахир биринчи марта бўлгани йўқ. Ҳушинг қаёқда?! Сайиднинг туркини кўришга тоқатим йўқ, лекин уни учратиб бир-ички оғинг ширин сўз айтишга мажбурман. Дарсдан қочишинг кифтини келтирасан, китоб ўқишинг эса урдасидан чиқмайсан. Ахир ҳозир ҳар дақиқанг олтинга тенг!.. Қани айт-чи, нега бугун дарс тайёрлаб келмадинг?

Неъмандан яна садо чиқмади. У ҳамон бошини ҳам қилиб сукут сақлаб қимир этмай турарди.

Шоҳиза опа куйиб-ёниб гапирар, унинг хуноб бўлишларидан ёш болага ёки қуйи синф ўқувчисига эмас, балки ўзинчи синф битирувчисига — эртага катта ҳаётнинг мураккаб йўлига қадам ташлай бошлайдиган — ўғлидек бўлиб қолган ўсмир тақдирига қуюнаётгани яққол сезилиб турарди...

Озарбайжон тилидан  
Сиддиқа Аъзамова ўзбекчалаштирди.

Республика прокурорининг ёрдамчиси,  
катта адлия маслаҳатчиси Файзулла  
Қиличев журналхонлар саволига жавоб  
беради.

**САВОЛ:** *Отам — Чўли Умаров 1982 йилда бир йил Нишон районидаги 9-совхозда бош бухгалтер бўлиб ишлади.*

*1985 йилда пахтадаги қўшиб ёзишлар оқибатида жиноий жавобгарликка тортилиб, етти йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Юқори ташкилотлардан шундай буйруқ бўлмаганда отам ҳам бу ишга қўл урмаган бўлар эди. Шуларни ҳисобга олиб, жазо муддатини қисқартириш мумкинми?*

Марҳабо УМАРОВА,  
Қашқадарё область,  
Қариш район,  
Ленин номи совхоз.

**ЖАВОБ:** Отангизни авф этиш ёки жазо муддатини қисқартиришларини сўраб, республика органларига мурожаат қилишга (Олий Совет, Суд Прокуратура) ҳақлисиз.

**САВОЛ:** *Мен турмуш ўртоғим Иззатилла Тиллаев билан район матлуот жамиятига қарашли магазинларда ўн йил бирга ишладим. 1984 йилда биз ишлаётган хўжалик моллари магазини Қорадарё қишлоқ матлуот жамиятига қарайдиган бўлди. Уша йили тайинланган бош бухгалтер Иброҳим Муҳаммадиев лимитдан ташқари молларни бошқа магазинга топширамиз, деб биз ишлаётган магазиндан ишонч қоғози билан 5311 сўм 70 тийинлик товар олиб кетди. Кейин билсак, ишонч қоғози сохта экан. Турмуш ўртоғим олти йил кучайтирилган режимда қамоқ жазосига ҳукм қилинди. 1986 йилда ишни қайта кўриб, жазо муддати тўрт йил, деб белгиланди. Шундан кейин икки марта Ўзбекистон ССР Олий Советига авф этишларини сўраб ариза ёздим. Бироқ у ердан рави жавоби олдим.*

*Ҳозир турмуш ўртоғим жазо муддатининг йигирма саккизинчи ойини ўтади. Бундан олти ой олдин эса, қолган муддатини ўташ учун Тошкентдан РСФСРнинг Красноярск ўлкасига ишга юборилди.*

*Мен болалар боғчасида ишлаб, 70 сўм маош оламан. Учта фарзандим бор. Кенжа фарзандим учун давлатдан 12 сўм нафақа оламан. Жаъми 82 сўм пулдан турмуш ўртоғимга кийим-кечак юборишим, боламнинг боғчасига, электрга, газга, уйга солиқ ҳам тўлашим керак.*

*Болаларим отасини кўргиси келади. Бироқ учта ёш болани Красноярскга қандай олиб бораман? Қолаверса, бунинг учун ҳам пул керак...*

*Ҳурматли редакция, эримнинг қолган жазо муддатини ўташи учун Ўзбекистонга кўчиришини иложи борми?*

Г. ТИЛЛАЕВА,  
Самарқанд область,  
Каттакўрғон районидаги  
«Правда» номи колхоз.

**ЖАВОБ:** Ҳурматли Г. Тиллаева!

Республика Олий Совети аризонгизни рад этган бўлса, сиз янада юқори — СССР Олий Советига мурожаат қилишингиз мумкин.

Каттакўрғон район социал таъминот бўлимига тегишли ҳужжатлар тақдим қилиб, боқувчингиз йўқлиги ва кам таъминланганлигингиз сабабли нафақа билан таъминланишга ҳақлисиз.

Маҳаллий маъмурий органлар ва юридик консультация бюросида сизга бу ҳақда тўлиқ маълумот берилади.

**САВОЛ:** *Мен 1987 йилнинг мартигача Қўшни қишлоққа турмушга чиққан, Москва номи колхозда ишлай бошладим. Шу йилнинг декабрида декрет отпускасига чиқдим. 1988 йилнинг апрелида бюллетеним тамом бўлди. Июль ойида эса 40 сўмгача пул олдим, холос. Сабабини суриштирсам совхозда ишлаган иш ҳақим колхозга ўтмайди дейишди. Шу тўғрими?*

О. ТЕМИРОВА,  
Самарқанд область, Хатирчи район,  
Москва колхоз, 3-бригада.

**ЖАВОБ:** Нафақа масаласида район прокуратурасига, судига, район касаба союз комитети ёки социал таъминот бўлимига учрашинг. Улар ишингизни ҳал қилиб берилади.

**САВОЛ:** *Катта тезликда келаятган энгил автомашина отамни уриб кетди. Отам бир ой касалхонада ётгач, вафот этди. Шу воқеага ҳам уч йил бўлди. Отамнинг ўлимига сабабчи бўлган Қурбонмурод Турсунов эса ҳамон жазолангани йўқ. Унинг делосини уч марта текширишди. Бироқ у ҳар сафар ёлгон кўрсатмалар бериб, қутулиб қоляпти.*

*Биз ҳақиқатни тиклаш учун нима қилишимиз керак?*

Н. ТИЛЛАЕВА,  
Қашқадарё область,  
Яккабоғ район,  
Яккабоғ қишлоғи.

**ЖАВОБ:** Ишни кўриб қилқан қиралардан олган жавобингизни илова қилиб, республика (Олий Совет, Суд, Прокуратура) органларига мурожаат қилинг.

**САВОЛ:** *Янги турмуш қурганимизда жуда иноқ яшардик. Бироқ орадан бир йил ўтгач бир-биримиз билан келишолмай қолдик. Қайнонам бизларни ўз уйига кўчириб кетмоқчи экан. Ҳаммаси ана шундан бошланди. Бир кун турмуш ўртоғим онасиникидан кетди. Уша кунми қўриб келмаси. Орадан бир неча кун ўтгач, онаси, қариндошлари ва милиция ходими билан келиб, менга улар билан бирга кетишимни ташлаб кеттишди. Мен қари отам-онамни кетганга келтирилганлигини айтдим. Онам ҳам уларни бу йўлдан қайтармоқчи бўлдилар. Шунда турмуш ўртоғимнинг Гулнора исмли онаси отган тош отамнинг пешонасини ёрди. Кейин улар рўзгор буюмларини машинага ортиб, жўнаб кетишди.*

*Уларнинг бу иши қонунга ҳилоф эмасми?*

И. БЕГНАЕВ,  
Қашқадарё область,  
Қамаши шаҳар,  
Қорасув кўчаси.

**ЖАВОБ:** Милиция ходимларининг иштироки оилада жанжал бўлиб, нохушлик рўй бериш эҳтимоли туғилмаслиги учун зарур бўлганлиги сабабли қонунга ҳилоф ҳисобланмайди.

Агар турмуш ўртоғингиз мулкни сизга тегишли қисмини ҳам олиб кетган бўлса, у ҳолда сиз халқ судига даъво аризаси беришингиз мумкин.

Отангизнинг пешонаси жароҳатлангани ҳақида эса Ички ишлар бўлими ёки прокуратура органларига мурожаат қилишга ҳақлисиз.

**САВОЛ:** *Отам қурилишда ишлар эдилар. Утган йили қозонхонада бўяётганларида йиқилиб тушиб, оғир жароҳат оқибатида вафот этдилар. Биз отадан 10 та фарзанд етим қолдик. Энг каттамыз эндигина 19 ёшга кирди. Отамнинг ўлимига ким айбдор?*

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов райони,  
Бирлик массиви, 14-мактаб ўқувчиси.

**ЖАВОБ:** Ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар касаба союз органлари қошида махсус техник инспекция томонидан текширилади. Сиз ёки оила аъзоларингиздан бири мазкур ҳужжат билан танишишга ҳақлисиз. Норози бўлган пайтда тегишли тартибда шикоят билдиришингиз, ҳатто прокуратура органларига тергов юритишни, масалани тўғри ечиб беришни сўраб мурожаат қилишингиз мумкин.

# ОТА-ОНА СИ ТАШЛАБ КЕТГАН ЁШ ШЕРЗОДНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ

— Агар янглишмасам, ўшанда 7 ёшда бўлиб, 1-синфда ўқирдим. Бир куни дадам кечқурун ишдан келиб, ойимни калтаклай бошлади. Мен дадамнинг жаҳли чиқишини биринчи марта кўришим эди. Дадам ойимни аямасдан калтаклар, у эса овоз чиқармай йиғларди. Бу ҳолни кўриб қўриб кетдим.

Нега ойим бувимни ёрдамга чақирмаяпти? Нега дадамнинг саволларига жавоб қайтармаяпти? — деган ўй билан эшикни очиб, ичкарига кирдим. Не кўз билан кўрайки, ойим қора қонга беланиб ётарди. Мен йиғлаб юбордим. Дадам чинқариб йиғлаётганимни кўриб мени уйдан ҳайдаб чиқарди. Қўрққанимдан бувимнинг олдига бориб, кўрганларимни айтиб бердим. Бувим «вой ўлмасам» деб чиқиб кетди.

Мен ўшанда жанжалнинг боиси нимада эканлигига ҳам, ойимнинг нима айб қилганига ҳам тушунмагандим. Кейинчалик билсам...

Шу ўринда дадамнинг зарда билан бувимга айтган гаплари ҳақон ёдимда: «Бу шарманда фақат ўзини эмас, мени ҳам бадном қилди, прокурор, Шодиев билан...»

— Йўқ, ёлгон, Қаҳҳор ака, ёлгон...

— Қўшнимиз Мурод кўрибди-ку, ахир, ё чақирайми?..

Эртаси куни бувим мен билан ойимни негадир автобусга чиқариб юборди. Бувим кузатаётди, ҳар галгидек менга: «Бувижонингга салом айтгин», ойимга эса: «Соғ бориб, омон қайтинг, қудамга салом айтинг», — демади.

Бувимникига кириб борганимизда энг аввал катта холамга дуч келдик. Ойим холамни қучоқлаб йиғлаб юборди. Холам эса ҳайрон бўлиб, «нима бўлди?» дан нарига ўтмасди.

Хуллас, биз дадамларникига қайтиб бормадик. Ойимни билмадим, мен дадамни роса соғинар, кўргим келарди. Ойимга бу ҳақда айтганимда жеркиб берарди. Мен дадам нима учун бизни қайтариб олиб кетмаётганига тушунмасдим, дадамни эслаб йиғлардим, дадамнинг иссиқ бағрига кириб ухлашни истардим. Шундай хаёлар билан бир кун дадамларникига қочиб кетдим. Эшикни бувим очди. Мени севган, доимо эркалатадиган бувим ҳозир бағрига босиб, тўйиб-тўйиб ўпса керак, деб ўйлагандим. Адашибман. Бувим эшикни қаттиқ ёпанча ичкарига кириб кетди. Бувимнинг шунчалик тошбағир бўлиб қолганлигига ишонгим келмасди. Ноилож орқага қайтдим.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас, ойим бир тўлагина эркакни етаклаб келиб, бувимга (ўзининг ойисига) таништирди, менга эса «Шерзоджон, сенга янги дада олиб келдим», деди. Мен аграйиб қолдим. Болалик хаёли билан «одам дадасини йўқотса, янги дада топиб оларкан-да», деб ўйлабман. «Янги дадам» менга қучогини очди. Мен эса ўзимни тиёлмай «ўзимнинг дадам керак, ўзимнинг дадамга бораман», деб йиғлаб юбордим.

Ойимнинг жаҳли чиқиб кетди:

— Нима, яна ўша аҳмоқ, бузуқ даданг керакми сенга? Шошмай тур, мен ҳали сенга «ўзининг дадангни» кўрсатаман...

— Қўйинг, Зебохон, жаҳлингиз чиқмасин, бола-да, вақти келиб ҳаммасини унутади, — ойимни юпатган бўлди бояги эркак.

Бувим менга ачинганиданми, уларга қараб: — Майли, турмуш қурсаларинг қаршимасман, лекин неварамни менга ташлаб кетасизлар, — деди.

— Йўқ ойи, Шерзодни ўзим билан олиб кетаман, — деди ойим.

Орадан кўп ўтмай биз «янги дадам»никига кўчиб кетдик. Шу ерда яшай бошладик, у кишининг уч ўғли бўлиб, Отабеги мен билан тенгдош экан.

Ойим менга эмас, негадир «янги дадам»нинг ўғилларига меҳрибон бўлиб қолганди. Мени эса

«дадамни соғиндим» деганим учун ҳам жеркиб ташларди.

Бу уйда сираям яшагим келмасди, дадамни соғинардим.

Кунларнинг бирида ҳеч кимга билдирмай, ўзимнинг дадамникига қочиб кетдим. Хайрият, дадам уйда экан. «Ҳозир қучоғига ўзимни отаман, тўйиб-тўйиб ўпаман», деб ўйловдим...

Мени кўриб дадам қовоғини уйиб олди. Сўрашмади ҳам. Сўкиб-сўкиб уйдан ҳайдаб юборди. Эҳ, дада, дадажон, мен сизнинг олдингизга не-не ниятлар билан борган эдим... Лоақал бир марта бағрингизга босиб, ўғлим, деб эркалатарсиз дегандим... Сизни қанчалик соғинганимни, тунлари ухламай хаёлан сиз билан суҳбатлашганларимни билмадингиз-а?! Нега бунчалик бешафқат, бағритош бўлмасангиз? Мен, мен, ахир сизни деб...

«Янги дадам»никига қайтиб келсам ойим қовоғини солиб кутиб олди. Кейин жаҳл билан сўроққа тутди. Қўрққанимдан эски — ўзимнинг дадамникига борганимни — ҳамма-ҳаммасини айтиб бердим.

— Кўрдингми, ўша ерга ҳам сени киритишма-



ган! — ойим шундай дея қўл-оёғимни боғлаб аямай урди. — Яна борасанми ўша дадангникига?!

Ойим мени калтаклаётганида «янги дадам» машинасида келиб қолди. У ҳам воқеани эшитди-ю, лекин менинг ёнимни олмади, қайтага «яна ўша номард дадасини эслаяптими, қаттиқроқ уринг, токи иккинчи дадам демасин», — деди.

Ойим уриб-уриб қолдан тойди. Аҳволимни янги дадамнинг ўғиллари томоша қилиб туришди.

Қонаётган бурнимни артиб йиғларканман, болалик ҳиссиётданми, шунча калтақдан кейин ҳам «дада» деб йиғлардим. Йиғлай-йиғлай қолдан тойдим, хушдан кетдим. Кўзимни очсам, тонг отибди.

Туни билан маслаҳатлашиб чиқишган чоғи, эрталаб ойим ва «янги дадам» «юр, даданга олиб борамиз» деб машинага ўтқазишди. Кечга яқин машина бир дарвоза ёнида тўхтади. Ойим билан «янги дадам» ичкарига кириб кетишди. Дарвоза ёнидаги русча сўзларни ҳижжалаб ўқидим: «Детский дом имени Макаренко, г. Ленин-абад».

— Туш, Шерзоджон, — деди бир вақт ойим

келиб. Негадир ойим шу топда менга меҳр билан боқиб турарди. Кейин билсам, бу кўзлардаги меҳр ёлгон экан.

Машинадан тушишим билан ойим мени кўтариб олди. Катта ҳовлида мен қатори ва мендан катта ёшдаги болалар ўйнаб юришарди.

Ойим мени бир хонага олиб кирди. У ерда «янги дадам» ва яна катта ёшлардаги бир аёл ўтирарди.

— Мана бу Хосият опа, — деди ойим.

— Агар бола рози бўлса, олиб қоламиз, — деди Хосият опа ойимга қараб.

— Шерзоджон, ақлли бола, биз уни эртага олиб кетамиз, хўпми? — дерди ойим. Бу гапдан қўриқиб кетдим.

— Виз билан қоласанми, Шерзоджон ўғлим, — сўради ҳалиги аёл.

— Қолмайман, ойижон, олиб кетинг, энди «дадамга бораман», демайман, ойижон, жон ойи, опкетинг мени, энди айтганингизни қиламан, йиғламайман, ойижон, мени ташлаб кетманг, — дея йиғлаб ўзимни ойимга отдим. Ойим менга парво қилмай, ҳалиги хотинга захрини сочди:

— Бола айтаверади-да, сиз олиб қолишингиз керак.

— Наҳотки, шу гўдак турмушингизга халал берса? — сўради аёл.

— Халал берадимми, йўқми, бу сизнинг ишингиз эмас, — дея ойим мени полга тешиб юборди. — Бизга керак эмас у.

Мен полга юзтубан тушдим. Йиқилганимга «янги дадам» ҳам парво қилмади. Хосият опа ирғиб туриб, мени полдан кўтариб олди:

— Болани бундай қийнаманг, ахир унда нима айб?

— Ҳамма айб шунда, — қўлини бигиз қилди ойим.

— Биласизми, биз қайтадан турмуш қурмоқчи эдик, — дея гап бошлади «янги дадам». — Мен истардимки ўзимнинг фарзандимиз бўлса. Биринчи хотинимдан бола йўқ эди.

Ё товба, қап-катта одам менинг кўз олдимда ёлгон гапирарди.

— Унда ариза ёзасизлар, — деди Хосият опа.

Улар нималарнидир ёзиб беришди.

— Болани энди қайтариб бермаймиз. У бизники бўлди, лекин унинг олдига келиб туриш сизнинг оналиқ бурчингиз, — Хосият опа ойимга шундай деди аста менинг бошимни силаб.

Мен ойимга маҳкам ёпишиб олдим: «Ойи, ойижон, мени ташлаб кетманг, ойижон, мени олиб кетинг».

Бирок, ойим мени итариб ташлаб, чиқиб кетди. Мен эргашмоқчи бўлгандим, Хосият опа ушлаб қолди:

— Ҳозир келади, ойинг...

Мен зор йиғлаб қолавердим...

Ёсимда, ўшанда бола эканман, ҳар куни дераза тагига келиб, ойимнинг, дадамнинг келишини орзиқиб кутардим. Келишмагач, йиғлардим. Ойимнинг «эртага келаман» деганини эслардим.

Кунлар кетишди кунлар ўтарди. Мен болалар уйдаги ҲАЕТга, ота-онанинг ширин сўзларидан маҳрум бўлган кунларга ҳам кўника бошладим. Тарбиячилар ўз онамиздек меҳрибон, жонкуяр эдилар. Бирок улар нечоғли меҳрибон, ширинсўз, хушмуомала бўлмасин, бари-бир ўз онанинг эркалатишига, меҳрибонлигига етмас экан...

Ҳар шанба, якшанба кунлари болалар уйи байрам бўлиб кетарди. Тенгқурларим кўргани келган ота-оналарини қучоқлаб кутиб олишарди, улар келтиришган совға-саломларни болаларга улаш-ётганини кўриб беихтиёр менинг кўзимдан ёш қуйилаверарди. Бунақа кезларда мен айниқса ҳар дақиқа ойимнинг ёки дадамнинг келишини кутардим. Эҳ, қани энди улар ҳеч бўлмаса бир марта келишсаиди... Нега келишмайди? Ахир мен уларга нима ёмонлик қилдим? Менинг гуноҳим, айбим нима?

Мен ҳам ойм, дадамнинг кучоғига кириб ўтиришни, олиб келган совғаларини дўстларимга улаштиришни орзу қилардим. Афсуски, ота-онамнинг меҳру-муҳаббатлари, тотли эркалаларидан жуда эрта жудо бўлган эканман, бунга кейинчалик ақлим етди.

Катта тарбиячимиз, болалар уйининг директори Хосият опа ҳар гал менинг дарвоза олдида кўчага тикилиб турганимни кўриб, гап билан чалғитганича алдаб олиб кетар, кечқурун ухлатаётиб, «бугун тушингда албатта ойнингни кўрин», деб бошимни силаб эркалалардилар. Мен чиндан ҳам тушимда оймни кўриш иштиёқи билан ухлаб қолардим.

Одам боласи ҳамма нарсага кўникар экан. Мен ҳам ойм ва дадам энди келмаслигига кўника бошладим. Шундай бўлса-да, ойм, дадамни анча — 7—8 йилча кутдим. Ойм Зебинисо Ҳамдамова ҳақида ўйлаганимда, бир нарсага эътибор берадиган бўлиб қолдим. Ойм мени билмасин ёки қидириб топиб келмасин, деб яқинроқдаги эмас, атайлаб уйимиздан 600 километр узоқда жойлашган Ленинобод шаҳридаги болалар уйига ташлаб кетган экан.

Бу дунёда ота-онасиз яшаш қийин, лекин начора. Одамларнинг «егим» деб турткилашлари ҳар сафар ярангни янгилар, бунга эса чидашнинг ўзи бўлмас экан... Етимлик ҳамма замонларда, ҳамма мамлакатларда кулфат экан.

7-синфда ўқиб юрган пайтимда (биз шаҳардаги ўрта мактабда ўқир эдик) фломастеримни олиб кўйган синфдошим Зулайҳодан қайтариб беришни сўраганимда у менга:

— Сен етимчага бундай зўр фломастерни ким олиб берди, қайтариб бермайман, бор кимга айтсанг айтавер, айтадиган, уришадиган на ойнинг, на даданг бор, — деганида қандай аҳволга тушганимни бир тасаввур қилиб кўринг-а. Ушанда Зулайҳога жавоб тополмай синфдан чиқиб кетдим ва қолган дарсларга ҳам кирмай, мактаб боғида тўйиб-тўйиб йиғладим.

Уша йили ўқиб юрганимда, директоримиз синфга кириб:

— Йўлдошев ким, — деб сўраб қолдилар. Мен директорнинг орқасидан эргашдим. Кабинетга кириб, не кўз билан кўрайки, у ерда дадам, ўзимнинг дадажоним ўтирарди.

Ўзимни дадамнинг кучоғига қандай отганимни, унинг юз-кўзларидан ўпа кетганимни ҳеч ким тасаввур қила олмайди. Аммо... дадам мени олиб кета олмаслигини эшитганимдаги ҳолатимни эсласам...

Болалар уйида мактабни битиргач, Тошкентга бориб, олий ўқув юртига кириб ўқишни орзу қилардим. 18 ёшга тўлгач, болалар уйи директори номига ариза ёзиб, болалар уйидан кетишга рухсат олдим. Болалар уйини тарк этар эканман, ўз уйимни ташлаб кетаётгандек бўлдим. Негаки, бу

ер мен учун 11 йил ўз уйим бўлди, шу ерда вояга етдим, тарбиячиларим менга ота-оналик қилдилар.

Биринчи йили омадим юришмади, имтиҳондан йиқилдим. Кейин Янгийўлга келдим. Пойабзал фабрикасига ишга кирдим, ётоқхонадан жой беришди. Ишга жойлашиб бўлгач, дам олиш кунларидан бирида Самарқандга бордим. Орадан шунча йиллар ўтгани учунми, кўчамиз, уйимизни эслай олмадим. Охири архив орқали оймнинг адресини топдим. У ерга боришга аҳд қилдим. Йўқ, бориб оймнинг ширин турмушини бузмоқчимасман, фақат бир марта кўриш иштиёқидаман. Адресда ёзилган уйни топгач, аста-секин хотирлай бошладим. Уша уй атрофида 2-3 кун юриб, оймнинг оиласи билан танишдим. Ойм билан ўғай дадамнинг 8 та қизи бор экан. Учинчи кунни Отабекни учратдим. У мени танимади. Саломлашгач, исмини сўраганимда:

— Отабек, — деди у босиқлик билан.

— Даданг қаерда ишлайди? — сўрадим ундан.

— Мана бу мактабда директор! — деди у тўғридаги мактабни кўрсатиб фахр билан.

— Ойингчи?

— Буфетда ишлайдилар.

Мен Отабек билан хайрлашиб, буфет томонга йўл олдим. Буфетда ойм газета ўқиб ўтирарди. Кирганимни пайқаб:

— Нима керак, ўғлим? — деб сўради.

Нима дейишимни билмай, лимонад очиб беришларини илтимос қилдим. Лимонадни ичар эканман, газета ўқиб ўтирган оймни зимдан кузатдим. Наҳотки танимади, наҳотки ўн бир йилда мени унутиб юборган бўлса, унутмаганда танирди, деб ўйладим. Ойм анча ўзгариб, тўлишиб кетибди. Буфетдан чиқаётиб, унинг эрига, ўғай дадамга дуч келиб қолдим. У менга бошқачароқ қарагандай туюлди.

Шу кунни Самарқанддан тезда кетдим.

1988 йилнинг декабрида болалар уйи директори Хосият Мақсудовадан хат олдим. Унда опа тез етиб боришимни сўрабдилар. Мен янги йил арафасида йўлга чиқдим.

Директор ойм билан ўғай дадам келганини, Хосият опадан мени қайтариб беришларини илтимос қилганликларини айтди. Хосият опа уларга эндиликда менга тарбиячи эмаслигини ва менга ўз сўзларини ўтказа олмаслигини айтибди. Ойм эса мени кўндиришни у кишидан илтимос қилибдилар.

Буни эшитиб ўйланиб қолдим. Ойм қандай режалар туздийкин, қайси мақсадда мени оиласига чақираётган экан, энди мустақил ҳаёт бошлаганимда нимага керак бўлиб қолган эканман? 8 нафар қизи бор экан, балки мени зор йиғлатиб кетгани учун ўғил кўрмагандир, деб хаёлларга бордим.

Ойингга газетада чиққан мақолаларингни кўрсатдим, — дея сўзини давом эттирди Хосият опа. — Йиғлади, олиб кетиб, нима деса ҳамма айтганини муҳайё қиламан, фақат мен билан яшаса бас, деди ойнинг, Шерзод.

— Сиз нима деб жавоб бердингиз?

— Сиз оналик ҳуқуқидан маҳрум этилгансиз. энди, Шерзодга оналик қила олмайсиз, суд қарори шундай, дедим, ўғлим.


Хосият опа сейфидан оймнинг аризаси, суд қарорини кўрсатди. Уларни синчиклаб ўқидим. Аризада ойм турмушига халал бераётганим ва уларнинг гапига қулоқ солмаётганимни ёзибди. Суддан мени болалар уйида қолдиришни сўраб, мendan ихтиёрий равишда воз кетганлигини маълум қилибди.

Бейхтиёр ўй сураман. Наҳотки ойм келажагимни ўшанда ўйламади? Ахир ўғай дадамнинг уч ўғли қатори ўсиб улғаярдим-ку?! Ушанда халал берган бўлсам, энди... халал бермайманми?

Хосият опага кўнглимдаги гапни айдим.

— Тўғри қиласан, Шерзод, — деди Хосият опа. — Сени шу кабинетга зор йиғлатиб кетганини сира-сира унута олмайман. Ушанда бундай тошбағир онадан газаблангандим. Сен тўқкан алам ёшлари бир кун севинч ёшларига айланишига ишонаман, ўғлим...

Кўзимдаги ёшни кўрсатмаслик учун Хосият опа билан тез хайрлашиб, Янгийўлга келдим. Келажагим ҳақида ўй сурдим. Вақти келиб армияга кетарман. Ушанда мени ким кузатиб қолади-а? Армияда юрганимда кимга севинч тўла мактублар ёзаман? Хизматдан қайтганимда ким мени кутиб оларкин? Ҳеч ким!.. Гарчанд ҳозир катта йигит бўлиб қолган бўлсам-да, юрагимда ана шу алам, армон мени изтиробга солади.



Шерзод ЙЎЛДОШЕВ,

1989 йил, март. Тошкент.



# АЛАМДИЙДА ҚАЛЪ ИЗҲОРИ

Гурбатда ғариб бўлмоқлик — ватан қайғусида яшамоқлик ҳар қандай қайғудан ортиқроқ ва оғирроқ

*Гурбатга солди чарх мени юз жафо била,  
Ед айла мен ғарибни гоҳе дуо била.*

Асрлар кўксидан отилиб чиқиб, юрагимизни ларзага солган бу нидо улуг саркарда, буюк шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур — «кўнгли тилаган муродга» етолмай бошини олиб «бир сорига» кетишга мажбур бўлган аламзада шоир Бобур қаламига мансуб.

Бобур девонини варақлар экансиз, ватандан йироқда, ҳижронда кечган аламдийда қалб изҳори вужудингизни титратиб юборади. Ҳаётнинг арзилмаган бир қийинчилигига чидаёлмай, кечагина ўзингизни «бахтсизлар» қаторида ҳисоблаб юргангиздан уялиб, ўзингизни энди беихтиёр «бахтлилар» сафига қўшасиз. Бобур ғазалларининг таъсир кучи шу даражада.

Эътибор беринг-а:

Бобур Аградаги Ҳашт Биҳишт боғида мрамрлар билан ишланган шийпонда ёлғиз ўтирибди. Чаман-чаман гуллар кўзни қамаштириб, кишининг баҳри дилини очади. Шу вақт шабада эсиб, гулларнинг япроқларини ҳар томон учириб юборади.

Ана шу ҳолат Бобурга ўз қисматини эслатмаптимикин? Ахир, унинг орзулари шу гуллар каби очилишга улгурмай, тақдир шамоли уни гуллар япроғи янглиғ киндик қони тўкилган Фарғона тупроғидан учириб юбормадими? Умр гули очилмай туриб хазон бўлмадими?

Мана шу дардлар ҳаммаси бир фарёдга айланганидан дунёга келмадимикан юқорида биз ўқитган мисра?!.

Гурбат, чархнинг жафоси, ғариблик.

Ким билади, дейсиз, балки шоирнинг кўз ўнгида Андижон чорбоғи гавдалангандир ўша чоқ. Хаёлан ватани билан сўзлашаётгандир. Ҳеч кимга айтолмаган дардларини ватани билан бўлишаётгандир шоир.

Нима бўлганда ҳам, чарх уни ватан жамолидан жудо этди, жудо этдию лекин ватан меҳридан айиролмади.

Бўлмаса, Европада «Буюк мўғул» империяси деб аталган салтанат бошлиғи ўзини ғариб, яъни ёрдиёрсиз бир мусофир дея олармиди?

Шоир «ўз юрти қолиб, Ҳинд сори юзланиши» ни чархнинг жафоси деб билди. Лекин ватанга қайтиш орзуси уни бир умр тарк этмади.

Бобур ватанини севимли бир «ёр» мисолида тасвирлайди. Ер кўйида чеккан ҳижрон азоби ватан кўйида чеккан ҳижрон азоби билан қўшилиб кетиб, бир бутунлиқни ташкил қилади. Ватанга фарзандлик илинжи билан мурожаат қилади:

*Беҳад вафову меҳр сенга кўрсатиб эдим,*

*Сен ҳам эслагасен мени меҳру вафо била.*

Яъни, гарчи мен сенга фарзандлик бурчимни адо этолмаган бўлсам ҳам, сенинг меҳринг қалбимни тарк этмади, унутмадим. Сен ҳам мен ғариб фарзандингни унутма, меҳру вафо билан хотирлаб тур!

Шеърийатнинг минг йиллик анъанасида ёр тимсоли — инсон қалбининг гўзалликка бўлган ташналигини, соҳир қудратга эга бўлган табиат олдидаги ҳайратини ва бу гўзалликлардан вақт топиб абадул-абадга маҳрум бўлишга маҳкум этилган жонларнинг ғусасини ифода қилиб келди. Шунинг учун ёр — гўзаллик тимсоли, бераҳмлиқ тимсоли, бевафолик тимсоли. Вамисоли дунё, тириклик, умр, жон каби (Э. Воҳидов, «Шоир шёъру шуур»).

Шоир ошиқ. У Чин гўзали ҳажрида оҳлар чекмоқда. Чин гўзали эса барча гўзаллар каби бераҳм, бевафо. Вечора ошиқ унга мубтало бўлган, лекин маъшуқасига етишиш чорасини тополмай, бутун орзу-умидлари пучга чиққан. Унинг олдида охирига нажот йўли бор, у ҳам бўлса — худога ёлбориш:

*Чун қилди мени ул буту Чин зору мубтало,*

*Ишим менинг қолибтурур эмди худо била.*

Бобур ёрнинг бераҳмлиги, Бевафолиги тимсолида қисматнинг бераҳмлигини, бевафолигини кўради. Гарчи ватанга қайтиш йўллари унинг учун берк бўлса-да, шоир сўнги — барибир ватанга қайтиш умиди билан яшайди.

Ул маъшуқа қанчалик бераҳм бўлмасин ошиқ уни бутун вужуди билан севади. Ҳаётининг ҳатто бирор дақиқасини унингсиз тасаввур этолмайди.

Ундан айроликдаги дамлари фақат қайғу-ҳасратда, шодлик кўрмай ўтишини таъкидлайди. У билан биргаликда кечирадиган дамларини эса қайғусиз, шодликда ўтган умр деб билади:

*Кўрман фараҳни агар андин айрумен,*

*Билман аламни бормен анинг бирла то била.*

Шоир учун ёр ва диёр тушунчалари бир моҳиятга эга, дедик. Ўз ватанидан узоқда, гурбатда яшаётган шоир она тупроғини қўмсаб, ўкинади. Агарда охириги илинжи — охи худога етиб, ватан ҳавосидан нафас олиш бахтига муяссар бўлса, кейинда кечадиган ҳаётининг барча аччиқ-аламларини шодлик ўрнида қабул қилишга тайёр.

Ошиқ ёр фироқида азоблар чекмоқда. Агар унинг висолига етмаса, ўзини инсонлик бахтига муяссар бўлмаган бир жон дея, маъшуқа билан кечадиган дамларини эса шодликда ўтадиган умрга тенглаяпти.

Маъшуқа-чи, у ўз ошиғи чекаётган азобларни билармикин? Ошиқда маъшуқасига рўбарў келиб аҳволни баён этишга сира имкон йўқ. Бу аҳволни қайси йўл билан ул гўзалга етказиш мумкин? Ошиқ энди ўз аҳволдан ул маъшуқани хабардор этишни сабадан сўрайди.

Ул бевафо гўзалликка сарвдек, лекин жуда мағрур. Шунинг учун эй сабо, дейди шоир, сен ул гўзал қошига борганидан сўнг ер ўпиб таъзим бажо келтир. Сал кўнгли юмшагандан сўнг Бобур ўтинчини унга етказ. Шоаяд, ул бераҳм раҳм айласа:

*Ул сарвага карам қилибон еткур, эй сабо,*

*Бобур ниёзини ер ўнуб хўб адо била.*

Сарвага ёлбориш, ўтиниш заминидан ўз ватани ва ватандошларига ўтинч ётади. Бу — ёд этиш, унутмаслик ўтинчи эди.

Даврлар ўтди. Назаримда, Бобур ўтинчи қабул этилди. Кўпчилик ватандошлари унга қалби тўридан жой ажратдилар. Ватанига шоирнинг ўзи келтирилмаган фарзандлик бурчини унинг китоблари келтирди...

Марьям ИШМУҲАМЕДОВА,  
ТошДУ толибаси.



Адабиёт  
ва  
биз

Нурилло ОТАХОНОВ

1. Ҳозирги ўзбек адабиётида ўзингизга энг маъқул 3 асарни санаб ўтсангиз.
2. Ҳозирги ўзбек адабиётини жаҳон адабиётига қисқасангиз.
3. Китоб ўқиш тажрибангиздан нича ўртоқлашсангиз.

*Ўтмишини, ўтмишда яшаб ўтган турли табақага мансуб кишилар ҳаётини чуқурроқ ва батафсилроқ билишда китобдан аълороқ восита йўқ. Гарсиа Лорка пьесаларини ўқиб Испанияни шу қадар яхши билиб олдимки, бу мамлакатга ўн марта саёҳат қилган тақдиримда ҳам бунчалик бой таасирот ололмасдим... Китоблар — ўзгалар қалбига очилган дарвозалардир!..*

Андре МОРУА

1. «Ўтган кунлар», «Сароб», «Рухлар исёни». Бу асарларнинг ёқиши сабабларини бир бошдан айтман десам, гап кўп. Битта-иккита умумий фазилатларинигина айтаюлай.

Абдулла Қодирий рўмонга ёзган сўзбошисида ҳарчанд камтарлик қилган бўлмасин, «Ўтган кунлар» ўзбекнинг пешонасига битган буюк неъмат бўлиб қолаверади. Халқимизнинг «Тоҳир-Зухро»лар, «Фарҳод-Ширин»лар... руҳида тарбия топганини ҳисобга олиб, ўзида ўша руҳда бир асар ёзишга ҳавас уйғонганини айтади адиб. Мундай қараганда, у бизга шунчаки анъанавий бир китоб ваъда қилапти. Аслида бу камтарона нияти нақадар юсак даражада амалга ошди! Демак, халқни ўйлаб, халққа яқин туриб ёзиш аслида қўрқинчли эмаскан, ҳамма гап истеъдодда экан. Қодирий-да истеъдод стихияси шу қадар қудратли бўлган

ки, бордию у атай қилганда ҳам «шунчаки асар» ёза олмасди. «Ўтган кунлар» ни «Ўтган кунлар» қилиб турган жиҳат ҳам унда тўла маънода ХАЛҚ руҳи акс этганлигидир. Ажаб зиддият: халқ даражасида туриб ёзилган асар шу халқнинг ўзини қандай юксакликка кўтариб юборди! Шунинг учун ҳам мен ғарбча, лотинамерикача адабиётни қўмсаб шовқин кўтараяётганларга унча тушунмайман. Аввало ўз халқимизнинг табиатидан чиқиб келиб, унинг руҳидан узоқлашмай ижод қилганимиз маъқул эмасми?

«Сароб» рўмонидай асарлар ҳам камдан-кам дунёга келади. Билмадим — замонлар ўтар, асримизнинг мураккаб 20-йиллари ҳақида китоблар яна кўп ёзилар, лекин барибир «Сароб» эскирмайди. Тилининг гўзаллигини, ифодасининг ранг-баранглигини, мукамал ишланган образларини-ку қўяверинг. Халқ тарихининг зўр бадий инъикоси сифатида ҳам у чўнг асардир! Жуда кўп саволларга ундан жавоб топасиз. Абдулла Қаҳҳорнинг буюклиги ҳам шунда.

Энди «Рухлар исёни» ҳақида. Кўпчиликка қандай, билмадим-у, масалан мен бу асарни ҳеч хотиржам ўқиёлмайман. Илк сатрлариданоқ сўзлар моддий қиёфасини йўқотади, руҳга айланиб юракни ҳаприқтираверади, ҳаприқтираверади. То кўзлар ярқ этиб очилиб кетмагунча. «Рухлар исёни» ни Эркин Воҳидов шеърийатининг гултожи деса бўлади. Бу асар ўз баҳосини олгани йўқ, адабиётшуносликнинг аҳволи шу бўладиган бўлса, ҳали-вери ололмаса ҳам керак.

2. «Жаҳон адабиёти» деган тушунча аслида мавҳум тушунчадир. Жаҳон адабиёти ўз-ўзича мавжуд бўлмайди. Алоҳида-алоҳида миллий адабиётлар мавжуд. Бинобарин, биз жаҳон адабиёти





# Навоий хонлик



Алишер Навоий халқнинг тинчлиги ва фаровон турмуши, элнинг манфаатдорлиги ва халқлар дўстлиги тарафдори эди. У бутун ижодий фаолиятини халққа бағишлади. Навоий сўз кучининг қудратига ишонди ва ҳар ақли-хуши ўзида бўлган одам ундан баҳра олишига, хулосалар чиқаришига умид қилди. Элнинг тинчлиги ва фаровон ҳаёт кечериши учун турмушда юз берадиган барча воқеа-ҳодисаларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш, дўстлик ва ҳамжиҳатлик қарор топиши учун ҳар бир киши ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақидаги насихатомуз панду ўғитларни юксак бадий шамойилларда ифодалаб халққа тақдим этди.

Беҳуда ва кўп сўзламакликка қарши бўлган Навоий ўз ижтимоий-фалсафий қарашларини ихчам шаклда, лўнда ва таъсирчан оҳангларда тўртлик ҳажмида ифодалай билди. У бундай тўртликларини «Хазойин ул-маоний» девонида жам қилди. Ундан кифояланмаган шоир тўртликлардан ташкил топган алоҳида асарлар ҳам яратди. Булар «Манзума» ва «Назмул-жавоҳир» асарларидир. Улардаги 350 га яқин тўртликларда инсоннинг ҳар томонлама мукамал, етук бўлиши учун қандай фазилатларга эга бўлмоғи лозимлиги ҳақидаги фойдали маслаҳатлар ифодаланган. Элнинг яхши ҳаёт кечериши учун аввало одамларнинг ўзи олий инсоний сифатларга эга бўлмоғи лозим деб билади Навоий.

Булар поклик ва ростлик, одоблик, ширинсўзлик, ота-онага ҳурмат, катта-кичикка иззат, саҳийлик, одамларга яхшилик қилиш, ваъдага вафо, дўстлик ва ҳамкорлик, илмлилик ва ҳунарни эгаллаш ва шу кабилардир.

Навоий ўз ўқувчисини юксак инсоний фазилатларга эга бўлишини орзу этиб, унга шундай ҳислатларни сингдиришга ҳаракат қилади.

Одамлар фақат шахсий манфаатлари қобилигига ўралиб қолмай, кўпчилик ғамини ейиши, халқнинг манфаатлари йўлида хизмат қилиши, элга фойдаси тегадиган ишларни амалга оширишлари керак. Навоий элга энг кўп фойда келтирган киши энг яхши одамдир, деб ҳисоблайди ва ана шу мазмунни таъсирчан ифодалар билан шеърга солади.

*Халқ аро яхшироқ дединг, кимдур*

*Эшитиб шубҳа айла раф ондин.*

*Яхшироқ они бил улус ароким*

*Кўпрак ўлғай улусқа наф ондин.*

خلق اراينشى راق ويدىنك كيم دور  
ايشيتب شبه ايله رفع آندين  
يخشى راق آنى بيل اولوس آراكيم  
كوپراك اولغاي لولوسته نفع آدين

Навоий ўз ўқувчисидан ҳаётда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмасликни, қузатувчанлик ва ҳушёрликни талаб қилади.

*Элга не келса айламас парво,*

*Улки кўнглини қилди гафлат банд.*

*Кимки панд олди элга тушгандин,*

*Они билким эрур саодатманд.*

ايلاكانى كينك ايلاماس پروا  
اولك كونكلىنى قىلدى غفلت بند  
كيم كه پند آدى ايلكا توشكاندين  
آنى بيل كيم ايرور سعادت مند

Гафлатда қолган одамлар эл бошига тушган ташвишдан хулоса чиқармайдилар. Кимки одамлар бошига келган офатнинг сабабларини тушуниб етса ва унинг олдини олса у бахтлидир. Ёмон аҳволда қолмаслик учун аввало ўзгалар хатосини такрорламаслик керак, деб ўқдиради шоир.

Илм олиш ва уни яна бировга ўргатиш лозимлиги ҳақида Навоий:

*Эй хирадманд олимеким, санга*

*Илмдин рўзий айлади сонег.*

*Киши ўрганса қилмағил маҳрум,*

*Еки нафъ олса бўлмағил монег, —*

ای خردمند عالمی که سنکا  
علم دین روزی ایلاوی صانع  
کیشی اورکانسا قیلماغیل محروم  
یاکه نفع آلسا بولماغیل مانع

дейди. Эй ақли одам, сенга бирор олим илмдан сабоқ бердими, уни эгаллашинг керак. Урганган билимларингдан ўзгалар ҳам баҳраманд бўлсин. Биров сендан билим оламан деса бахиллик билан қаршилиқ қилма, деб ўргатади шоир.

Навоий мукамал инсоннинг ҳислатларидан бири касб-ҳунарли бўлиш деб ҳисоблайди. У ўз ҳалол меҳнати билан кун кўрувчи, жамият манфаати учун садоқат билан ишловчи, халқ бахти саодати учун курашувчи, соф виждонли, инсофли касибу деҳқонлар, ҳунармандлар энг яхши, олижаноб инсонлардир деб билади.

*Косиб кунжи кафи зар олғанчи эрур,*

*Икки қўли мезони дирамсанжи эрур.*

*Ким бўлса ҳунарсиз иши-ўқ ранжи эрур,*

*Бу важҳ илаким эр ҳунари ганжи эрур.*

كاسب كنجى كفى زر الغنچى ايرور  
يكى قولى ميزان درم سانجى ايرور  
كيم بولسه بندرسيز ايشى اوق بنجى ايرور  
بو وجه ايلكيم اير غنرى كنجى ايرور

Кишининг ҳунари туганмас бойликдир. Навоийнинг касиблар, ҳунармандлар ҳақидаги бу фикрлари унинг меҳнаткашларга бўлган ҳурматини кўрсатади. Унингча, меҳнат бахтли ҳаёт манбаидир. Жамиятнинг бойлиги ҳам меҳнатдандир.

Ҳурматли Навоийхон дўстлар, ўтган олти мажлисимизда араб алифбоси билан танишиб чиқдик. Оз бўлса-да, ҳарфларни қўшиб ўқишга машқ қилдик. Ушбу мақолада улғу шоиримиз тўртликларини бобомиз Навоий ўз қўли билан битган ёзувда ҳам ёнма-ён келтирдик. Бу ҳам эски ўзбек ёзувини ўрганишда ўзига хос машқ вазифасини ўтайди.

Маъмура РАШИДОВА,  
ЎзССР ФА Ҳ. Сулаймонов номидаги  
Қўлёмалар институти илмий ходими.





Эркалар ва аёллар ўртасида энг мақбул иттифоқ тузиш масаласи бутун инсоният тарихида одамларни доимо ўйлантириб келган. Хўш, қандай қилинса икки жинс вакиллари яхшироқ, аҳилроқ, мазмунлироқ ва гўзалроқ турмуш кечириши мумкин? Ҳозирги оилавий муносабатлар етарли даражада такомиллашганми? Такомилига эришган бўлса у ҳолда нима сабабдан ажрашаётган, пароканда бўлаётган оилалар бу қадар кўп? Наҳотки, яқин орада оила қуришнинг ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган бўлакча шакл-шамойилларини излашга тўғри келса? Ахир, бизнинг тасаввуримиздаги ҳозирги оила ўтмишда не-не турфа хил оилавий муносабатлар, формаларни бошдан кечирмаган дейсиз!

Келинг, оила қуриш, оила бўлиб яшаш тарихига бир назар ташлайлик-а!

Дастлабки оилалар ҳали ер юзидан давлатлар ва на миллатлар шаклланган қадим ибтидоий даврларда вужудга келган. Жуда кам сақланган маълумотларга қараганда ўша пайтларда гуруҳ-гуруҳ эркак ва аёллар бир оила бўлиб яшаган. Бундай оилаларда тартибсиз жинсий муносабатлар ҳукм сурган. Бора-бора оталар ва болалар ўртасидаги жинсий муносабатларга йўл қўйил-

Осиёнинг бошқа бир халқларида қизларини йил бўйи Анаитис ибодатхонасига жўнатиб, у ерда кўнгиллари хушлаган эркак билан муносабатда бўлганча уни қонуний никоҳга бериш одат бўлган. Ушбу муносабатлардан йўқилган маблағ ибодатхона хазинасига тушган. Ҳиндистоннинг хо, сантал, панджа ва котар қабилаларида ҳам турмуш қуришдан бурун бегона эркаклар билан яшаш урфи бўлган. Африканинг айрим қабилаларида эса тўйда иштирок этаётган эркак меҳмонлар келинчак билан жинсий муносабатда бўлишгач, сўнг у куёвга тақдим этилган.

Бизнинг ҳозирги тушунчаларимизга мутлақо ёт бўлган бундай одатлар, иримлар қиз болани неча ёшидан эрга бериш одатларида ҳам кузатилади.

Одатда қиз бола жисмонан ва психологик жиҳатдан этилган пайт турмуш қуриш учун энг қулай муддат ҳисобланади. Ҳаддан ташқари эрта турмуш қуришнинг саломатлик учун, туғилмак фарзандлар учун талай салбий оқибатлари мавжудлиги ҳозир қарийб ҳаммага аён ҳақиқат, албатта. Айни чоғда беҳад кеч турмуш қуриш ҳам ўз навбатида яхши эмас.

20—40 ёшда она бўлиш, 22—45 ёшда ота бўлиш одатда нормал ҳол ҳисобла-

оила қуриш масаларида она ҳам, бўлажак келинчак ҳам ўз фикрини айтмайди. Уларда бу масалани эркакларнинг ўзлари ҳал этадилар. Ота бўлмаса тўнғич ака, у ҳам бўлмаса, энг яқин қариндошларнинг эркаги ҳал қилади. Австралияликларда севиб, кўнгил қўйиб турмуш қуриш деган гаплар йўқ. Эркак иқтисодий аҳволи етарли бўлса уйланади, аёл учун эса эр турмуш қийинчиликларини (уй-жой, тирикчилик ва ҳоказо) енгилда кўмакчи ҳисобланади, холос. Икки жинс вакиллари иттифоқда аввало бир-бирига кўрсатиши мумкин бўлган кўмаги эътиборда тутилади.

Меланезияликларда эр-хотинлик муносабатларида ўзини эмин-эркин, ҳур тутишга катта аҳамият берилади. Лекин бундай феъл-атвори намоён этишнинг ҳам қонун-қоидалари бор. Масалан, нозик туйғулар сўзлар ёки имо-ишоралар билан ифодаланмайди. Эркак билан аёл ҳатто қўл ушлашиб юриши ҳам жамоатчилик томонидан қаттиқ таънага қолади. Эр-хотин бир-бирига лоақал кулиб қараш, кўз сузиши ҳам ман этилади.

Энди ўрта аср Хитойига ўтайлик. У ерда никоҳ тўйларида ажойиб-ғаройиб ҳодисалар юз берган. IV асрга доир

тининг оғирлиги бунга йўл қўймаётган эмиш.

Японча оила анъаналари ҳақида гапирганда 1966 йилги воқеа хусусида тўхталмай иложи йўқ. Мучал ҳисобида кўра ўша йили «ўтли от» дея номланган. Одатдаги от йилидан фарқли ўла-роқ ўтли от йили 60 йилда бир келиб, шу йилда ёнғин кўпаяди, туғилган қизлар бўйсунмас, мустақил бўлади, деган ақида сақланган. Иримнинг қучини қарангки, 1964 йилданоқ, матбуот, радио, телевидение ўтли от йили яқинлашаётганини айтиб ваҳима кўтарган. 1965 йили никоҳ тўйлари кескин камайиб кетди, оила қурганлар ҳам фарзанд кўришдан сақланишга уринганлар. Утли от йили эса шаҳарлараро телефон суҳбатларида ота-оналар ўғил-қизларига «фарзанд кўрмай туринглар» деган мазмунда панд-насихат қилишдан тинмаганлар. Дорихоналарда ҳомила булишдан сақлайдиган воситалар қолмаган, 1966 йили туғилган қизлар эса... 1967 йил ҳисобидан ҳужжатга қайд этилган.

Хитойда оила қуриш чоғида қиз ва йигитнинг қайси мучал йилида туғилгани ҳам жиддий ҳисоб-китобга олинган. Масалан, йўлбарс йилида туғилган қиз билан қўй йилида туғилган йигит



маган, лекин бир оила фарзандлари ўзаро оила қуриши табиий бир ҳол ҳисобланган.

Навбатдаги оилавий қонуниятлар ака-опалар ўртасида оила қуриш анъанасига чек қўйди. Турли катта-кичик чеклашлар пайдо бўла бошлагани сайин гуруҳ-гуруҳ бўлиб оила қуришда қўрилмаган зиддиятлар, англашилмовчиликлар келиб чиққан. Бунинг натижаси ўлароқ бир эркак ва бир аёл ўртасида иттифоқ тузиш одат тусини ола бошлаган. Тўғри, шунда ҳам эркак учун ўзга аёллар билан оила қуриш имтиёзи сақланган, бундай имтиёзни орзу қилган аёл эса шафқатсиз жазоланган. Бироқ оилани тарк этиш ҳуқуқи иккала томон учун ҳам бирдек сақланган.

Эркак ҳуқуқи устун қўйилган бир никоҳли (моногам) оила ижтимоий иқтисодий шарт-шароитлар маҳсули ўлароқ вужудга келди. Энди яқка ҳуқуқий ҳукмронлик фақат эркак томонга ўтди.

Оила тарихига назар солинса, эркаклар ўз табиатида кўра полигин, яъни бир вақтда бир қанча аёл билан яшашга мойил эканлиги кўринади. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб оила қуриш даврларидан сақланиб қолган бу одат ҳали-ҳануз турли кўринишларда сақланиб келади. Иқтисодий-ижтимоий имкониятлар ортгани сайин эркаклар ана шундай «ожизлик»ларини намоён қилиб кўядилар. Мазкур ибтидоий майл кейинчалик ўзгачароқ тус олди — бир эркак бир неча аёл билан қонуний никоҳда бўлиши рад этила бошлагач, қонунсиз яшаш одати келиб чиқди. Эрсиз аёллар никоҳда бўлмаган эркаклар билан муносабатда бўлиш одати ҳам гуруҳ-гуруҳ бўлиб яшаш босқичларининг асорати эди. Пул учун танани сотиш дастлаб диний одат бўлган: бобиллик аёллар йилига бир марта Милет (Кичик Осиёнинг ғарбидаги) шаҳар ибодатхонасида эркаклар билан муносабатга киришганлар. Олд

нади. Ёшроқ эр-хотинлар фарзандлари соғломроқ бўлиб туғилиши ҳам исботланган. «Фалон ёшдан сўнг турмуш қуриш мумкин эмас» деган ақида бўлмаса-да, қизлар оила қуришни 24—25 ёшдан кечиктирмаганлари маъқул.

Неча ёшдан оила қуришга рўхсат берилиши турли халқларнинг урф-одати, маҳаллий-табиий шароитларига боғлиқ (қиз боланинг балоғати шу омилларга боғлиқ). Масалан, Австралияда 14 ёшдан, Испания, Марказий ва Жанубий Америкадаги қатор мамлакатларда 16 ёшдан уйланишга, 12 ёшдан эрга тегишга рўхсат этилади; бу чегара Францияда эркак учун — 18, қизлар учун — 15 ёш; Англияда ҳар иккала жинс 16 ёшдан оила қуриш ҳуқуқига эга; италиян йигитлари ҳам шу ёшдан уйланиши мумкин бўлгани ҳолда, қизлар 14 ёшдан ихтиёрлари ўзларида, ғарбий Германияда йигитлар 21 ёшдан, қизлар 16 ёшдан, АҚШда йигитлар турли штатларда 15—21 ёшдан, қизлар 14—18 ёшдан оила қуришлари мумкин. Энг юқори чегара Хитойда белгиланган, яъни у ерда қизлар 23 ёшга етгач, йигитлар 25 ёшдан сўнггина оила қуриш ҳуқуқига эга бўладилар.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам бу чегара турлича. Агар йигитлар 18 ёшдан бу ҳуқуқни қўлга киритсалар, озар, арман, украин қизлари — 16, ўзбек қизлари — 17, бошқа республика қизлари учун эса 18 ёшдан оила қуришга рўхсат берилади. Қизлик ифратини сақлаш дастлаб яҳудийларда жуда қаттиқ талаб даражасига кўтарилган. Турмуш қургунига қадар ифратидан айрилган қизлар ҳалойиқ ўртасида тошбўрон қилиб ўлдирилган. Қизини шундаки, ифрат пардаси бузилмай туриб турмушга чиқиш номуслиқ ҳисобланган жойлар ҳам бор дунёда...

Оила қуриш шартларининг хилма-хиллиги борасида ҳам ғаройиблар мавжуд. Чунончи австралияликларда

манбалардан бирида шундай ҳикоя сақланган: «Халқ орасида «келинчак устидан кулиш» деган одат сақланган. Тўй куни қариндош-уруғ даврасида унга не ердаги ҳаёсиз саволлар берилади ва ундан энг бепарда жавоблар айтиши талаб қилинади. Савол-жавоблар шу қадар тубанлашадими, азбаройи уларни қоғозга ёзиш қийин. Баъзан келинчакни калтаклашди, баъзан оёғидан осиб қўйишди».

Шимолӣ Хитойда келиннинг қариндошлари куёвни бошлаб савалайди. Шимолӣ Хитой қироли Ци Гао Ян уйланаётганда келин томон аёлларидан бири жон-жаҳди билан калтаклаётганини сезиб, «сени ўлдираман!» деб дўқ қилишдан ўзини тутолмай ҳам қолган экан.

Оила қуришдаги қадимий урф-одатларга садоқат бобида японлар бой анъанага эга. Улардаги энг катта ўзига хослик — оила масалалари билан эркаклар шуғулланишидир. Ҳатто ҳозирги айрим жузъий ўзгаришларга, эркинликларга қарамай эркакнинг гапи — гап! У ерда қиз — ота-онага, хотин — эрга, бева эса — тўнғич ўғилга бўйсунмиш қатъий қонун тусига кирган. Эркаклар хотинини сенсирайди, хотинлар эса эрини сизсирайди. Қиз бола қизалоқлик чоғидан тобелик руҳида тарбияланади. Қиз бўйи етган сайин бегона хонадонга бориб ташвиши тушаверади унга. Агар келин қайнона билан тил топиша олмаса, у номусларга қолади ва ота-она уйига қайтариб юборилади.

1946 йили Японияда хотин-қизлар ҳуқуқини кенгайтирувчи имтиёзлар янги қабул қилинган Конституцияга киритилди. Шунга қарамай амалда эски урф-одатлар кўпроқ ҳукм сурмоқда. Айрим тадқиқотларга қараганда кўпгина хотинлар оиладаги тобеликка тоқат қилолмайдилар, эрдан ажрашишга ҳам тайёр эмишлар. Бироқ турмуш шароит-

(ахир йўлбарс қўйни еб қўяди-да!) оила қуриши ҳосиятсиз ҳисобланган. Илон йилида дунёга келган йигит билан сичқон йилида туғилган қиз ҳам оила қуриши маслаҳат кўрилмаган. Йўлбарс ва аждаҳо, сигир ва ит йилларида туғилганлар иттифоқи ҳосиятли саналган.

Шундай қилиб инсоният тарихида тинч-хотиржам, аҳил-тотув оила қуриш авлодлардан-авлодларга ўтиб келган энг катта ташвишлардан бири бўлиб қолган. Муваффақиятли оила қуришда ҳар бир оила шарт-шароити, миллий-маҳаллий урф-одатлар, ижтимоий келиб чиқишлар, қизиқишлар, савия ва психологик омиллар ва талай ҳоказо омиллар ҳисобга олинмоғи керакки, бу, оила қуриш асослари тинимиз ўзгариб, шаклланиб, турфа кўринишларга эга бўлишида ўз ифодасини топади. Мавриди келганида биз ёш журналхонларимизга бир неча савол билан мурожаат этмоқчимиз.

1. Ўзга жинс вакиллари неча ёшдан эътибор бера бошлагансиз?
2. Ўзингизнинг ташқи кўринишингиздан кўнглингиз тўқми?
3. Неча ёшингизда севги изҳор қилгансиз?
4. Қиз бола (ўғил бола) билан оила қуриш мавзусида жиддий, босиқ суҳбат кўра оласизми?
5. Оила қуриш муаммолари ҳақида кимни ўзингиз учун яқин маслаҳатчи деб ҳисоблайсиз?
6. Оила қуришга доир ҳозирги қонунлар ва ўз анъаналаримиз мукамалми? Ўзингизни оила қуришга тайёр деб ҳисоблайсизми?

Саволларга жавоб ёзганда исми шарифингизни кўрсатиш-кўрсатмаслик — ихтиёрингиз. Фақат ёшингизни ва қайси жинсга мансублигингизни билдириб қўйсангиз бас. Конвертга «Ҳадемай оила қурасиз» рубрикасига деб ёзиб қўйинглар.

Ойбек НАЖИМОВ, психолог.

## ИМТИҲОНЛАРГА ШАЙМИСИЗ?

Маълумки, ёзма имтиҳонларда бериладиган топшириқлар барча олий ўқув юртларида бир хил эмас. Масалан: олий техника ўқув юртларига кирувчилар учун бериладиган топшириқлар билан педагогика институтларига кирувчиларга бериладиган топшириқлар бир-биридан мураккаблик даражаси бир хил эмаслиги билан фарқ қилади. Лекин сўнгги йилларда кўпгина олий ўқув юртларида ёзма имтиҳонларда берилётган топшириқларни анализ қилганимизда уларда кўпинча арифметик ҳисоблашларга, алгебраик ифодаларни соддалаштиришга, алгебраик тенгламани ечишга, иррационал тенгламани ечишга, тенглама ёки тенгламалар системасини тузишга олиб келувчи масалаларни ечишга, тригонометрик тенгламани ечиш ёки тригонометрик айнаётган исботлашга, кўрсаткичли тенглама ёки логарифмик тенгламани ечишга, кўрсаткичли ёки логарифмик тенгсизликни ечишга, дифференциал ҳисоб татбиқига, планиметрия бўлими, стереометрия бўлими бўйича (тригонометрик функцияларни татбиқ қилиш ёрдамида ечиладиган) топшириқлар берилётганлигини кўрамиз.

Хўш, уларни бажаришда абитуриент нималарга эътибор бериши керак?

Биринчи типдаги топшириқни мукаммал ҳал қилиш учун абитуриентлар оддий ва ўнли касрлар, оддий касрни ўнли касрга ёки ўнли касрни оддий касрга айлантириш, улар устида бажариладиган амаллар, чексиз даврий ва даврий бўлмаган ўнли касрлар ва чексиз даврий ўнли касрни оддий касрга айлантириш қоидаларини мукаммал эгаллаган бўлишлари керак. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, кўпчилик, ҳатто мактаб математика ўқитувчилари ҳам чексиз даврий ўнли касрни оддий касрга алмаштиришда қўйналадилар. Қўйида биз чексиз даврий ўнли касрни оддий касрга алмаштиришга доир мисолларни кўриб чиқамиз.

1.  $0,(13)$  чексиз даврий ўнли касрни оддий касрга айлантириш керак бўлсин. Бу касрни  $X=0,(13)=0,131313\dots$  деб ёзиш мумкин. Бу ерда даврда 2 та рақам ва давр вергулдан сўнг бошланяпти, шунинг учун  $X=0,131313\dots$  ни ҳар 2 ла қисмини 100 га кўпайтирамиз.  $100X=13,131313\dots$   $100X$  дан  $X$  ни айирамиз.  $100X-X=13,131313\dots-0,131313\dots=13$ ,  $99X=13$ ,  $X=13/99$

Демак,  $X=0,13=13/99$  экан.

2.  $X=2,(273)$ . Бу ерда даврда 3 та рақам бўлиб давр вергулдан сўнг бошланяпти.  $X=2,(273)$  ни ҳар 2 ла томонини 1000 га кўпайтирамиз.  $1000X=1000 \cdot 2,(273)=1000 \cdot 2,273273\dots=2273,273273\dots$   $X=2,(273)=2,273273\dots$   $100X$  дан  $X$  ни айирамиз  $1000X-X=2273,273273\dots-2,273273\dots=2271,999X=2271$ ,  $X=2271/999=757/333$

Демак,  $X=2,(273)=757/333$

3.  $X=0,2(54)$  бу аралаш даврий касрдир. Соф даврий каср ҳосил қилиш учун уни ҳар 2 қисмини 10 га кўпайтирамиз.  $10x=2,(54)$ . Бу касрни юқоридаги касрлардагидек оддий касрга айлантириш мумкин. Энди қўйидаги топшириқни бажариш қийинчилик туғдирмайди.

Иккинчи типдаги топшириқларни тўлиқ ҳал қилиш учун битирувчидан қисқа кўпайтириш айнаётлари, каср рационал ифодалар ва уларни умумий маҳражга келтириш, квадрат учҳад ва уни кўпайтувчиларга ажратиш, бутун, каср кўрсаткичли даражалар ҳамда уларнинг хоссалари билан мукаммал танишган бўлишлари талаб қилинади. Бу типдаги топшириқларнинг намунаси сифатида қўйидаги топшириқни келтириш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган тушунчалар мукаммал

ўзлаштирилгандан сўнг бу топшириқни бажариш қийинчилик туғдирмайди.

Учинчи типдаги топшириқларни бажаришда ўқувчидан  $ax+v=0$ ,  $ax^2+bx+c=0$ ,  $ax^4+bx^2+c=0$  кўринишдаги ва бу кўринишга келтирилдиган тенгламалар ва уларни ечимлари ҳақидаги тушунчаларни мукаммал билишлари талаб қилинади.

$$1/a + 1/(a+x) + 1/(a+2x) = 0$$

кўринишдаги тенгламани айтилган типдаги тенгламаларни намунаси сифатида қараш мумкин.

Тўртинчи типдаги топшириқни бажаришда илдининг арифметик қиймати тушунчаси; чизиқли тенгсизликлар ва тенгсизликлар системасини ечиш усуллари билан таниш бўлишлари талаб қилинади.

Физика, механика, экономика ва бошқа кўпгина амалий фанларнинг масалаларини ечиш тенгламалар ва тенгламалар системасини тузиш ва уни ечишга келтирилади. Шунинг учун ҳам кўп олий ўқув юртларида бундай масалаларни ёзма имтиҳонда тавсия қилиниши бежиз эмас. Бундай топшириқлар бешинчи типдаги топшириқлардир.

Тенгламалар ёки тенгламалар системасини тузишга олиб келадиган масалалар кўпинча қўйидаги тартибда ечилади:

1)  $x, y, z$  ўзгарувчилар орқали масала шартдаги топилуши талаб қилинган номаълум миқдор ёки номаълум миқдорни топиш учун зарур бўлган миқдорлар белгиланади;

2) киритилган ўзгарувчи миқдорлар ва масалада берилган миқдорлар ёрдамида тенглама ёки тенгламалар системаси тузилади;

3) тузилган тенглама ёки тенгламалар системаси ечилади ва у ечимлардан масаланинг мазмунига мос келадиганлари ажратилади.

Бу типдаги топшириқлар намунаси сифатида қўйидаги масалани келтирамиз.

Велосипедчи 30 км йўл босиши керак эди. Велосипедчи тайинланган вақтдан 3 минут кеч йўлга чиқиб, 1 км/соат ортиқ тезлик билан юрди ва борадиган жойига ўз вақтида келди. Велосипедчининг тезлиги топилсин.

Ечиш: Велосипедчининг тезлигини  $x$  км/соат деб олсак, у ҳолда 30 км масофани  $30/x$  соатда ўтиши керак. Лекин у 3 минут кеч йўлга чиққанлиги туфайли  $(x+1)$  км/соат тезлик билан юриб 30 кмни  $30/(x+1)$  соатда ўтди. Шартга кўра  $30/x - 30/(x+1) = 3$  минут ёки  $30/x - 30/(x+1) = 1/20$  соат тенглама ҳосил бўлади.

Бу тенгламани ечиб изланган тезликни топиш мумкин. Яъни,  $600x + 600 - 600x = x^2 + x^2 + x - 600 = 0$   $x_{1,2} = (1 \pm 49)/2$ ,  $x_1 = 24$ ,  $x_2 = -25$ .

Жавоб: 24 км/соат.

Олтинчи типдаги топшириқ тригонометрик тенглама ёки тригонометрик айнаётдан иборат бўлади. Бу топшириқни тўлиқ ҳал қилиш учун битирувчилардан бир аргументнинг тригонометрик функциялари орасидаги алгебраик муносабатларни, иккиланган ва ярим бурчакнинг тригонометрик функцияларини; тригонометрик функцияларни ярим бурчакни тангенсини орқали ифодалаш формулаларини; тригонометрик функциялар йнгиндисини (айирмасини) кўпайтмага алмаштириш ёки аксинча формулаларни, келтириш формулаларини тригономет-функцияларнинг хоссаларини мукаммал ўзлаштирган бўлишлари талаб қилинади. Бундан ташқари битирувчилар тригонометрик айнаётларни исботлаш усуллари ҳамда  $\sin x = a$ ,  $\cos x = a$   $|a| \leq 1$ ,  $\operatorname{tg} x = a$ , ва  $\operatorname{ctg} x = a$  кўринишдаги энг содда тригонометрик тенгламаларни ечимларини ёза билишлари талаб қилинади.

Масалан:  $(1 - 2\cos^2 J) / \sin J \cos J = \operatorname{tg} J - \operatorname{ctg} J$  айнаётни исботлаш талаб қилинган бўлсин.

Исбот: Чап томондаги ифодани мумкин бўлган алмаштиришлар ёрдамида ўнг томондаги ифода кўринишга келтирамиз.  $(1 - 2\cos^2 J) / \sin J \cos J = (\sin^2 J + \cos^2 J - 2\cos^2 J) / \sin J \cos J = (\sin^2 J - \cos^2 J) / \sin J \cos J = \sin^2 J / \sin J \cos J - \cos^2 J / \sin J \cos J = \sin J / \cos J - \cos J / \sin J = \operatorname{tg} J - \operatorname{ctg} J$ .

Демак, айнаёт исбот бўлди.

Еттинчи типдаги топшириқ кўрсаткичли ёки логарифмик тенгламадир. Бу тенгламаларни ечишда битирувчидан кўрсаткичли ва логарифмик функцияларнинг хоссалари, логарифмлар ҳақидаги теоремалар, логарифмлаш ва потенциаллаш ҳамда логарифмнинг бир асосидан бошқа асосга ўтиш формулаларини билиш талаб қилинади.

Саккизинчи типдаги топшириқ кўрсаткичли ёки логарифмик тенгсизликлардир. Бу тенгсизликларни ечишда ҳам битирувчидан кўрсаткичли ва логарифмик функцияларнинг барча хоссаларини мукаммал билишлари талаб қилинади.

Тўққизинчи типдаги топшириқ дифференциал ҳисоб татбиқига доир бўлиб, бу топшириқни бажара олишлари учун битирувчилардан функциянинг муҳим хоссалари: жуфт-тоқлиги, даврийлиги, узлуксизлиги, узилиш нуқталари, экстремал қийматлари, ўсиш ва камайиш оралиқларини аниқлай билишлари ҳамда функция графигининг бирор нуқтасига ўтказилган уринма тенгламасини туза олишлари талаб қилинади. Бу типдаги топшириқлар намунаси сифатида қўйидаги мисолларни келтирамиз.

1.  $f(x) = 3x - x^3$  функциянинг  $[-2, 3]$  кесмадаги энг катта ва энг кичик қиймати топилсин.

2.  $f(x) = 4x^2 - 6x$  функция текширилсин.

3.  $f(x) = (3x - 4) / (2x - 3)$  функция графигининг  $M/2; 2 /$  нуқтасига ўтказилган уринма тенгламаси тузилсин.

4.  $f(x) = 2x^2 - x + 5$  функция графигига абсциссаси  $-0,5$  га тенг бўлган нуқтадан ўтказилган уринма тенгламаси тузилсин.

Намуна сифатида сўнги мисолни ечишга тўхталамиз.

Маълумки  $y = f(x)$  функциянинг  $M_0(x_0; y_0)$  нуқтасига ўтказилган уринманинг тенгламаси  $y - y_0 = f'(x_0)(x - x_0)$  формула ёрдамида тузилади. Бизда  $X_0 = -0,5$  бўлиб  $Y_0$  эса маълум эмас. Лекин  $Y_0$  ни топиш учун берилган функциядаги  $X$  нинг ўрнига  $-0,5$ ни қўйиб топиш мумкин, яъни  $y_0 = f(x_0) = f(-0,5) = 2(-0,5)^2 - (-0,5) + 5 = 2 \cdot 0,25 + 0,5 + 5 = 0,5 + 5 + 5 = 6$ .

Демак,  $Y_0 = 6$ .  $y'(x_0)$  ни топиш учун эса  $y' = f'(x)$  ни ҳисоблашимиз керак.

$$y' = f'(x) = (2x^2 - x + 5)' = 4x - 1$$

$$y'(x_0) = y'(-0,5) = 4(-0,5) - 1 = -2 - 1 = -3$$

$$y - 6 = -3(x + 0,5), \quad y - 6 = -3x - 1,5,$$

$$y = -3x + 4,5$$

Учинчи ва ўн биринчи типдаги топшириқлар геометриянинг планиметрия ва стереометрия бўлимларига доир бўлиб уларни бажариш учун бу бўлимлардаги барча теоремалар ва формулаларни билиш лозим.

Мактаб математика курсини мукаммал эгаллаб олган бўлсангиз юқорида санаб ўтилган топшириқларни тўла ҳал қила оласиз. Демак, кириш имтиҳонлари баҳолари ҳам юқори бўлади. Шунинг учун ҳам ҳаммаларингизга имтиҳон беллашувларида муваффақият тилаймиз.

Тургуной ЖАЛОЛОВА,

физика-математика фанлари кандидати,

доцент,

Раҳимжон ҲОШИМОВ,

педагогика фанлари кандидати.

Аҳмаджон АҲЛИМИРЗАЕВ.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти

Анджон филиали ўқитувчиси.

## Математика:

Учинчи тур жавоблари

1. Ҳар қандай икки хонали сон  $XU = 10x + u$  кўринишда ёзилиши мумкин, бунда  $X$  — ўнлар хонасининг рақами,  $U$  — бирлар хонасининг рақами. Шартга биноан  $U = X + 5$  бўлганлиги учун


$$(10x + u)(X + U) = 243$$

ёки

$$(11x + 5)(2x + 5) = 243$$

Бу квадрат тенгламани ечиб  $X = 2$  ни топамиз (Иккинчи илдизи манфий бўлганлиги учун масала шартини қаноатлантирмайди). Шундай қилиб, ўнлар хонасининг рақами 2, бирлар хонасиники эса 7 бўлади. Демак, 27 изланган сон бўлади.

2. Берилган ABC учбурчакнинг медианалари AD ва BE бўлсин. AD = 20 см, BE = 30 см (1-расм).



AC = 2x, BT = 2y бўлсин. ADC ва BCE тўғри бурчакли учбурчаклардан

Пифагор теоремасига кўра қўйидагиларга эга бўламиз:  $AC^2 + DC^2 = AD^2$  ва  $BC^2 + CE^2 = BE^2$ .

$$4x^2 + y^2 = 400,$$

$$x^2 + 4y^2 = 900.$$

Бу системани  $x > 0$ ,  $y > 0$  бўлганда ечиб

$$X = \frac{2}{3} \sqrt{105}, \quad y = \frac{8}{3} \sqrt{30}$$

Сўнгра  $S = \frac{1}{2} AC \cdot BC$  ёки  $S = 2xy$  юза формуласига биноан учбурчакнинг юзини ҳисоблаймиз. Де-

$$\text{мак, } S = \frac{160}{3} \cdot \sqrt{14} \text{ см}^2.$$

3.  $X_1$  ва  $X_2$  квадрат тенгламанинг илдизлари бўлсин. У ҳолда  $X_1^2 + X_2^2 = 61$ ,  $X_1 + X_2 = -P$ ,  $X_1 X_2 = 30$  ларни ёзиб оламиз. Сўнгра  $(X_1 + X_2)^2 - 2X_1 X_2 = 61$

$$\text{ёки } (-P)^2 - 2 \cdot 30 = 61.$$

Бундан  $P^2 = 121$ , яъни  $P = \pm 11$ .  $P = -11$  да  $X^2 -$

# Профессор Собиров



Профессор Мардон Аюбович Собиров... республикамиз математиклари бу номни ҳамиша чуқур ҳурмат билан тилга оладилар. Нега? Гап шундаки, кўплар уларнинг қўлларида студент, аспирант бўлиб сабоқ олган бўлса, кўплар улар ёган китобларни ўқиб, билимини чуқурлаштирган. Кўрдигизми, мўътабар олимимиз математика тараққиётига ўзларининг салмоқли хиссаларини қўшган. Сиз, бўлажак математиклар ҳам келгусида профессорнинг ижодидан баҳраманд бўласиз, албатта. Шунинг учун ҳам Мардон Аюбовичнинг ҳаёт йўли билан чуқурроқ таништириб ўтмоқчимиз.

Мардон ака 1909 йил, 15 июлда Самарқандда, дурадгор уста оиласида таваллуд топдилар. 1922 йилгача эски (диний) мактабда, сўнгра совет мактабида таҳсил олди. 1924 йили бошланғич маълумот эгаллагач, ВЛКСМ сафига кирди ва

Самарқандда саводсизликни тугатиш ҳаракатида актив қатнашди. Шаҳар комсомол комитетининг Болалар бюросида ишлади, айна пайтда Самарқанд область газетаси «Зарафшон» ва республика ёшлари газетаси — «Ёш ленинчи»нинг штатсиз мухбири бўлди.

1926 йили шаҳар комсомол комитети Собировни ЎзССР Халқ таълими комитетининг Москвадаги ишчилар факультетига ўқишга юборди. У мазкур факультетни 1930 йили, 1935 йили эса М. В. Ломоносов номли Москва давлат университетининг математика бўлимини тамомлади. Меҳнатсеварлиги, илмга чанқоқлиги учун МДУнинг аспирантурасига қолдиришди, профессор Я. С. Дубнов раҳбарлигида шар конгрессиялари тензор назарияси ва уч ўлчовли Евклид фазоси сиртидаги тўрлар назариялари билан шуғулланиб, 1938 йили кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу Урта Осиё ва Қозоғистон республикаларида геометрия бўйича ёқланган биринчи диссертация эди. Шу сабабли М. А. Собировни Совет Урта Осиёсининг биринчи геометри дейиш мумкин. Мардон Аюбович ўша йили Ўзбекистонга қайтди ва Самарқанддаги Ўзбекистон давлат университетининг физика-математика факультетида доцент, кейнчалик шу факультетнинг декани бўлиб ишлади.

Улуғ Ватан уруши бошлангач, Ўзбекистон Давлат университети Урта Осиё давлат университети (ҳозирги Тошкент Давлат университети) билан бирлаштирилди. М. А. Собиров 1941 йилнинг ноябридан Урта Осиё давлат университетининг механика-математика факультетининг декани, умумий математика ва геометрия кафедраларининг мудирини лавозимларида ишлади. Ҳозир эса геометрия ва топология кафедрасининг мудирини, М. А. Собиров ўзининг 50 йилдан ортиқ педагогик фаолиятида республикамиз ва қардош Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистон республикалари учун жуда кўп математиклар тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшди. У бутун фаолияти давомида университетлар ва педагогика институтлари учун ўзбек тилида дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратишга катта эътибор бериб келяпти. Профессор Мардон Аюбович А. Я. Юсупов билан ҳамкорликда «Дифференциал геометрия курси»ни яратди. Д. И. Перепелкиннинг «Элементар геометрия»си, Г. М. Фихтенгольцнинг икки томлик «Математик анализ асослари» китобларини ўзбекча нашр этилишида М. А. Собиров ўзининг моҳир таржимон эканлигини кўрсатди.

Мардон Аюбович 1950 йили Н. Ф. Четверухиннинг «Геометрик яшаш методлари» номли қўлланмасини катта ўзгартиришлар, қўшимча машқ ва

масалалар билан ўзбек тилида нашр этди. Бу китоб узоқ йиллар педагогика институтлари учун ўқув қўлланмаси вазифасини ўтади.

Урта мактаблар учун яратилган математика дарсликлари ва ўқув қўлланмалари ҳам Собировнинг эътиборидан четда қолмади. Урта мактаб ўзбекча дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ё Мардон Аюбовичнинг таржимасида, ёки махсус муҳаррирлигида нашр этилади.

Устознинг ўзбек математик терминологияси соҳасидаги ишлари ҳам диққатга сазовор. Унинг бу борадаги биринчи иши 1952 йилда «Русча-ўзбекча терминологик лугат» номи билан нашр қилинди. Маълумки, терминология соҳасида Т. Н. Қориниёзовдан сўнгра ҳеч ким шуғулланмаган эди. 1970 йили Тошкент Давлат университети нашриётида Мардон Аюбовичнинг «Русча-ўзбекча математик лугат», 1973 йили эса «Ўқитувчи» нашриётида «Математикадан русча-ўзбекча лугат» китоблари босмадан чиқди.

Кейинги йилларда математиканинг тез суръатлар билан ривожланиши, янги соҳалар вужудга келиши туфайли янги терминлар пайдо бўлди. Бу ўз навбатида Собиров лугатини қайта ишланишини тақозо қилар эди. У 1983 йили ўз лугатини қайта ишлаб «Математик фанлардан русча-ўзбекча лугат» номи билан қайта нашр этди.

М. Собиров Ўзбек Совет Энциклопедиясидаги геометрияга оид 120 га яқин мақола муаллифи. У бир неча хорижий тилларни билади, бу эса унинг ўрта аср Урта Осиё математикаси тарихи билан шуғулланишида катта имконият яратди ва Урта Осиё математикаси тарихини ўрганган ўндан ортиқ фан номзодларига раҳбарлик қилди.

Мардон Аюбович уч марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғига сазовор бўлди ва «Улуғ Ватан урушидаги меҳнат жасорати учун» (1945 й), «СССР Қуrollи кучларининг 70 йиллиги» (1988 й) медаллари билан мукофотланди.


1970 йили унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи», 1980 йили эса профессор унвони берилган.

Мардон Аюбович ўзи яшаб ўтган ҳаёт йўлидан мамнун, ширин-шакор неварачеваларнинг босиб, Ўзбекистон ССРда математика фани ривожига ва математик кадрлар тайёрлашга катта ҳисса қўшган жонкуяр олим.

Азимбой САЪДУЛЛАЕВ,  
физика-математика фанлари доктори, профессор,  
ТошДУ математика факультетининг декани,  
Абдуманнон АБДУРАҲМОНОВ,  
физика-математика фанлари кандидати, доцент,  
ТошДУ математика ўқитиш методи кафедрасининг мудирини.

— $11x+30=0$  тенгламага эга бўламиз. Бундан  $X_1=5$ ;  $X_2=6$  илдизларни топамиз.  $P=11$  да  $X^2+11x+30=0$  тенгламага эга бўламиз. Бундан  $X_3=-5$ ,  $X_4=-6$  ларни топамиз. Жавоб:  $X_1=5$ ,  $X_2=6$ ,  $X_3=-5$ ,  $X_4=-6$ .

4. Фараз қилайлик қиррасининг узунлиги а бўлган куб берилган бўлсин. (2-расм). Қарама-қар-




ри а ва 2 а дан иборат тўғри тўртбурчакдан  $AC_1^2 = AA_1^2 + A_1C_1^2$  ёки  $AC_1^2 = a^2 + (2a)^2 = 5a^2$  Бундан эса  $AC_1 = a\sqrt{5}$ .

Шундай қилиб, кубнинг сирти бўйича энг қисқа масофа  $a\sqrt{5}$  бўлади. Шунини таъкидлаш лозимки, А дан  $C_1$  гача бундай масофалар 6 та. Лекин берилган кубда бунақанги қарама-қарши учлари жуфти тўртта бўлганлиги учун ҳам бунақанги қисқа масофаларнинг умумий сони 24 га тенг. Жавоб:  $a\sqrt{5}$ , бунда а — кубнинг қирраси узунлиги.

5.  $m^2+8m-85=(m+4)^2-101$ . бўлганлигидан  $\Delta m+4=101$  к бўлганда берилган сон 101 га бўлинади. Демак,  $\Delta m=101k-4$  бўлганда, яъни  $K=2,3,4,5,6,7,8,9$  қийматларида  $\Delta m$  уч хонали сонлар бўлади. Шундай қилиб,  $m=198,299,400,501,602,703,804,905$  сонларини топамиз.

Б. РИХСНОВ,  
Н. ҚУРҒОНОВ тайёрлаган.



ши учлари А ва  $C_1$  ларда пашшалар бўлсин. Кубнинг сирти бўйлаб энг қисқа йўлни топиш талаб қилинади. Бу йўл АЕ ва  $EC_1$  синиқ чизиқлар йиғиндисининг энг кичик қийматига тенг бўлади. Бу қийматни топиш учун кубнинг ёйилмасидан фойдаланамиз. Ёйилманинг бизга керак қисмини олиш кифоя. (3-расм) Төмонларининг узунликла-



# БИЧИШ-ТИКИШНИ ЎРГАНАМИЗ


Қизлар гўзал бўлишни истайдилар. Гўзаллик, улуғ ёзувчи А. П. Чехов таъкидлаганидек юзи, кўзи, юриши...да эмас, балки кийинишида ҳам намоёндыр. Аммо дид билан гўзал кийинмоқ ҳамманинг кўлидан келавермайди. Бичиқчи ёки чеварниқига, ательега қатнаб, вақтини кетказгандан кўра қизларимиз озгина меҳнат қилиб, ўзлари чевар бўлиб олишлари мумкин. Шу мақсадда йил давомида азиз журналхонларимизга бичиш-тиқишни ўргатишни режалаштирдик. Дарсни Тошкентдаги И. Охунбоев номи маданият уйи ўқув плани асосида ташкилладик. Биринчи дарс:

## Чоклар қоидаси

1. Кўклаш чоки: кийим қисмларини хомаки бириктириш, маълум чизиғини аниқлаб қўйиш, пухта тикиладиган жойларини хомаки бириктириб кўриш, бурмаларни хомаки тикиш ва примеркага тайёрлашда кўклаш чокидан фойдаланамиз. Кўклаш чокининг узун-қисқалиги материалнинг қалин-юпқалигига қараб белгиланади.


1. 2 мм.
2. 0,5 см.
3. 1 см. атрофида

(1-расм).




II. Беркитилган чок: кўйлак, юбка, блузка, жакет ва шу кабиларнинг орқага қайтарилган этакларини, шим почасининг орқага қайтарилган қисми ва бошқаларни тикишда қўлланилади. Игна ўнгдан чапга томон санчилади, кийим сиртига чиқарилмай мато ипидан оҳиста қадаб олинади, кийимнинг ичкари томонида қайтарилган жойи қирғоғига ипни қаттиқ таранг тортмай тикилаверади. Бунда мато рангидаги ипак иплардан фойдаланилади.

(2-расм)



III. Қўлда закрутка қилиш: мато зеҳларини доимий мустаҳкамлаб қўйиш ва ситилиб кетишдан сақлашда, катталар ва болалар киймига тўр тикишда ишлатилади. Чок қисқа, сиқик қилинади.


(3-расм)



IV. Мустаҳкамловчи чок: аёллар кўйлаги, жакет-юбкалари, эркаклар шимининг ички чоклари тикилади. Тўқима иплари титилиб кетмаслиги учун машина чокидан сўнг ишлатилади. Бу чокнинг узун-қисқалиги материалнинг қалин-юпқалигига боғлиқ бўлиб, 3 хил кўринишда бўлади:

1. Қия йўрмалаш
2. Йирик петлясимон чок
3. Бутсимон чок.

(4-расм)



Икки қисм зеҳи устма-уст қўйилиб, зеҳ бўйлаб чапдан ўнгга томон тикилади, иккала матонинг бир ипи устидан бир меъёрда текис тикилиши керак.

(5-расм)



VI. Материалга мағиз қўйиш (адип), аёллар ва болалар кийимларини чиройли қилиш учун безак сифатида ва баъзи бир қалин материалларда мустаҳкамловчи чок ўрнида ишлатилади.


(6-расм)



VII. Салқи чок: бу чок кийимнинг биринчи қаватидан иккинчи қаватига андоза чизиқларини, яъни виточка, бел чизиғи, бўкса чизиғи ва бошқа белгиларни кўчиришда қўлланилади. Игна ўнгдан чапга томон қадалади. Ип таранг тортмайди, 1—1,5 см. ҳалқалар ҳосил қилинади. Кейин икки қисм кериб,

улар орасидаги ип қирқилади. Қисмларда қолган ип учлари бир қисмдан иккинчисига кўчирилган чизиқ йўналишини кўрсатади.

(7-расм)



VIII. Машина чоклари ва оддий чок: оддий икки қават материал четидан 1—1,5 см. қолдириб тикилади ва икки ёққа текислаб дазмолланади. Бу чок оддий ва асосий чок бўлиб, барча асосий қисмларни бириктириб тикишда ишлатилади.

(8-расм)



IX. Ички кийимлар чоки: бу чокда кийимнинг уланадиган қисмлари устма-уст қўйилиб тикилади. Бироқ устки қисмдан остки қисми бир оз (0,5 см.) энлироқ тикилади. Биринчи машина юргизилгач, бояги ортиқча қисми қайтариб, четидан 1 мм. қолдириб машинада тикилади. Бу чокда эркаклар кўйлаги ва болалар ички кийимлари тикилади.

(9-расм)



X. Ичига олинган чок: бу чок табиий ва сунъий, ипакли ҳамда юпка, тез титиладиган материаллардан кийимлар тикишда ишлатилади. Чойшаб, ёстиқ жилд, кўрпа жилдларини тикишда ҳам фойдаланса бўлади. Бу чокда материал устма-уст қўйилиб четидан 3—4 мм. қолдириб, ўнгидан машина юргизилади. Сўнгра материални тескари томонидан ағдариб, четидан 5—6 мм. қолдириб машинада тикилади.

(10-расм)



XI. Бантовой ва майда складка: бу чок аёллар блузкасида, кўйлак ва юбкаларни безашда ишлатилади.

(11-расм)




XII. Қистирма чок: бу чок кўк-ракбурма (кокетка)ли кўйлакларнинг енгига манжет улашда, эркаклар ва болалар кўйлакларининг (финка) енгини тикишда ишлатилади. Бунда уланган чок ичида қолиб, кўринмайди.

(12-расм)



XIII. Петлялар: петлянинг кийимдаги ўрни, катта-кичиклиги, бири иккинчисидан яқин-узоқлиги фасонга, тугманинг катта-кичиклигига боғлиқ. Петля чокини бош-лашда ипнинг бошланган учи кўринмаслиги учун материал орқасидан чиқариб олинади. Аввало енгил йўрмалаш чокида тикиб чиқилади, сўнгра асосий петля тикилади. Петлялар уч хил кўринишда бўлади.


1. Қирқма петля. (13-расм. А, Б).



2. Тасмадан тикиладиган петля (14-расм).



3. Ипдан тўқилган петля. (15-расм).



Мавлуда ТОШПҮЛАТОВА  
Дилором АЛИЕВА



### Қиздиришсиз қотишма

Хаттоки хона ҳароратида ҳам металллар қотишмасини ҳосил қилиш мумкин. Илгари бу шароитда ўзаро таъсир этиш имкони йўқ деб ҳисобланганди. СССР Фанлар Академияси электрохимия институти олимлари амалий кашфиётлари натижаларидан бири ана шундай. Улар сув эритмаларидан электр токи ўтишида мусбат ионлар илгари ҳисобланганидек, катод юзасида эмас, кристалл панжарада электрсиэланганини исботладилар. Натижада электродда ўзига хос қотишма қатлами ҳосил бўлади.

### Оловга қарши

Чорқирра ёғочни ўтга чидамли ҳолга келтириш учун махсус аралашма билан центрифугада айлантиришгина кифоя. Бундай одатдан ташқари усулни белорусиялик мутахассислар таклиф этдилар. Мазкур шароитда суюқ, ўтга чидамли модда босим пасайиши юзга келиши билан ёғоч марказига майда капиллярлар ҳолида интилади. Бу одатдаги сингдириш усулларида тез ва самарали амалга оширилиши билан афзал. У ёнмайдиган мебель ва бошқа соҳаларда қўлланилиши мумкин.

### Азот микробга қарши

Украиналик физиклар ишлаб чиққан усулга мувофиқ азот системали совутиш авторефрижераторлари яратилди. Суюқ азот буғи зарур ҳароратнигина сақлаб турмай озик-овқат маҳсулотларини микроорганизмлардан ҳам ҳимоя этади.

### Мис ўрнига алюминий

Грузин мутахассислари алюминий ва мисни пайвандлашнинг тежамкор усулини ишлаб чиқдилар. Бунда кучсиз портлатишдан фойдаланилади. Металл зарралари секундига бир неча юз метр тезликда тўқнашиб ўзаро молекуляр ва атом даражасида уланади. Бундай технология электр ўтказгичларини улашда қўлланилиб, бирмунча қиммат ва камёб мис ўрнига алёминийни қўллаш имкониятини яратади.

### Паҳлавон — дизель

«Коломанск заводи» (Москва обл) бирлашмасида 2300 от кучига эга бўлган дизель двигателлари ишлаб чиқарила бошланди. Бу 12-цилиндрли мотор 180 тонна юк кўтарадиган «БелАЗ» самосвалида муваффақиятли синовдан ўтган бўлиб, тепловозлар учун шунингдек кучли бурғилаш агрегатларида фойдаланилиши мумкин. Дизелнинг 16 цилиндрли вариантнинг қуввати яна ҳам кучли бўлади. У ўрнатилган машина 270 тонна юкни элита олади — самосвалнинг бу модели конструкторлар томонидан ишлаб чиқилмоқда.

### Лазер ва нефть

Қозғистонлик кимёгарлар нефть маҳсулотларининг физик ва кимёвий таркибини нефтли пробирка ичидан ўтадиган лазер нури ёрдамида тезкор анализ қилиш усулини ишлаб чиқдилар. Анализдан мақсад нефть у ёки бу ашё кўшилиб ишлатилгандаги «фелъ-авторини» аниқлашдан иборат. Бу масалан, мураккаб жараёнларни ажратишда жуда зарур. Лазерли спектроскопия усули хом ашёни такомиллаштириш имкониятини яратади.

Ф. ОРИПОВ тўплаган.

# МУШТАРИЙЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Телефон устма-уст безовта овоз беради. Демак узоқдан. Ҳушёр тортиб, дастакни кўтарамиз.

— Алло, бу «Ёш куч»ми? Мен Абдурасул Раҳимов деган боланинг онаси бўламан. Уш область Араван район Бобур кўчасидаги 151-уйдан телефон қиялман. Нимадир чалкашлик бўлиб, журналга йил бошидан обуна бўлмай қолдик. Почтага борсак учинчи сондан бошлаб ола бошлайсиз дейишяпти. Илтимос, 1, 2-сонларини бизга юборсангиз. Киоскаларда «Ёш куч» сотилмайди.

Бу илтимоснома Тошкентнинг Хадра майдонидаги киоски ёнида бўлиб ўтган воқеани ёдга солди:

— Ҳов ака, сиз «Ёш куч»да ишлайсизми?

— Нимаиди? — дейди журнал ходими ҳайрон бўлиб.

— Журнални кўпроқ чиқарсайлар бўлмайдимми?

— 330 минг чиқаряпмиз-ку.

— Сотувда йўқ, сотувда! — Худди бу «йўқ»ликка журнал ходими айбдордек жаҳлдан тушмайди йигитча.

— Ҳасанбой, ука нимага союзпечатга кўпроқ буюртма бермайсиз, — журнал ходимини «сотиб» қўйган киоскачига юзланди мухбир.

— Юзталаб сўрайман, қоғоз йўқ дейишяпти.

Журнал ходиминиям нафаси ичига тушадида кўз олдида «Ёш гвардия» нашриёти ишлаб чиқариш бўлимининг мудирини Қосим Аҳмедовнинг ташвишли қиёфаси келади: «Журналнинг битта ёки иккита сонини зарварақсиз чиқаришга тўғри келадиганга ўхшайди, қоғоз йўқ».

Бу гапларни Сиз азиз журналхонлар билан ўртоқлашишдан, «Ёш куч»нинг баъзи ички сирларидан воқиф қилишдан мақсад нима?

Аввало журналнинг оммавийлашиб бораётгани ҳақида икки оғиз тўхталайлик. Ҳозирги қайта қуриш даврида ким халқ дардини ўз дарди деб қабул қилаётган бўлса: у бир кишими, кўпчиликми, газета ёки журналми қатъий назар ўз халқининг чинакам дардкашига, яқин кишисига айланиб боряпти. Назаримизда «Ёш куч» шунақа дардкашроқ чиқиб қолди. Бугун билан турғунлик йилларининг фарқи бу — оқни оқ, қорани қора дейиш, иложи бор ишни қилишу, иложсизга кучанмаслик, маддоҳлик қилиб ғоялар устига ғоялар ёғдирмаслигу, жила қурса ўшаларнинг биттасини ғоябознинг ўзига бажартириш. Бу борада ҳам

Ф.СП-1

Министерство связи СССР «Союзпечать»

АБОНЕМЕНТ на ~~газету~~ **журнал** **75242**  
(индекс издания)

«**Ёш куч**»  
(наименование издания) | Количество комплектов: \_\_\_\_\_

на 19**90** год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
X	X	X	X	X	X	X	X	X	X	X	X

Куда \_\_\_\_\_  
(почтовый индекс) \_\_\_\_\_ (адрес)

Кому \_\_\_\_\_  
(фамилия, инициалы)

ДОСТАВОЧНАЯ КАРТОЧКА

п. в. \_\_\_\_\_ место \_\_\_\_\_ дн-тер \_\_\_\_\_ на ~~газету~~ **журнал** **75242**  
(индекс издания)

«**Ёш куч**»  
(наименование издания)

Стоимость подписки **4 руб. 20 коп.** | Количество комплектов \_\_\_\_\_  
пере-адресовки \_\_\_\_\_ руб. \_\_\_\_\_ коп.

на 19**90** год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
X	X	X	X	X	X	X	X	X	X	X	X

Куда \_\_\_\_\_  
(почтовый индекс) \_\_\_\_\_ (адрес)

Кому \_\_\_\_\_  
(фамилия, инициалы)

ОБУНА — 90 ОБУНА — 90 ОБУНА — 90 ОБУНА — 90

журнал ўз муштарийларининг кўзини очиб, ақлини анча тиниқлаштириб боряпти. Ишонсизлик, алдам-қалдамлардан заифлашиб қолган исёнкорликни қайта уйғотяпти. Узингизга маълум, ўтган йили «Мардикорлар бозори» ҳақидаги муаммо кўтарилиб, жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Натижа ёмон бўлмади. Тошкент шаҳар комсомол комитети қошида «Хотами той 2020 йил» ёшлар меҳнат кооперативи иш бошлади. Ёки бўлмасам ноҳақдан бир йилу саккиз ой қамоқда ётган қўнғиротлик тўрт ўспиринни эсланг, олти боланинг онаси қашқадарёлик Қизларой опа-чи?! Ёшлар ҳақ ва ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бу суд очерклари сонма-сон муҳокама бўлди. Охири айбдорлар жазоланди. Ҳақиқат қарор топди. «Йўл бошида адашганлар» мақоласиниям бир эсланг. Ҳали ҳануз мактабларда муҳокама қилиняпти.

Ўз жонига қасд қилишдек даҳшатли кўринишларни туб илдиз моҳиятини очиб берувчи «Икки из оралиғида», «Ҳақсизлик сиртмоғи» фожиавий очеркларчи?! «Қатортолдан мактаблар»ни ўқимайдиган, фикр билдирмайдиган биронта журналхон бормикан? Илм, фан, мактаб, билим юрти, комсомоллар ҳаёти муаммоларини гапирмай қўя турайлик.

Хуллас журнал ёшларни ўзлигини таниб, ҳақ ва ҳуқуқларини англаб, зарур пайтда курашиб, ўзини-ўзи ҳимоя қилиб яшашга ўргатяпти. Шунинг учун ҳам унинг обуначилари йилига юз мингдан кўпайиб боряпти.

Иттифоқимиздаги ҳар бир матбуотнинг эркин ҳаракат қилиши, ўз ўқувчилари билан янаям яқинроқдан гаплашиши учун обуна бўлиш тартибига ўзгартириш киритилди. Обуна илгаригидек компанияга айлантирилиб икки ойда эмас, йил давомида ўтадиган қилиб қўйилди. Хўш, бу сизга қандай қулайлик туғдиради? Бир ойда «Ёш куч»га обуна бўлсангиз, иккинчи ойда «Ёш ленинчи»га, кейинги ойларида бошқа нашрларга обуна бўлишингиз мумкин. Обуна билан шуғулланадиган жойлар ҳам тирбанд бўлмайди. Бу масаланинг жудаям муҳим томони эмас, албатта. Энг муҳими бу журнал полиграфия ишини тўғри режалаштириш, журнални ўқувчиларга вақтида етказишдир. Шунингдек, келгуси йилга қанча қоғоз кетиши олдиндан равшан бўлади. Ахир «Ёш куч»нинг битта сонининг ўзига юз тоннадан ортиқ қоғоз сарф бўлади-да. Йўл-йўлакай кўшиладиган обуналар эса киоскаларга чиқариладиган журнал ҳисобидан бўлади. Натижада сотувдаги журнал камайиб кетади. Умуман «Ёш куч»ни мунтазам ўқийман десангиз киоскага ишониб қолманг, кўп нарса ютқазиб қўясиз.

Биз бир хил матбуотларга ўхшаб журналда уни ёритамиз, бунини ёритамиз деб ваъдалар бермаймиз, «Ёш куч» ўз темасини ҳаётнинг ўзидан, редакцияга оқиб келаётган кундалик хатлардан олади. Муштарийларнинг юрак уриши унинг учун барометр. Олдиндан режа тузиб, ҳаётни ўша режага мослаштириб, ишламайди. Журнални бундан ҳам қизиқарли, мантиқли қилиб чиқаришга, ҳаётнинг ички қатламларига қўрқмай кириб бораверишга ҳаракат қилаверади.

**Шундай қилиб: 1990 йил учун  
обуна давом этяпти.  
Бир йилга 4 сўм 20 тийин. Индекс: 75242.  
Ўз журналингизга ёзилишга шошилиш.**

На абонементе должен быть проставлен оттиск кассовой машины.

При оформлении подписки (переадресовки) без кассовой машины на абонементе проставляется оттиск календарного штампа отделения связи. В этом случае абонемент выдается подписчику с квитанцией об оплате стоимости подписки (переадресовки).

Для оформления подписки на газету или журнал, а также для переадресовки издания бланк абонемента с доставочной карточкой заполняется подписчиком чернилами, разборчиво, без сокращений, в соответствии с условиями, изложенными в каталогах Союзпечати.

Заполнение месячных клеток при переадресовании издания, а также клетки «ПВ — МЕСТО» производится работниками предприятия связи и союзпечати.



Ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий, безакли журнал

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ  
КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ  
1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

№ 7 (37) июль, 1989.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти.

**Бош муҳаррир**  
**Худойберди ТУХТАБОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**  
**Шоҳруҳ АКБАРОВ**  
(масъул котиб)  
**Шухрат АЛЛАМУРОТОВ**  
**Сергей БРИНСКИХ**  
**Владимир ВОЛОТКО**  
(бош муҳаррир ўринбосари)  
**Евгений ГРЕВЦОВ**  
**Хуршид ДУСТМУҲАММАД**  
**Мирза КЕНЖАБОВ**  
**Эркин МАЛИКОВ**  
**Латиф МАҲМУДОВ**  
**Вадим НОВОПРУДСКИЙ**  
**Ҳақимжон ПИРМУҲАМЕДОВ**  
**Абдуғафур РАСУЛОВ**  
**Александр ФАЙНБЕРГ**  
**Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ**  
**Файзулла ҚИЛИЧЕВ**

Бадий муҳаррир:  
Султон СУЛАЙМОНОВ  
Тех. муҳаррир:  
Улуғбек ЯКВАЛХУЖАЕВ

«Ёш куч» («Молодая смена») — ежемесячный, общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал

На узбекском языке  
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Адресимиз: 700113, Тошкент — ЧГСП.  
«Правда» газетаси кўчаси, 60

Телефонлар:  
бош муҳаррир ўринбосари — 78-94-67,  
масъул котиб — 78-57-84,  
масъул котиб ўринбосари: рассом — 78-94-73.  
Бўлимлар:  
мактаб ва комсомол ҳаёти — 78-85-64,  
Ижтимоий-сиёсий, адабиёт  
ва санъат — 78-48-85,  
хатлар — 78-85-64.

Редакция ҳажми 2 босма тобоқдан зиёд асарлар қўлёмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёш куч» — «Молодая смена»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

«Ёш куч» — «Молодая смена» 7 июль, 1989.

С «Ёш гвардия» нашриёти.

Теришга берилди 10.05.89-й. Босишга рухсат этилди 19.06.89 й. Р—01310. Офсет усулда чоп этилди. Китоб-журнал учун офсет қоғози. Формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Шартли босма листи 5,6. Шартли бўёқ нусхаси 16,8. Нашриёт босма листи 11,4. Тиражи 310600 нусха, Буюртма 903. Баҳоси 35 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети  
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли  
босмаханаси.

Тошкент 700000, Ленин проспекти, 41.

ОБУНА — 90  
ОБУНА — 90  
ОБУНА — 90  
ОБУНА — 90  
ОБУНА — 90  
ОБУНА — 90  
ОБУНА — 90  
ОБУНА — 90  
ОБУНА — 90  
ОБУНА — 90

Ҳайкалтарош Азамат Ҳотамовни «тутиш» қийин. Амаллаб топсангиз, юзма-юз келсангиз бажонидил гурунглашади. Гурунглашаверадио хаёли қаёқлардадир кезиб-улоқиб юргандек туюлади. Ўзи рўпарангиздаю, ўйлари, шуурий нигоҳи олис-олисларда кезмоқда. Мана бу қизнинг хаёлларидек!.. Қизнинг жуссасидан полвонкелбатли эркаларда бўлагандек куч-қувватми, саботми — уфуриб турибди — у хаётда ўз ўрнини топган.

Лекин унинг кўзлари ўйчан, бошининг сезилар-сезилмас эгилганиёқ унинг аёлларга хос зариф ўйлар измида эканидан далолат берапти. Ким билсин, эҳтимол бу қиз бадий тафаккур тарихининг икки даҳо донишмандининг сиймоларини кўз ўнгида гавдалантираётгандир?.. Умар Ҳайём ва Фёдор Достоевский! Бу икки шахсни ёнма-ён туришининг ўзи фавқулудда ечим. Еш ҳайкалтарошнинг кашфиёти!

Ҳайём илмининг кенглигини, коинот сирларидан воқифлигини билдирыптими, унинг бўйчанлиги?.. Достоевский инсон қалбининг энг қаърига назар ташлай олганида далолатми унинг ҳам залворли, ҳам мунг тўла қиёфаси?..

Қайдам?.. Қўш ҳайкалга қараб сўнгсиз саволлар ижод қилаверасиз, жавоблар топаверасиз саволларингизга... Дарвоқе, санъатнинг сеҳри, оҳанрабоси ҳам шунда: сизни мағзи бўлиқ хаёлот оламига ошино этишида!..



Қиз бола.

Умар Ҳайём. Достоевский.

Н. ШАРИПОВ фотоси.





Тошкентга келган ҳар бир меҳмон Алишер  
Навоий театрини кўрмай кетмайди.  
Л. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.